

R 496
1983/2



1
1983

ГУЛИСТОН
2
1983

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадний журнали


№ 2 (396)

Февраль

1983


Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти



Москва, Кремлнинг Съездлар саройи. 1982 йил
21 декабрь КПСС Марказий Комитети, СССР
Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг СССР
Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига
бағишланган кўшма тантанали мажлис
президиуми.

А. ПАХОМОВ фотоси
[«ПРАВДА» газетаси]



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХИШ КУЧИ

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният СССР ташкил топганлигининг шонли 60 йиллигини тантанали вазиятда кенг нишонлади. Тенг ҳуқуқли Совет Республикаларининг аҳил оиласи бу улғу байрамни социалистик жамиятнинг метиндек бирлигини, совет халқининг Коммунистик партия теварагидаги бузилмас жипслигини, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда куч-ғайратини кўпайтиришга шай эканлигини бутун жаҳонга намоён қилган ҳолда кутиб олди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўшма тантанали мажлис 1982 йилнинг 21—22 декабрь кунлари Ватанимиз пойтахти Москвада—Кремлнинг Съездлар саройида бўлиб ўтди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимьянин, И. В. Капитанов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни гулдўрос давомли қарсақлар билан ўринларидан туриб кутиб олдилар.

Социалистик мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари Т. Живков, Я. Кадар, Ле Зуан, Э. Хонеккер, Ли Ден Ок, Р. Кастро, К. Фоманхан, Ю. Цеденбал, В. Ярузельский, Н. Чаушеску, Г. Гусак, Л. Колишевский ўртоқлар, қардеш партиялар делегацияларининг бошлиқлари Б. Кармал, А. Н. Мухаммад-дод, Хенг Самрин, Х. Флоракис, Й. Енсен, Г. Холл, Г. Уинстон, Г. Мис, Р. Хэлверсон, Ф. Мури, Р. Арисменди, Л. Корвалан, Р. Рао, Х. Багдаш ва бошқа ўртоқлар қизгин кутиб олинган ҳолда президиумдан ўрин эгалладилар.

Финляндия Республикасининг Президенти М. Койвисто, социал-демократик ва социалистик партиялар, революцион-демократик партиялар, миллий-озодлик ҳаракатлари ва халқаро ташкилотларнинг делегациялари раҳбарлари ҳам шу ерда ҳозир бўлдилар.

Ленин партиясининг ветеранлари, Советларнинг биринчи Бутуниттифоқ съезди қатнашчилари, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги илгорлари, фан ва маданият-

нинг таниқли арбоблари, совет саркардалари президиумдан жой олдилар. Кўшма тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко кириш нутқи сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андропов «СССРнинг олтинчи йиллиги» мавзусида доклад қилди. Музаффар Октябр революцияси тўғрисида озошликка чиққан мамлакатимиз халқлари олтинчи йил муқаддам ихтиёрий равишда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашдилар, деди докладчи ўз сўзида. Марксизм асосчилари эълон қилган: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган мангу барҳаёт шпор меҳнаткашларнинг ҳамма шаклдаги асоратга—ҳам социал, ҳам миллий асоратга қарши интернационал курашига даъват бўлди. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ишони янги тарихий шароитларда В. И. Ленин давом эттирди. У Россия узра революциянинг дастлабки шафақлари учунлана бошлаган пайтда революцион ҳаракатга бошчилик қилди. Ҳақли равишда «Халқлар турмаси» деб аталган мамлакатда Большевиклар партиясининг стратегиясини ва тактикасини ишлаб чиқиш пайтида миллий масала, табиий равишда, олдинги ўринлардан бирга чиқди.

Лениннинг васиятлари, Лениннинг миллий сиёсат принциплари биз учун муқаддасдир, деди ўртоқ Ю. В. Андропов. Биз ана шу васият ва принципларга таяниб, уларни амалда изчиллик билан қарор топтириб, қудратли давлат—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини барпо этдик. Бу давлатнинг ташкил қилиниши социализмни ривожлантиришда катта қадамгина бўлиб қолмасдан, шу билан бирга жаҳон тарихининг боришидаги энг муҳим бурлиш пайтларидан бири ҳам бўлди.

Нотиқ Совет Иттифоқининг 60 йил давоида босиб ўтган йўли якунлари ва миллий сиёсат вазифаларига тўхталди. Қолоқлик, қашшоқлик ва вайронгарлик ҳолатинда маданияти гоят юксак даражага кўтарилган ва халқ фаровонлиги домно ошиб бораётган замонавий улғу давлатнинг қудратига бу қадар шитобли парвоз тарихда асло кўрилган эмас.

Иттифодош республикалардан ҳар бири мамлакатимизнинг экономикаси ва маданиятини яппи юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшаётир. Ингирмата автоном

республикада ҳамда ўн саккизта автоном область ва округда яшовчи барча миллат ва элатлар қардошлик оиласида ўз имкониятларини муваффақият билан намоён этмоқдалар. Республикалар эришган ютуқларнинг барчасида рус халқининг беғараз қардошларча ёрдамини кўриш мумкин. Нотиқ мамлакатнинг кўп миллатли состави унинг қолоқлик манбадан тарихда биринчи марта куч ва равиш манбага айланди, деб таъкидлади.

Ўртоқ Ю. В. Андропов ўз сўзида давом этиб, ривожланган социализмни такомиллаштириш—пухта ўйланган, илмий асосланган миллий сиёсатини ҳам ўз ичига олиши лозим эканлигини ўқтирди.

Етук социализм шароитида миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабат проблемалари кун тартибидан олиб ташланмайди, деди нотиқ. Бу проблемалар Коммунистик партиянинг алоҳида ғамхўрлигини, домий диққат-эътиборини талаб қилади. Партия бу проблемалар билан чуқур шуғулланиши, уларни ҳал этиш йўлларини белгилаши, ленинча миллий сиёсат проблемаларини ривожланган социализм практикаси билан ижодий равишда бойитиши керак.

Партияимиз Марказий Комитетининг Бош секретари кўшма тантанали мажлисда қилган докладда жаҳонда тинчликни қарор топтириш ва мустақамлашга доир масалага алоҳида тўхталди.

Олтинчи йил мобайнида Совет давлатининг мақен тубдан ўзгарди, унинг обрў-эътибори ва нуфузи беқиёс ўсди. Совет Иттифоқи барча қитъалардаги мамлакатлар билан яқиндан тинч ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унинг овози халқаро анжуманларда нўътабар янграмоқда. СССР ташқи сиёсатининг асоси—тинч-тотув яшаш принциплари халқаро миқёсда кенг эътироф қилинди, ўнлаб халқаро ҳўжатларга, шу жумладан Хельсинкидаги Умумевропа кенгашининг Якуловчи Актига киритилди. СССРнинг тақлифлари БМТнинг тинчлик ва хавфсизлигини мустақамлаш масалаларига оид энг йирик қарорларига асос қилиб олинди.

Ҳозир янги уруш оловини ёқувчиларни тўхтатиб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ, деб таъкидлади ўртоқ Ю. В. Андропов. Ҳамма халқларнинг ҳаётий манфаатлари шуни талаб қилади. Шу бонсдан Совет Иттифоқи ўз ташаббуси билан ядро қуролни биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олганида, бу ташаббус бутун дунёда маққуллаб ва умид билан кутиб олинди.

Агар ядро қуролга эга бўлган бошқа давлатлар биздан ибрат олсалар, бу нарсга ядро урушининг олдини олиш ишига қўшилган ҳақиқатан ҳам салмоқли ҳисса бўлур эди.

Совет Иттифоқи, деди ўртоқ Ю. В. Андропов, ҳозирги ва келажак авлодларнинг осойишта тинч истиқболини таъминлаш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверади. Бу—партияимизнинг мақсадидир. Биз шу мақсаддан чекинмаймиз.


КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан барча совет кишиларини катта байрам—улғу Иттифоқимизнинг туғилган кунин билан қизгин табриқлади.

Кўшма тантанали мажлисда қардош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, партия ва ҳўкуматимизнинг таниқли арбоблари нутқ сўзладилар. Социалистик мамлакатларнинг делегациялари, социал-демократик ва социалистик партиялар, революцион-демократик партиялар, миллий-озодлик ҳаракатлари ва халқаро ташкилотлар номидан сўзлаган нотиқлар СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги қудратли халқаро ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Кўшма тантанали мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан табрик нутқи сўзлади. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустақамлашга қўшадиған ҳиссасини бундан бўён ҳам кўпайтиравердилар, халқлар ленинча дўстлигини, бизнинг ажойиб бузилмас иттифоқимизни муқаддас билиб асрайверадилар, деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов.

Кўшма тантанали мажлис иштирокчилари «Мақон парламентларига, ҳўкуматларига, сиёсий партияларига ва халқларига» қарата ақидили билан Мўрожаатнома қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг олтинчи йиллигига бағишланган кўшма тантанали мажлиси ниҳоясида Совет Иттифоқи Гимнининг улғувор садолари янгради.



Республикаимиз пойтахтидаги В. И. Ленин номи СССР халқлари дўстлиги саройида 1982 йил 17 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлди. Тантанали мажлисда СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. И. Бодюл республикаимизга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини топширди.

Суратда: Қизил байроғини топшириш пайти.

Б. Юсупов, А. Горюков, В. Казанцев фотолари
(ЎзТАГ)

ЗАФАР БАЙРОҒИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари шонли сана — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини халқ хўжалигининг барча соҳаларида буюк муваффақиятларни қўлга киритган шодибна бир вазиятда нишонладилар. Бу муваффақиятлар қардошлик оиласида эришилган меҳнат самараси ҳамдир. 1982 йилининг 17 декабрь куни республика пойтахтидаги В. И. Ленин номи СССР Халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси ана шу тарихий санага бағишланди. Тантанали

йиғилишда sanoat ishlab chiqarishining ilg'orlari va novatorlari, m'ul hosil ustalari va chorvachilik fermalarining xodimlari, fan va madaniyatning taniqli arboblari, partiya, sovet, jamoat tashkilotlarining rahbarlari, Sovet Armiyasining jangchilari, Ўзбекистондаги revolyucion harakat, socialistik kurilish veteranlari ishtirok etdilar. Respublika partiya va hukumati rahbarlari, qadrlil me'xonlar majlis prezidiumidan joy oladilar.
Тантанали мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. Б. Усмохўжаев кириш сўзи билан очди. Залда Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнлари тантанавор янграйди. Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.
СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Бодюлга сўз берилди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Ўзбекистон ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, халқ зиёлиларини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги билан муборакбод этди ва республика меҳнаткашларига коммунизм қурилиши йўлида янги зафарлар тилади.
Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги тарихий муваффақиятлари, деди у, Ватаннинг бешта олий мукофотлари билан тақдирланган. Республика хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқлари ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажаришдаги муваффақиятлари учун сурункасига икки беш йилликдан буюн ҳар йили КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС

ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, шонли юбилей йилида ҳам Ўзбекистон Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун Қизил байроқ билан мукофотланди.
Ўртоқ И. И. Бодюл мазкур Қизил байроқни доимий сақлаш учун гулдурас, давомли қарсақлар остида республика вакилларига топширади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бажарилган ишларга берилган юксак баҳо учун тантанали мажлис аҳли номидан миннатдорчилик изҳор қилади.
Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўзининг «Ленинча миллий сиёсат тантанаси» мавзуда қилган докладда кўп миллатли Совет давлатининг қарор топиши ва ривожланишини чуқур таҳлил қилиб берди.
Тантанали мажлис қатнашчилари гоёя баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Музаффар беш йилликлар бизни кенг миқёсда бунёдкорлик ишларида ундамоқда. Мана, масалан, ҳозир биргина Тошкент Тўқимачилик комбинати хариддорларга ҳар куни 700 минг метрга етказиб газлама жўна- таяпти. Ана шу миқдор газлама Қў- қон билан Самарқанд ўртасидаги масофани бемалол қоплаши мумкин. Ёки бир кунлик маҳсулотдан икки юз минг кишига етгулик кийим ти- килади. Шундай экан, нега магазин- ларда чит йўқ? Тошкент Тўқимачилик комбинати — тармоқнинг бош кор- хонаси. Шу савол билан комбинат директори Обид Соқиев ҳузурига йўл олди.

Директорнинг кенг хонасида тар- тиб, саранжомлик. Даъфатан иш сто- ли устидаги катта ҳарфлар билан ёзилган: «Ишлашни истаган киши имкон қидиради, ишлашни истама- ган — баҳона», деган лавҳага кўзи- нгиз тушади. У — тўқимачилик тармоғи про- блемалари ҳусусида мушоҳадаси кенг кўламли мутахассис.

— Чит йўқ эмас, кам — дейди директор иш столидан алвон муқо- वाली китобни олиб варақларкан. Бу китоб «КПСС XXVI съезди матери- аллари» эди. — Маълумки, социали- стик экономикада аҳолининг аниқ эҳтиёжлари ҳисобга олинб иш юри- талади. Мана, ўн биринчи беш йил- ликада республика меҳнаткашлари, хусусан, ип-газлама ишлаб чиқариш ходимлари олдига турган вазифа- лар... 1985 йилга келиб Ўзбекистон- да чиқариладиган ип ва шойи газ- лама ҳажми 560—570 миллион метрга етказиб белгиланган. Бу ра- кам аҳоли жон бошига тақсим қилин- са, беш йиллик охирида газлама ҳар бир кишига 33—35 метрдан тегиши лозим. Комбинатимиз республика тўқимачилик тармоғининг бош кор- хонаси ҳисобланади. Ҳозирги пайтда биз йилга 180 миллион метрга ет- казиб газлама бераёلمиз. Бу кам. Беш йилликда 225 миллион метрлик маррага чиқишимиз керак...

Директор ишонч билан гапирди. Дарҳақиқат келажакда бўладиган бу кўрсаткичлар янгида реконструкция- га, аниқ инженерлик ҳисоб-ҳитобла- рига асосланган, пухта ўйлаб ишлан- ган тадбирлар йиғиндасидир.

Сўнгги йилларда ишлаб чиқариш жараёнларини реконструкция қи- лиш чиндан ҳам комбинат кифёса- ни ўзгартирмоқда. Ҳозирги пайтда корхона кенг қурилиш майдонига айланган. Бу ерда қурувчилар ва тў- қимачилар ёнма-ён ишлаётган участ- қалар кўп. Қурувчилар учун ҳам, тў- қимачилар учун ҳам кенг қанот ёзиб ишлаш учун имкониятлар маълум маънода чекланган. Аммо рекон- струкциянинг дастлабки иншоотлари қад кўтариб, кўзни қувонтирмоқда. Корхона тобора мухташам тус олаёт- ти.

Цехларда эса техника тараққиёти жадал ўсаётди. Утган йилларда кор- хона янги техника билан жиҳоз- лашга 25 миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланган. Шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган учта райониди қисқа муддатларда қуриб ишга туширил- ган филиаллар белгиланган муд-

датлардан ўзиб, лойиҳавий қув- ватларни ўлаштиришда. Қорақамиш массивидаги учинчи филиалда кадр- лар проблемаси батамом ҳал қилин- ган. Бу эса, жуда катта ижтимоий ютуқдир.

Тошкентнинг генерал Узоқов кўча- сида қурилаётган фабрика-автомат- нинг истиқболли ҳам порлоқ. Бу йиги- рув-тўқув корхонаси фан ва техника- нинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланади. Тошкент областининг Паркент райониди ҳам тўқимачилик фабрикаси қурилиш юксак суръат билан бошлаб юборилди.

Тошкентлик тўқимачиларнинг ои- ласи кенгаймоқда. Ҳозир тўқимачи- лик хўналарини танлаётган кўплаб ёшлар истиқболли касбини танлаш- ти, деб баралла айтиш мумкин.

Лекин мазкур корхонада кадрлар муаммоси ҳалигача тўла-тўқис ҳал бўлгани йўқ.

* * *

Саҳди опа — комбинатнинг гурки- раган даврларини ўз кўзи билан кўрган аёллардан.

...1942 йилнинг кеч куз кунларида биринчи тўқув фабрикасига ўн тўрт ашар нозиккина қиз кириб келди. Унинг буйи станокларга етмас эди. Лекин у: «Тўқувчи бўлиб ишлайман!» деб тўрт олдди. Қиз боланинг шах- дини синдиргиси келмаган кишилар унга курси ясаб беришди. Цехда станоклар алмашгунга қадар у шу курсини судраб ишлаб юрди. Йил- лар ўтиб шу қиз номи кўшмақларга тушган Саҳди Пўлатова деган тўқув- чи бўлиб етишиб чикди. Коллектив эҳтиром кўрсатиб уни икки марта КПСС съездларига делегат, икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети- га депутат қилиб сайлади. Хуллас, Саҳди опа комбинатнинг қирқ йил- лик қадрдониди.

— Корхонамизда кадрлар про- блемаси зилзиладан кейин бошлан- ди, — дейди ветеран тўқувчи Саҳди опа. — Умуман, тўқимачиларда яхши аъёна бўлиб, республиканинг турли жойларидаги зарбдор қурилишлар- да комбинатимиз вакиллари иштирок этишарди. Тошкент зарбдор қури- лиш майдонига айланган йилларда ўзимиз қанчадан-қанча тўқимачилар- ни шаҳарга кузатиб қўйган эдик.

Шу фабрикада қирқ йилдан бери ишлаб келаётган батанчи В. Е. Коз- ловцевнинг айтишича, зилзиладан аввал, кимки андак ноқуёя иш қилиб қўйса, ҳатто мастер ёрдамчилари ҳам заласга тушириб қўйиларкан. Бу чора кадрларнинг масъулиятини оширган.

Ҳозирги пайтда комбинатда ав- лодлар алоқаси қандайдир даража- да узилб қолганга ўхшайди. Ҳар ўн тўқимачидан сақиз киши ёш, акса- рияти қизлар, улар орасида ўқув юр- тларида тахсил олиб ишлаётган студент ёшлар талайгина. Очиги, уларни потенциал муқим ишчилар деб ҳисоблаш қийин.

Комбинатда ёшларнинг эҳтиёжла- рини тўла-тўқис қондириш учун кўп ишлар қилинаёпти. Йигирмадан ор- тик замонавий ётоқхона уларнинг хизматига. Лекин ётоқхонада уч йил, нари борса беш йил туриш мумкин. Кейин оила қурадиган кун- лар келади. Ёш оилга эса алоҳида уй керак. Бу масалалар ишлаб чиқ-

риш проблемалари билан ниҳоят даражада боғлиқ. «Жоним билан иш- лар эдим, лекин турмушга чиқаям- ман», деган узга ўринли жавоб қилиш қийин. Албатта, узлуксиз қу- рилиш кетаётган Тошкентдек шахри азимда ҳар бир ёш оилани алоҳида квартира билан таъминлаш осон эмас. Лекин тўқимачиларнинг тур- муш шароити тобора яхшиланиб борапти, уларга барча қулайликлар яратиб бериляпти. Кейинги икки йилнинг ўзида комбинатга яқин жой- лашган Абдуллаев, Кармидюк номли кўчаларда асосан тўқимачилар исти- қолат қилаётган кўп қаватли турар- жой массивлари барпо этилди. Ком- бинат ёнидаги Салор арғи бўйида яна битта тўқимачилар шаҳарчаси қад кўтараяпти. Бу жойда ҳам ҳовли тўйлар бошланиб кетган. Буларнинг борчаси тўқимачиларга катта га- мурликлар самарасидир. Лекин му- аммоси шунинг ўзи билангина чеклан- майди.

Республиканинг деярли барча об- ласт ва районларида тўқимачилик корхоналари ишга тушаётган муно- сабати билан комбинатга четдан ке- лаятган ишчилар миқдори келгуси йилларда кескин камаёди. Барча умид маҳаллий кадрлардан. Демак, уларни топиб, тарбиялаб етиштириш керак. Учинчи филиал таърибиси бу йилнинг истиқболли кўрсатиби ту- रिбди.

* * *

Шоира Тошматова комбинатда 1979 йилдан бери ишлайди... Йиги-рма беш ашар ёшгина жувон ҳаёта ўз ўрнини изларди.

— Олти йил ўйда ўтириб меҳнат- га ташна бўлиб кетган эканман, — дейди Шоира. — Дастлаб районда модалар ательесига ишга кирдим. Ой охирида 60 сўм ойлик олдим. «Топан ишим шу бўлди!» деб ху- нобим ошиб юрганда, Тўқимачилик комбинатининг хабари келиб қолди. Ота-онамга маслаҳат солиб, янги жойда иш бошладим. Бир йил ўтар- ўтмас комбинатимиз раҳбарлари ик- ки ёш боланимизнинг билиб, қў- лишга янги ўйинг қалитини тутка- зишди... Мана, жияним Нодирани ҳам шу ерга ишга олиб келдим. Утирасаним, дедим, магазинда чанг босиб. Биноийдек ишлаяпти...

Шоира билан бирга унинг ўн учта шогирди бирга ишлайди. Бу коллек- тив корхонада меҳнатнинг бригада формасига асос солганлардан ҳис- обланади.

Йигирми Шоира Тошматова «БД» маркали янги машиналарда ишлаб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббу- си билан чикди. Комбинат ишчилари унга юксак ишонч билдириб, Фрун- зе район Советига депутат қилиб сайлашди.

Ёш тўқувчи Каромат Екуббоева эса комбинатда ўн икки йилдан бери ишлайди. У бу ерга келгунча 85-хўнар-техника билим юртини би- тирган. Биз Кароматнинг хонадониди бўлганимизда, унинг турмуш ўр- тоғи Ҳабибулла ҳазиллашиб шундай деди:

— Мана бу альбомнинг ичи тўла сурат, бунисининг ичи тўла давлат. Қайси бирдан бошлайсизлар?

Биз ичи тўла давлат деган қўти-

дан бошладик. Бори «давлат» турли нишонлардан иборат экан. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг ҳамда тўқувчи Мария ва Евдокия Виноградовалар номиди мукофотининг лауреатлик нишонлари, 1978, 1979, 1980 йилларда социалистик мусобақа голиблиги нишонлари, «Учинчи беш йиллик зарбдори» ни- шони. Кароматнинг «Меҳнатда ўрнат қўрсатганлиги учун» медалди ҳам бор экан. Шунингдек, бу меҳнаткаш қизнинг етти жара ўғли, тотув турмуши, ёруғ истиқболди ҳам бор.

Ҳозир комбинатда бир ярм мингдан ортиқ кўп станокчи ишчи- лар ишлайди. Бу ҳаракатнинг сардори Сирожиқдин Пўлатов шун- дай дейди:

— Кўп станокчиларга бериладиган қўшимча ҳақларнинг ўзи унча- мунча ойлик маошнинг ўзига тўри келиб қолади. Мен ўз бригадамга доим ёш тўқувчиларни оламан. Ҳар сафар кассанинг олдида кутиб туришни одат қилганман. «Қалай! Иш- лас бўлармикан? Келгуси ой бун- дан ҳам яхши ишлаш мумкин. Қў- лингдан келди-ю, андак эрисанан- да», дейман баъзи шогирдларимга.

Моддий манфаатдорлик принципи амалда экан, албатта, яхши ишлаб яхши ҳақ олган киши яхши яшайди. Сирожиқдин Пўлатов 500 сўмдан кам ҳақ олмайди, лекин ўзи ҳам беш йиллик топшириғини икки йил- да бажариб қўяди. Унинг 96 станок- гидан — (нормадагиси 48 станок) 3 миллион метр ҳам сурп олинди...

Тошкент Тўқимачилик комбинати ўтган йили корхона пойдеворига бир- инчи гишт қўйилганлигининг 50 йиллигини нишонлади. Комбинатдан биринчи маҳсулот чиққанлигининг ярим асрлик тантаналари 1984 йил- да ўтади.

Кейинги йилларда комбинатда яхши бир аъёна шаклланиб келаяпти. Корхонага биринчи марта қадам қўётган ҳар ёш ишчи энг аввало коллективнинг Меҳнат шухрати музе- ини зиёрат қилади.

Тўқимачилар комбинат коллекти- вининг Улуғ Ватан уруши йиллари- даги меҳнат жасорати билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу жасор- ат 1944 йилда Меҳнат Қизил Бай- роқ орденига сазовор бўлган эди. Мутахассисларнинг фиқрига кўра, 1959—1965 йилларда комбинат энг баянд иқтисодий кўрсаткичга эриш- ган йиллар ҳисобланади. Ажойиб меҳнат аъёналарига эга бўлган бу коллективда у кунларнинг шухрати ҳеч қачон ўчмайди. Уша кунлар шухратини тиклаш учун йўломил изланмоқда. Ҳозир Ватанимиз пой- тхати Москвада яшаётган бир груп- па собиқ тошкентлик тўқимачилар комбинатнинг ишлаб чиқариш ил- горлари, ёш ишчиларга мактуб билан мурожаат қилдилар. Унда жум- ладан, шундай дейилади: «Қийинчи- ликларни тан олмаслик тошкентлик тўқимачиларнинг аъёнага айланган иш принципи бўлиб келган. Биз сиз- дан комбинатнинг аввалги шухрати- ни тиклашингизни илтимос қиламиз».

Тошкентлик тўқимачиларнинг ҳо- зирги авлоди бу даъватга муносиб жавоб беришлари керак.

Нағмон ТУРСУНОВ

Фафур Фулом

ЛЕНИН ВА ШАРҚ

Ҳар бурда нон ҳурмат, сизни яхши кўрагимиз,
Ҳар қултум сув ҳурмат, сизни яхши кўрагимиз.
Бағримда жон ҳурмати, сизни яхши кўрагимиз.
Не дейя — сўзим ушбу, сизни яхши кўрагимиз.

Бутун Шарқ номидан бу, отахон Ильичимиз,
Сизни яхши кўради Конигодаги бечора;
Сизни яхши кўради кўйлаги бўлмаса ҳам,
Эндондан бутун бўлган ҳар дарбадар овора.

Ақлим киргандан Суён зеҳнимга ота бўлиб,
Нима демоқчи бўлсам — сизни қилолдим тақдор.
Шарқ уфқида ўзингиз — Владимир Ильичисиз,
Бариқоқда суратингиз — шунинг ўзи эътибор.

Осимонда учган киши — менинг ўзим бўламан,
Сизнинг маърифатингиз, отахон Ленинимиз.
Ҳатто набирам Мухтор: — Сен кимсан! —

деганимда,
Сизни ўзда кўриб, айтадики: — Ленин — биз!

Лумумбанинг қони-ла сатримни ёзмоқдаман,
Сибёх деган қорадир — асвадйи бу сатрлаб,
Кўзим қорачиғида кезмоқда бутун олам,
Юрагим мазмунини қанча айтсам, шунча кам!

Менинг ўз давлатим бор, давлатим ва Партиям,
Гражданлик ҳуқуқим оламаро мустақкам.
Солдатлик паспортим бор наҳон инқилобига,
Шоҳидлик виждоним бор дея қўйсам жуда кам.

УЙҒУН НАЗИР ОТАНИНГ ҒАЗАБИ

Кўк юзини булут, чол кўзини ғазаб,
Аста босиб келабошлади.
Етиб келиб булут чолнинг тепасига,
Уч-тўрт совуқ томчи ташлади...

Муштумини қисди, титради чол,
Оловланди хира кўзлари.
Ғазабларга тўлиб асабий бир тусда,
Лабларидан учди сўзлари:

«Тавба!..
Бу лаянати, асти, нима қилади!!
Қани энди... бўғабошласам!
Иложи бўлсаю, лаянати
Тилка-тилка қилиб ташласам!..»

Муштумини қисган, титрайди чол,
Кўк юзида хира кўзлари.
Ғазабларга тўлиб асабий бир тусда
Лабларидан учар сўзлари:

«Эй,
Менга деса агар тош ёғмайдини!
Барибир, пахтани терамиз!
Бир донга ҳам кўсак қолдирмасдан,
Ҳукуматга тўлаб берамиз!..»

Юрагига унинг ғайрат тўла,
Узи эса жуда ҳам қари.
Кўкка қараб яна гўдиллаб олди-да,
Босиб кетди пахтазор сари...

ҚИЗИЛҚУМ ЯЙЛОВЛАРИДА

Муҳаммад САЛОМ

Ёз арафасида Қизилқум баҳодирлари ҳузуринда бўлдик...

Авалло шунга айтиш керакки, ўтган йили айни зарур пайтда табиат ўз марҳаматини қорвадорлардан дегит тутди — кўклам қурғоқ келди. Чўпонлар қорва йили қанақа келишини майса-ғиёҳларни гуркиратиб ўстирувчи ёмғирларнинг мўллиги билан белгилайдилар. 1982 йил кўклами эса улар истаганча бўлмади. Даштликлар, қумликларга саксовулзорларни қоқ ёриб ўтган катта йўлнинг икки тарафи қақраб ётарди. Олис-олисларда кўлга ўхшаб сароб жимирлайди.

Саҳронинг белгига белбоғ бўлиб тушган ойнадек текис, равон, кенг йўл. Офтобда асфальт қора сақичдай ялтирайди. Машинамиз гўё юриб эмас, сувда сузиб бораётгандек олдинга силжийди. Шунда Қизилқумдаги аввалги қичғир-қийшқ, паст-баланд, қумли йўллар эсга тушади. 1969 йилги мashaққатли қишда бу яйловларда қорвачилик жуда катта талофат кўрди. Олис яйловларга тузукроқ йўл чиқарилмаганлиги, ем-хашакни ўз вақтида етказиб бериш иложи бўлмагани туфайли шундай аҳвол юз берган эди. Уша қиш сабоқ бўлди-ю қисқа вақт ичнда Қизилқум яйловлари бўйлаб етти юз километрдан кўпроқ айланма асфальт йўл ўтказилди. Эндилкида бутун Навоий области территориясини қамраб олган ана шу йўлдан ҳар бир совхозга, шаҳар ва район марказига ҳамда йirik қорва фермаларига борish мумкин.

Кейинги икки ўн йиллик мобайнида Қизилқум бағрида, унинг этакларида янги-янги шаҳарлар, посёлкалар қад кўтарди, қатор районлар, кўплаб совхозлар ташкил этилди. Мана энди буюк Навоий номи билан аталувчи янги область ташкил этилди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорини қорхоналарнинг ишчилари каби яйлов баҳодирлари ҳам мамуният билан кутиб олдилар. Чунки янги область тузилиши билан янги истиқболлар очилди. Озиқ-овқат программасини амалга оширишда кенг имкониятлар юзага чиқди. Бу нарсани оддий чўпондан тортиб ферма раҳбаригача ҳамма тулик ҳис қилаётди.

Чанг-тўзон булут орасидан аранг кўринаётган кўёш тиккага кўтарилган пайтда кўзланган манзилга — Томди районига қарашли Калинин номи совхозининг Мардон Кўрдошев бошлиқ иккинчи фермасига етиб бордик. Фермада жун қирқиб мавсуми яқиндагина тугалланган экан. Сўхбатимиз тез қовушиб кетди.

— Урозбек биздан кетди-да, — деди бироз афсусланиб ферманинг зоотехниги Ҳайдар Тўрақулов. — Ишчан, одамларвар йигит.

— Хозир ҳам ундан узлиб қолганимиз йўқ, Ҳайдар ака, — дея жилмайиб гапга аралашди ферма мудири Мардон Кўрдошев. — Мусобақадошимиз. Кетишига келганда эса... ўша «Шофрикон» совхозига керак бўлди... Яхши одамнинг талабгори ҳам кўп бўлади. Катта совхозда катта обрў қозонапти.

— Ҳа, у совхознинг майдониям, қорвасиям бизникидан кўп, яйловиям анча қулай, — деди ўйчан Ҳайдар ака. Бир қисми Арнасой бўйларига жойлашган, унумли-ерлар. Урозбекнинг омади юришган, қандини урсин!

Бу гапдан сўнг биз кеча «Шофрикон» совхозидан бўлганимизда Урозбек Тўрамуродовдан эшитган рақамларни эсладик: Кониҳек райониди «Шофрикон» совхоз 1982 йилда 51 мингдан ошиқ она кўйининг ҳар юзтасидан 175 тадан кўзи олди. Унинг 34 минг 558 тасини асрашга қолдириб, 54 минг 867 донга қоракўл термини давлатга топширди. Совхознинг Икром Каримбоев, Нортой Бердиев, Маъмур Аҳмедов сингари илғор чўпонлари бир йилдаёқ бир отардан икки отар ташкил этдилар. Улар ҳар юз бош она кўйдан 210—250 тагача кўзи олдилар. Юсак кўрсаткич.

— Ҳўш, сизлар-чи? — деб сўрадик ферма мудири Кўрдошевдан. — Шофриконликлардан қолишмагандирсизлар?

— 1982 йилда уларнинг кўллари ҳар жиҳатдан устун келди, — дея Кўрдошев очиқ эътироф этди. — Биз ҳам бўш келганимиз йўқ — ферма бўйича ҳар юз совликдан ўртанча 168 тадан кўзи олдик. Шуларнинг кўпчилигини ўстиришга қолдирдик. Йил охирида 6 минг 700 кўздан янги отарлар туздик.

— Ундан ошиқ отар бўлди, — дея гапни давом эттирди Ҳайдар ака. — Энди ҳар отаримизга камда иккитадан чўпон керак.

Чўпон ҳақидаги фикр бизни ўйга толдирди. Бир кун аввал Урозбек оға ҳам, совхознинг бошқа раҳбарлари ҳам бугунги кунда чўпонлар, сурув ордин юривчилар камайиб бораётганини кўйиниб гапиршиганди. Ажабо, нега бундай?

— Бугунги яйлов, чўпонлар учун яратилган шаброит ўсиб бораётган замон талабига жавоб бермай кўйди, — деди Кўрдошев бизнинг ажабланишимизни кўриб. — Чўлда ўсган болалар эса, уларнинг шаҳарга уришяпти, қонларга бориб ишлашяпти. — Қанақа шароитни айтяпсиз? Уй-жой масаласими?

— Албатта, уй-жойда ҳам гап кўп. Қанийди чўпонларга артезиан қудуқлар тақинида қулай уйлар кўриб берилса, электр билан таъминланса...

— Кўчма электр станцияни ҳам назарда тутаяпти, — дея изоҳ берди Ҳайдар ака. — Ҳақиқатдан ҳам шунанга дивожиклар бор. Бироқ унга етишиш қийинроқ бўлаяпти. Қани энди ҳар бир отарда ўшандан бўлса.

Эътимом, бу айтилган гаплар муҳим муаммолардан биридир. Балки қорвачиликни саноат асосида қайта кўриб чиқиш зарурдир. Шу орада Ҳайдар Тўрақулов яна бир фикр айтиб қолди:

— Нурота районининг баъзи совхозларида яйловлар отарларга тақсимланган. Ҳар қайси чўпоннинг ўзига бириктирилган яйлови бор.

— Бизда ҳам шундай-ку, Ҳайдар ака, — деди ферма мудири.

— Йўқ, уларники бошқачароқ. Уларнинг отарлари тўр билан ўралган. Қўй ва кўзилар бошқа яйловга ўтолмайди. Ҳар бир чўпон ўз яйлови учун жон куйдиради, масъулятини яққол ҳис қилади.

— Сим тўрлар тузукю-я, аммо қимматга тушеди-да.

— Келадиган даромадга қараганда симтўрнинг чикими арзимайдиган харажат, — деди Тўрақулов. — Фойдаси бордирки, нуроталикалар уни кенг қўллашяптилар. Чўпонлар ўша отарлар марказини ва қудуқ атрофидаги ерларни ўзлаштириб, экин-тикин қилишган, дарахт ўтказишган, ўз кўзим билан кўрганман.

Чиндан ҳам нуроталикларнинг тажрибаси ўрганишга арзийди. Агар бу усул самара берадиган бўлса, эҳтимол шундай йirik қорвачилик области базасида яйловлар учун мусо келадиган ўтовлар, тўсиқлар учун сим тўрлар ишлаб чиқарадиган бирор қорхона хусусида йўлаб кўриш лозим бўлади.

Агар Бутуниттифоқ қоракўлчилик ҳамда Урта Осиё қишлоқ ҳўжалиги экономкаси илмий-тадқиқот институтлари Қизилқумда ўз таянч пунктларини барпо этсалар, қорвачилигимиз олдида турган муҳим муаммоларни ўрганиб, уларни ҳал этишга ҳисса қўшган бўлардилар. Бу нарсани Озиқ-овқат программасида белгиланган муҳим тадбирларнинг амалга ошишини тезлаштиради.

Биз баъзи ҳўжаликларнинг раҳбарлари билан бугунги ишлар ҳақида сўхбаташдик.

— Утган йилги баҳорнинг қурғоқ келиши биз қорвадорлар учун анчагина қийинчиликлар туғдирди, — деди Кониҳек райониди «Шофрикон» совхозининг бош зоотехниги Урозбек Тўрамуродов. — Албатта, қишлоқ учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрдик. Кўйларни қочириб кампаниясини ҳам уюшқоқлик билан ўтказдик.

— Ҳалиям СЖКдан кўп ишлатаёйсизларми? — деб сўрадик ундан.

— Ҳозирча бошқа қорамиз йўқ. СЖК қўлламасак, плани бажариш қийин, — деди Тўрамуродов бироз ўйланиб.

— Ҳозир юз кўйдан бир юз қирқ, бир юз элликтдан кўзи олсак ҳам баъзиларга бу рақам камдек кўринади, — дея ҳамроҳларининг сўзини маъқуллади Калинин номи совхоз зоотехниги Ҳайдар Тўрақулов. — Чўпонларимизнинг мақтов эшитишга, мукофот олишга майли катта.

— Сифат масаласи-чи? — дея атайин сўрадик биз. — Тўғри, тери сифати пасаяди, — деди маъюсланиқ Урозбек. — Бирданига учта-тўртта туққан совлиқ ҳолсизлиниб қолади. Гоҳида кўзилар ўлик туғилади.

Ҳа, Навоий областининг қорвадорлари Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш учун об-ҳаво ноқулайлиқларини, табиат инжиқликларини писанд этмаган ҳолда унумли меҳнат қилаётдилар. Вухоро

КОСМОСДА 211 КУН



Совет космонавти Анатолий Николаевич Березовой ва Валентин Витальевич Лебедев космосда энг узоқ муддат — 211 кун давомида тадқиқот олиб бордилар.

В. Черенцев фотоси
[ТАСС фотохроникаси]

Фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасида совет фани ва техникаси яна бир ажойиб муваффақиятини қўлга киритди: СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида космонавтика тарихида космосдаги энг узоқ муддатли тадқиқот ишлари муваффақиятли тугалланди. Бу улкан ютуқ муносабати билан космонавтар Анатолий Николаевич Березовой ва Валентин Витальевич Лебедев ўртоқлари, «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида энг узоқ муддатли космик училишни тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар, барча коллективлар ва ташкилотларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қизғин табриқладилар.

Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев 211 сутка давомида космосда бўлиб, мураккаб, тизмач ва масъулиятли программани аъло даражада бажардилар ҳамда 1982 йил 10 декабрь кунин Жезқазган шаҳридан 190 километр шарқда ерга эсон-омон қўндилар.

Мазкур космик учиш 1982 йил 13 май кунин «Союз Т-5» кемасида бошланган эди. Орадан бир кун ўтгач, кема «Салют-7» станцияси билан туташтирилди ва космонавтаримиз мазкур станцияда

илмий-тадқиқотларни бошладилар. Уларнинг «Салют-7» орбитал станцияси ичида узоқ муддат муваффақиятли ишлаши совет космик техникаси имкониятлари беқиёс ўсганлигини кўрсатди.

1982 йил 25 июнда эса «Салют-7» — «Союз Т-5» орбитал комплекси билан «Союз Т-6» кемаси туташтирилди. Бу кемани СССР космонавт-учувчилари Владимир Жоникбеков, Александр Иванченков ва Франция граждани Жан Лу Кретьендан иборат халқаро экипаж бошқарди.

Космонавтар Березовой ва Лебедев «Салют-7» станцияси ичида Леонид Попов, Александр Серебров ва космонавт аёл Светлана Савицкая ўртоқлардан иборат экипажни ҳам қабул қилдилар.

«Салют-7» — «Союз-Т» орбитал комплексининг узоқ муддатли учиш давомида асосий экипаж аъзолари ва улар билан ҳамкорликда ишлаган кейинги космонавтар кўлгина илмий-техник ва биологик-медицина тадқиқотларни ва экспериментларни бажардилар.

Шунингдек, космонавтар Березовой ва Лебедев очик космик фазога ҳам чиқдилар ва станциядан ташқарида турли технологик операциялар ўтказдилар. Вазисизлик шароитидаги нуқулйликнинг олдини олувчи воситаларни такомиллаштиришда янги натижаларга эришилди.

Учиш давомида Ернинг табиий ресурсларини ўрганишга, илм-фан ва мамлакат халқ хўжалиги турли тармоқларининг манфаатлари йўлидаги вазифаларни ҳал этишга катта эътибор берилди. Шу мақсадда космонавтар Ер юзи ва Жаҳон океани акваториясини муттасил кузатдилар ва фотосуратга олдилар. Шунингдек, галактикадаги ва ундан ташқаридаги турли объектлар, рентген ва ультрабинафша нурланиш манбалари, планеталаро муҳит, ер атмосфераси тадқиқ этилди. Экспериментларни ўтказишда совет аппаратларидан, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия ва Францияда ясалган приборлардан фойдаланилди.

211 кунлик учиш давомида олинган илмий-тадқиқот ва экспериментларнинг натижалари мамлакатимиз фани, техникаси ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўламда қўлланилади, Ер юзидаги барча кишиларнинг бахт-саодати йўлидаги тарақиёт ишига хизмат қилади.

Космонавтаримизнинг космосдаги узоқ муддатли экспедициясининг муваффақиятли якунланиши КПСС XXVI съездининг совет фанини ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари йўлида кoinотни тадқиқ этиш бўйича қабул қилган жанговар программанинг бажарилишига қўшилган катта ҳиссadır.

ВОЛГА БЎЙИДАГИ БУЮК ЖАСОРАТ

Сталинград учун бўлган жангларда Совет Армияси эришган буюк галабага 40 йил тўлди.

Асрлар ўтар, кўпгина воқеалар хотирадан ўчиб кетар, лекин Сталинград жангининг инсоният ҳеч қачон ёддан чиқармас. Совет Армияси Волга бўйларига немис-фашист босқинчиларини тўхтатибгина қолмай, уларни яқсон қилди. Совет тупроғидан душманин оммавий суратда ҳайдаб чиқариш ҳамда уни батамом тор-мор қилиш ана шу ердан бошланди. Сталинград совет халқининг ҳамда унинг Қуролли Кучларининг жасорати, мардлиги ва матонати рамзи бўлиб қолди.

Миннатдор инсониятнинг ҳозирги ва бундан кейинги авлодлари халқимизнинг жасорати олдида ҳамيشа таъзим қиладилар. 143 кечаю кундуз давом этган дахшатли жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган, фронт йўлларидан матонат билан юриб ўтган, душман билан олишувда ҳалок бўлган, она-Ватанга, муқаддас тупроққа, халқини адолатли курашга отлангилар Коммунистик партияга сўнмас меҳр-муҳаббат тўғйуларини намоён этган кишилар хотираси инсоният ёдидан ҳеч қачон кўтарилмайдми.

Ҳа, бу ердаги қашатгич жанглар 143 кеча ва кундуз бетиним давом этди. Ҳайқалтарошлар Сталинграднинг жасоратига бағишланган ёдгорлик ўрнатиш жараёнида тезда маълум бир қарорга кела олмадилар. Шунда улар собиқ 62-армия қўмондонини маршал Чуйковга мурожаат қилдилар. «Мамай кўрғонига бориб энг ва чуқурлигига бир квадрат метрдан чуқур қазинглар, сўнгра ана шу ердаги ўқ ҳамда осқоналарни ҳисоблаб чиқинглар», деб маслаҳат берди маршал.

Ҳайқалтарошлар унинг айтганича қилдилар. Ҳар бир квадрат метр тупроқдан олинган металлни тасаввур этиш мушкул: заминнинг ана шу кичкинчи парчасидан 1600 та ўқ-дори ва осқола олинди. Сталинград тупроғи эриган ва яллиғланган металл билан тўлиб-тошган. Киши бошига 1600 дона миқдорда ўқ-дори ёғдирилган. Ана шундай бир шароитда совет кишими галаба қозонди.

1942 йил ёз фаслида фашистлар Сталинград ва Кавказ йўналиши бўйлаб ҳужумга ўтдилар. Доннинг бепоён кенгликларига инсоният тарихида рўй бермаган қашатгич ва энг оғир жанглар бошланиб кетди. Москвадаги мағлубият учун ўқ олишга аҳд қилган душман Сталинградни эгаллаб, Волга дарёсини кўлга киритиш ҳамда Москвану Боку нефтидан ажратиб қўйишни ният қилган эди. Волгани эгаллаб, орқа томондан Москвага ҳужум қилиш унинг мақсади бўлиб, ҳатто Саратов, Куйбисев каби шаҳарларни эгаллашнинг аниқ муддатларини белгиланган эди. Душманининг 1942 йил ёз фасли учун белгиланган стратегик нияти ана шундай эди.

1942 йил сентябрь ойининг ўрталарида Сталинград учун жанглар миқёси шу қадар кенгайиб кетдики, тарихда бунга муқофас йўқ. Душман қадамма-қадам олдинга ўтиб, бизнинг мудофаа чегарамизни бузишга ҳамда шаҳарнинг марказий қисминини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Минглаб самолётлар шаҳарга бомба ёғдирадидилар, 14 сентябрь куни эса ана шундай самолётларнинг сон 2 мingga 540 тага етди. Сентябрьнинг охирига бориб, Сталинград мудофаачиларининг ихтиёрида Волга дарёси ёқисидан ниҳоятда қисқа йўл қолган эди, холос. Артиллерия снарядлари ва авиа бомбаларидан шаҳар ёнар, ер ёнар, Волга ёнар, бетондан қилинган иншоотлар кулар, металллар эрирди, гўё одалар ортқ чидаш беролмайдигандек туюларди, совет жангчилари эса она тупроқнинг ҳар бир қаричи учун баҳодирона жанг қилар эдилар.

Сталинградда фақат Ватанимизгина эмас, балки инсониятнинг ҳаёт-мамат масаласи ҳал қилинаётган эди. Шунинг учун ҳам ўша кунларда жаҳондаги барча халқларнинг нигоҳи Сталинградга қаратилган эди. Сталинград жангининг аҳамиятини шарҳлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Жаҳон халқлари Совет Армиясининг галабасини миннатдорлик тўғйуси билан эслади. Жаҳондаги барча мамлакатларда майдонлар, кўчалар, мактаблар Сталинград номида юритилади. Сталинград уруш тарафдорларининг кўнглига домл гулгула солиб туради, инсоният эса урушда берилган сонсиз-саноқсиз қурбонлар хотирасини унутмай-

ди, яна қайтадан унинг бошига уруш фалокат солиншини истамайди.

Урушнинг энг дахшатли кунларида ўзбек халқи Сталинградда жанг қилаётган ўз фарзандларига ҳар бир қарич ерни мурдор фашист босқинчилари оғти остида топталишига йўл қўймаглигини талаб қилиб мактуб йўллади. Ана шу мактубга жавобан ўзбек жангчилари Сталинградни ҳимоя қилиш учун қон ва жонни аямасликка қасамдди қилдилар.

Волга бўйидаги мудофаа жангларига Ўзбекистондан 200 минг киши Совет Армияси сафларига жанг қилди. Сталинград шаҳри ҳимоясида 398-ўқчи дивизияси, 128-ғардиячи Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси, 24-отлиқ дивизия ҳамда 90, 94-алоҳида ўқчи дивизияларнинг жангчилари бемисл матонат намуналарини кўрсатдилар.

Учувчи Рўзи Остонақулов ҳарбий ҳаво жангларига жасорат кўрсатиб, фашистларнинг учта бомбардимончи самолётини уриб туширди. 90-ўқчи бригада жангчилари эса Сталинград остоналарида душманин кескин қаршилигини энгиб ўтиб, аҳоли пунктини эгалладилар. Айнисқа Пономарёв учун бўлган жанглар ниҳоятда оғир кечди. Ундан бир кун аввал қор ёғиб, қисм жангчиларини душманга ошқор қилиб қўяди, қурбонлар сон 1 кўпаяди. Ана шунда автоматчилар ротаси командири Одил Шукуров ишлатган ҳарбий қўлга кўл келди.

Шукуров автоматчилар ротасининг шахсий составини сафга тизиб, ярим вайрона саройга олиб келди ҳамда усти-бошларни батамом ечишга буйруқ берди. Жангчилар ҳайрон бўлган кўйи буйруқини бажардилар. Шундан сўнг Шукуров усти-бошлар устидан икки кийимларни кийишни буюрди. Бу

23 февраль – Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти куни

нарса гитлерчиларга билдирмасдан уларнинг ортига ўтиб олиш имконини яратди. Қўлай позицияларда автоматчилар тўсатдан ўч оқдилар. Одил Шукуров жангчиларни руҳлангирган ҳолда биринчи бўлиб жангга отланди. Тез орада қўл жанги бошланиб кетди.

Лейтенант Шукуровнинг ўзи кўплаб фашистларни ер тишлатди. Найзабозлик жангида унинг рўласида қўлида пистолет билан ногўл фашист офицери пайдо бўлди. Лекин Шукуров ўзини йўқотиб қўймади. Кескин ҳаракат билан душман қўлидаги «Вальтер» пистолетини уриб туширди. Душман Шукуровнинг кўксига ханжар санчмоқсига бўлди. Шукуров эса куч билан офицери чалиб йикитди. Қўлидан ханжарни тортиб олиб уни фашист кўксига қадади. Лейтенант Шукуров ўлдирилган фашистнинг планшетини ҳам тортиб олди. Ундан эса муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматли ҳужжат чиқди ва қўмондонликка етказилди. Жангдан сўнг Шукуровнинг жасорати ҳақиқатда хабар қисилар ва бригадаларга тарқатилган эди. Мукофот варақасида қўлидаги сўзлар ёзилган эди: «У ҳужумда командирлик маҳоратини кўрсатди, 185,1 тепалигини эгаллаш учун ҳужум пайтида ўртоқ Шукуровнинг ротаси душман траншеясини биринчилардан бўлиб эгаллади. Командирлик маҳорати, найза, граната ва қўндоқ билан, пулемётдан ўч очиб билан қатъий ҳаракат қилинганлиги тўғйайли душман тепалиқдан қисиб чиқарилди. Ўртоқ Шукуровнинг ўзи эса жангчиларни руҳлангирган ҳолда гитлерчи солдат ва офицери раҳисизларча қирди, Ватанин ҳақиқий фарзанди сифатида курашди. У ана шу жангларда 17 гитлерчини ер тишлатди ва душманин иккита билинмади кўлим кўкка совурди».

90-ўқчи бригадаси Серафимович районига немис

авиациясининг кучли бомбардимони остида қолди. Айнисқа капитан Султон Азимовнинг батальонида қурбонлар кўп эди. Капитан яраланган бўлишига қарамай жанг майдонига қолди. Азимов шахсан мард, иродали командир бўлиб, унинг батальони Серафимович, Остасовка, Колошино учун жангларда алоҳида ўрнак кўрсатди. Немислар мудофаа қаноатларини четлаб ўтиб, батальонни қўраб олишга чоғланганларида у ердан сўраб мурожаат қилди. Батальонга ёрдам учун лейтенант Шукуровнинг автоматчилар ротаси кўнатилиди. Рота душманин кўтлмаганда орқадан ўққа тутиб, Азимовнинг батальони ҳужумига йўл очди. Қўл жангида гольб чиққан Султон Азимов батальони 110,5 тепалигини кўлга киритди, командирнинг ўзи эса ҳалок бўлди.

Артиллериячилардан гардиячи кичик сержант Воробьев, Усмон Отақулов, Жамол Ҳасимов, Собир Алибоев, Маҳмуд Раҳматдинов Ўзбекистоннинг қишлоқларидан фронтга отланган йигитлар эдилар. Тупроққа қандай меҳр қўйган бўлсалар, ўзларига топширилган қуролга ҳам ана шундай муносабатда бўлдилар. Улар муҳим тепаликни қўлга киритиш учун бўлган кескин жангларда гвардиячи-артиллериячи деган номга сазовор бўлдилар.

Немис-фашист босқинчилари Сталинградга интилардилар. Ана шундай кунларнинг бирида Перевозское хутори яқинидаги тепаликни эгаллаш вазифаси лейтенант Кабриров вазоди зиммасига юкланди. Мана шу қўлай тепаликни эгаллаб олган душман жангчиларимизни бош кўтаришга қўймади.

Кабрибовнинг жангчилари ер бағирлаб кетдилар. Тепаликнинг атрофи очик майдон бўлгани тўғйайли кўпгина жангчилар қурбон бўлдилар, лекин триклар жанг қатъият билан мақсад сари интилавердилар. Командир буюм халтасини бўшатиб, уни қум билан тўлдирди, сўнгра уни никоб қилган ҳолда ер бағирлаб олдинга силжишга буйруқ беради. Улар ҳар қадиқанда ажал таҳдид солиб турган ана шу йўлдан олти соат «юрдилар». Ватанга бўлган оташин муҳаббат уларга жасорат бағишлади. Жангчилардан Абдурахмон Эрдонув сўнги қадиқаларда ўзида куч толиб, душманин ўлим ёғдириб турган амбраузурини нишонга олиб граната отади, душман вазоди тиңийди. Жангчиларимиз ана шу тепаликни оғир қурбонлар вазига кўлга киритадилар. Вазоднинг 40 та жангчисидан атиги 12 киши тепаликка етиб боради. Командир улардан бирини жанговар топширқч бажарилганлиги ҳақида хабарни етказиш учун полк штабига жўнатади, қолганлар зудлик билан мудофаа маррасини эгаллайдилар. Улардан ўн бир киши қоладилар [9 ўзбек, 1 та қозоқ ва 1 та татар].

Фашистлар ана шу тепаликни қандай қилиб бўлмасин қайтариб олишга интиладилар. Душман 300 гитлерчини — ҳар бир мудофаачи бошига 30 кишидан ташлади.

Взвод ихтиёрида 2 та пулемёт, автоматлар, милтиқлар бор эди. Гранаталарни сўнги чора сифатида сақлаб қўйдилар. Тепалик учун жанг 12 кун мобайнида муттасил давом этди. Оч сонли жангчилар душманин кетма-кет ҳужумларини бемисл жасорат билан даф этиб турдилар. Жангчиларимиз тепаликни кўлда ушлаб қолдилар, лекин тирик қолганлар фақат икки киши — Эрдонув ҳамда Кабриров эди, холос. Совет жангчиларининг кўрсатган матонати ёдгорлик қолмади. Эндиликда ана шу тепаликда эътиборли ўрнатилган бўлиб, 1942 йили бу ерда жанг қилган совет солдатларининг номлари мармарга ўйиб ёзилган. Тепалик «Шарқининг ўн бир қаҳрамони» деб аталади. Ваҳмарим Алибоев, Дибёр Аҳмедов, Бобобёр Гафуров, Сайфи Мардонов, Худойкул Мусаев, Сабах Файзиев, Нормурод Ҳайитов, Собир Тиленов — ана шу ердаги оғир жангларда мангуликка кўз юмдилар.

Сержант Я. В Павлов раҳбарлиги остида оч сонли совет жангчилари Сталинград марказидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган ўқини ҳимоя қилдилар. Ун бир миллат вакилидан иборат 23 жангчи душман снарядлари ва мингалардан илма тешик бўлиб кетган ярим вайрона унинг 58 кун мобайнида ҳимоя қилдилар. Немислар ана шу кичкинагина қаърани барниб кўлга кирита олмадилар. Рус Илья Воронов, Алексей Анкин, Иван Афанасьев, украин Павел Демченко, Павел Доженко, ўзбек Камолжон Турғунов, қозоқ Мурзаев, грузин Саламанавили, абхаз Сукба, тожик Турдиев, татар Рамазонов ва бошқалар катта матонат билан Павлов уйини охиригача қўлда бермадилар.

Сталинград учун бўлган жангларда, шунингдек, Ўзбекистондан борган Минахнат Зокиров, Мухаммад Раҳмонқулов, Бозор Нарзалиев, Иван Долгоруков, Қўли Эммуродов, бошқа юзлаб ва минглаб йигитлар матонат ва жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар шонли Қизил Армия сафларига Совет Ватаниннинг озодлиги ва мустакиллигини сақлаб қолишга буюк хисса қўшдилар. Ўзбекистондан борган 2 минг 738 киши «Сталинград мудофааси учун» медали билан тақдирланган.

Жангчиларимиз Сталинграднинг шонли соғлонасига қаҳрамонликнинг сўнмас саҳифаларини битдилар. Шунинг учун ҳам тараққийларвар инсоният Совет Армиясининг иккинчи жаҳон уруши йилларида кескин бурилиш ясаган Сталинград жангларига бетактор мардлиги олдида ҳамيشа таъзим қилади.

КУНЛАР

ҚУВОНЧИ

Саксонинчи йилнинг охири эди. Қишлоқ хўжалигида раҳбарлиқни такомиллаштириш мақсадида йирик «Комсомол» колхози иккига бўлинадиган бўлди. Район партия комитети томонидан тузилган тақсимот комиссияси аъзолари дастлаб ишни хўжалиқнинг тажрибали раиси Абдусалом Турсунов ва правлениенинг бошқа активларига маслаҳат солишдан бошладилар. Мавжуд техника ва бошқа асбоб-ускуналар тенг иккига бўлинди. Лекин гап сугориладиган ерлар ва тайёр иморатлар тақсимотида тақалганда Абдусалом Турсунов шундай таклиф киритди:

— Комсомол номли участка территориясида анчагина ўзлаштириладиган ерлар бор. Масалан, Мингчукур массивининг ўзидан камида минг гектар ер ўзлаштириш мумкин. Шунинг учун, менинча, сугориладиган ерларни «Ленинобод» колхозига қолдира-сак. Биз эса кўпчиликнинг, хусусан, ёшларнинг кучи билан ўша массивни ўзлаштирамиз. Иморатлар ма-саласига келганда ҳам худди шу фикрдаман. Колхоз территориясини янги ерлар ҳисобига кенгайтириш вазифалари ўша жойларда янги иморатлар қуриши-ни тақозо қилади. Албатта, ер ўзлаштириш ҳам, янги иморатлар қуриш ҳам катта куч ва ғайратни талаб этади.

— Абдусалом Турсунович, қийналиб қолмасми-кансизлар?— деди ўшанда тақсимот комиссиясининг раиси зимдан раисга қараб.

— Колхоз учун, унинг раҳбарлари учун ташвиш-сиз йил йўқ,— деди Турсунов.— Ҳа, ўзлаштиришимиз лозим бўлган ерлар шароити «Ленинобод» колхозининг янги раисига нисбатан бизга яхшироқ таниш. Оқини, оғирчиликни кўпроқ ўз зиммамизга олаётганимиз сир эмас...

Икки колхоз ўртасидаги ер ҳам, мавжуд иморатлар ҳам омилкор раис Турсуновнинг таклифи бўйича тақсимланди. «Комсомол» колхозига сугориладиган майдонлардан 400 гектар ер ўтди.

Абдусалом Турсунов ўша кунни тунни билан янги ташвишлар гирдобидида ўй суриб чиқди. Мингчукур массивига сув олиб бориш керак. Демак, энг аввало сувни юқорига узатиб берувчи насос қуришимиз лозим. Мингчукур даштини ободонлаштириш вазифа-си ҳам ниҳоятда муҳим...

У эрталаб колхознинг ҳамма фаолларини правле-ниенинг муваққат биносига йиғди.

— Ҳурматли активлар! Гарчи, колхозимиз аввал-ги — «Комсомол» номини сақлаб қолган бўлса-да, янгидан кўпгина тадбирларни амалга оширишимиз лозим,— деди у хўжалик фаолларига жиддий оҳанг-да.— Биринчи навбатда, ер очки, аниқроғи, Минг-чукур массивига сув чиқариш вазифаси турибди. Иккинчидан, оғир шароитда қийинчиликларга бар-дод берадиган ёшлардан зарбдор бригадалар таш-кил этишимиз лозим. Маъзур масалалар бўйича кида қандай таклиф борми?

Бош инженер Нурмуҳаммад Искандаров сўз олди: — Менимча, Мингчукурга сув чиқариш учун электр насос қуриш маъқул. Двиглок-моторлар тез-тез бузилиб туради...

БЕШ ЙИГЛИК
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Колхоз бош агрономи, тажрибали бригадирлар инженернинг гапини маъқулладилар.

Колхоз партия комитетининг секретари Жўра Аннакелдиевнинг таклифи билан коммунистлардан Рўзиқул Турсунов, Эргаш Бердиёров ўртоқлар бош-чилигида зарбдор комсомол-ёшлар бригадалари ту-зилди.

Раис ўша қисқа мuddатли йиғилишдан сўнг об-ласть марказига — Самарқандга жўнаб кетди. У раҳбар ўртоқлардан Мингчукур массивига сув чи-қариш учун электр насос қуришга ёрдам беришлар-ини илтимос қилди. Бу борада розиликни олгач, Абдусалом Турсунов Ўзбекистон сув иншоотлари қурилиши илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд филиалига кириб, у ерда электр насос лойиҳасини тейорқ таёйрлаш хусусида маслаҳатлашди.

Орадан кўп ўтмай колхозга институт филиали-нинг бир группа мутахассислари келишди. Улар

Мингчукур массиви, унга сув олинадиган Эскигор каналининг шарт-шароитларини синчиклаб ўрганди-лар. Тез орада электр насос қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бир пайтнинг ўзида Янгиариқ канали қазилди ва бетонлаштирилди.

Дастлабки йили уй-жой қуриш имконияти бўлма-ди. Зарбдор бригадаларнинг аъзолари вақтинча ер-тўраларда яшадилар. Саксон биринчи йилдаёқ массивдан 150 гектар ер ўзлаштирилиб пахта экил-ди. Умуман, ўша йили «Комсомол» колхози яхши ютуқларга эришди. Хўжалик бўйича ҳар гектар пахта майдонидан 41 центнердан ҳосил олинди. Эргаш Бердиёров, Наби Чўлиев, Рўзиқул Турсунов бошлиқ илгор бригадалар ҳосилдорлиқни 42 центнерга кў-тардилар.

1982 йил «Комсомол» колхозининг деҳқонлари учун ҳам машаққатли бўлди, сув танқислиги жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Пахта йиғим-терими якунланиб, деҳқон нафасини ростлаган кезларда биз колхозда бўлдик.

— Пахтачиликдаги қийинчиликлар ортада қолди, энди ташвишли кунларимизнинг қувончларидан га-питайлик,— деди раис Абдусалом Турсунов каби-нетининг дерзаси орқали узоқ уфққа тикилиб.— Колхозимиз ажралиб чиққан йили активларимизнинг, бутун аъзоларимизнинг уюшқоқлиги туфайли қилин-ган ишлар, амалга оширилган тадбирлар мўл ҳосил учун мустақкам пойдевор, ишончли омил бўлиб хизмат қилди. Баҳорнинг қурғоқ, кунинг эса сер-ғин келиши оқибатида вужудга келган қийинчилик-ларни колхозчиларимиз бардод билан енгдилар. Айниқса, уларнинг пахта йиғим-теримида кўрсатган ғайратларига бутун район аҳли тан берди. Ахир, олти ўн кунликда сурункасига пахта теримида юқори кўрсаткичга эришиб, район партия комитети, район ижроия комитети ва комсомол комитетининг кўма-қи билан байроғини қўлга киритиш осонми? Шу бай-роқлар билан бирга бешта енгил машина, битта жа-вавали мотоцикл беришди. Биз шу хўжалик йил-да моддий-маънавий рағбатлантиришнинг кучини янада чуқур ҳис қилдик. Терим даврида бевосита даланнинг ўзида ҳар ўн кунда (ҳали айтганимдек олти марта) деҳқонларимизга Қизил байроқ билан мукофот топширилди. Колхоз правлениеси эса ўша заҳоти партия ташкилоти билан кенгашиб, мусобақа голибига мукофотга берилган машиналарни дала-нинг ўзида эгасига тантанали равишда топширди. Тажрибали суви Рўзиқул Худойберганов, юқори ҳосилли бригадирлар Раим Каримов, Эргаш Нар-зиев ўртоқларини енгил машиналар билан тақдирла-дик. Бунинг гувоҳи бўлган деҳқонларимиз мавсум давомида терим суруятини бўшаштирмадилар. Пахта тайёрлаш ланини районда биринчилар қа-то-рида бажардик. Якун эса қувончли бўлди. 708 гек-тар майдондан 2 минг 900 тонналик хирмон кўтар-дик. Пахта тайёрлаш лани 125 процент қилиб ба-жарилди! Ҳосилдорлик олдинги йилга нисбатан гектарига 2,5 центнерга ошди. Янги массивдан 150 гектар ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик тасарруфи-га киритдик.

Шу вақт «мумкинми?» дея пўстин кийган қотма киши монлага кириб келди.

— Молларнинг аҳоли қалай?— деб сўради раис ундан.— Бу киши фермамиз мудири Давр Пўлатов бўладилар,— деб гап орасида уни бизга таништириб ўтди.

— Аҳвол унчалик яхши эмас. Далага қор тушди. Молларни тез молхонага киритиш зарур. Сувуқ кучайиб кетди,— деди ташвишлини ферма мудири. Раис бир оз маъюз тортиб, телефон трубкасини кў-тарди.

— Турди ака, мутасадди ўртоқлар янги қорамол-чилик комплексимизга энергия улашни пайсалга со-лаяпти. Молларни эса энди ташқарида тутиб бўл-майди,— деди раис телефон орқали район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Насрид-диновга...

— Секретаримиз бугуноқ электрчиларни юбора-диган бўлди,— деди Абдусалом ака телефон труб-касини жойига қўяркан Пўлатовга юзланиб. Сўхба-тимиз яна давом этди.

— Хўжалиқнинг ташвиши тамом бўлмайди,— де-ди ўйчан ҳолда раис.— Энди чорва қишлови ҳақида қайғуришимиз керак. Кузги шудгор ҳам чўзилиб кетди. 50 минг паррандага мўлжаллаб қурилган товўқхонанинг ҳам, Мингчукур массивида аҳоли учун қурилаётган уйларнинг ҳам бир оз чалас бор. Ҳаммасига улгуришимиз керак. Ташвишларнинг би-ри иккинчисига уланиб кетаверади. Эртага колхоз-мишда кузги-кишки шудгорни сифатли ўтказишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилади. Райондаги бутун хўжалиқларнинг мутахассислари шу ерга келишади. Тайёргарлик ишларини яна кўздан кечири-шимиз лозим.

Ҳа, хўжалик раҳбари турли хил ташвишлар билан ниҳоятда банд эди. Аслида Пастдаргом районидаги «Комсомол» колхозининг меҳнат аҳли, унинг тиби-тинчмас раҳбарлари пахтани ҳам, гўшт-сут етишти-ришни ҳам, эл насибаси учун мева-сабзавотни ҳам муттасил қўпайтиришни ўйлайдилар. Улар ташвишли кунлар кетидан келадиган қувончли дақиқаларни қаршилашга одатланиб қолганлар.

Шомурод СИДДИҚОВ



Хўжалиқларро техника паркнинг бошқарувчиси Гафур Каримов (чапдан) ва механик Абдулла Наврўзбоев колхоз механизаторлари билан техника қарови хусусида суҳбатлашмоқда.
Н. Шарипов фотоси

МИННАТДОРМИЗ, ҚАДРДОН ЎЗБЕКИСТОН!

Қўлимизда вақтлар ўтиши билан ранги ўчиб сарғайган суратлар. Суратларга 1943 йилнинг март ойи санаси қайд этилган. Бунинг ўзига хос тарихи бўлиб, оғир уруш давридаги ёш авлоднинг тақдири билан боғлиқ. Ҳикоямиз ана шу ҳақда.

Улуғ Ватан уруши бошқа халқлар сингари литвалликлар бошига ҳам не-не азоб-укубатлар солмади. Ватанимизнинг ғарбий чегарасида жойлашган диёримиз душманнинг биринчи зарбасига дуч келди. Фашист босқинчиларининг таҳдиди кучайган пайтда sanoat корхоналарини, биринчи навбатда, болалар ва қарияларни мамлакатнинг ичкарасига эвакуация қилиш эҳтиёжи туғилди. Нораста болаларни Урта Осиё республикалари — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон халқлари ўз бағирларига олдилар.

Тошкент шаҳридан 16 километр наридаги Қодирия посёлқасида жойлашган 7-мактаб ўрнида литваллик болалар уйи ташкил этилди. Ўзбекистон ССР Халқ маорифи Комиссариятининг 1942 йил 1077-буйруғи билан ташкил этилган мазкур болалар уйига Урта Осиёнинг бошқа республикаларига Литвадан жунатилган болалар ҳам келтирилди. Болалар уйда тарбияланаётганлар сони олтимишга етди. Болаларни қардош республикалардан йиғиб келтиришда, болалар уйини ташкил этишда республикамизнинг Б. Фридманс сингари фаол бақиллари маҳаллий партия ва совет ташкилотлари раҳбарларининг кўмағига таяниб иш тутдилар. Айниқса болалар уйи жойлашган «Қизил Ўзбекистон» колхози аҳолиси ва бу ердаги фаоллар литва болаларига самимий меҳрибонлик кўрсатдилар. Улар ҳамма нарсани ўртада биз билан бирга баҳам кўридилар. Ўзбеклар билан қувончимиз ҳам, ташвишимиз ҳам бир эди. Болалар уйининг ўқитувчилари ва тарбиячилари маҳаллий кишилар билан борди-келди қилишар, янги йил арча байрамини ўзбек ва литва болалари давра қуришиб бирга ўтказишарди.

— Мактабнинг аввалги коллективи бизга совға сифатида учта кўй қолдирган эди,— деб эслайди болалар уйининг ўша вақтдаги директори Мария Яхштене.— Бу кўйларни болалар навбат билан боқишарди. Шу орада бизга фронтдан ориқ қари от совға қилиб юборишди. Энди биз отлик хўжалик бўлдик, деб қувониб юрардик. От асосий уловимиз бўлиб, биз унинг ёрдамида шаҳардан озиқ-овқат таширдик. Шунингдек, бизни томорқа билан ҳам таъминлаб қўйишди. Унга помидор, бодринг ва бошқа ҳар хил резаворлар экардик. Уруғликни эса бизга оталиқ қилаётган «Қизил Ўзбекистон» колхозини берарди. Албатта, биз жанубий шароитнинг деҳқончилигидан мутлақо хабарсиз эдик. Бизга колхоз деҳқонлари ёрдамга келдилар. Улар уруғларни экишдан тортиб, ўсимликни парварши қилишгача — ҳамма жараёнларни ўргатдилар. Оғир уруш йилла-

рида бизни кучоқ очиб кутиб олган, ўз насибаларини биз билан баҳам кўрган ўзбек қардошларимизнинг самимий меҳрибончилигини, буюк инсонийлигини ҳеч унутмаймиш. Қўлимизни кўксимизга қўйиб, уларга таъзим қиламиш!

Уша вақтда Қодирия посёлқасидаги рус мактабининг ўқитувчиси, эндиликда Тошкент шаҳрининг Юнусобод массивида яшайётган Анна Константиновна Киселева эса ўша йилларни қуйидагича хотирлайди:

— Посёлқамиз Дўрмонга туташ эди. Бизда кўпинча эвакуация қилинган кишилар меҳмон бўлишарди. Болалар ҳар ўн кунда бир марта ҳаммомга тушишарди. Улар чўмилиб чиққунларича биз кечки овқат хозирлардик. Сўнгра, болалар уйининг хаваскорлари концерт қўйиб беришарди. Улар хурсанд бўлишиб, рақсга тушишар, рус, ўзбек ва литва тилларида шеърлар декламация қилишар эди. Бори-

миз ҳам, йўғимиз ҳам литвалек қардошлар билан бирга эди. Ҳаммамиз ягона бир орау билан яшардик. Урушинг ғалаба билан туғашини орақиқиб кутардик. Уруш барча халқларнинг дўстлиги учун ҳам улкан синов йиллари бўлди. Қардош халқлар ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ғалабамизнинг асосий омилга айланди. Урушдан кейинги тинчлик йилларида эса улуғ дўстлигимизнинг кўлами беқибс кенгайди...

Уша йиллари болалар уйининг бутун коллектив фронт руҳи, ғалабага ишонч тўғуси билан яшардилар. Айниқса, бу нарса мунтазам чиқариб турилган «Биз ғалаба қиламиз» деб аталган деворий газетда ўз ифодасини топарди. «Клумпе» номи билан сатирик газета ҳам чиқариларди. Унда ёш шоирлар Витаутас Миниотас ва Алина Компайтитенинг сатирик шеърлари босиларди. Улар ўз шеърларида қонхўр гитлерчиларни лаънатлар эдилар.


— Уша оғир йиллардаги унутилмас ҳақиқатларни эслар эканман, Тошкент яқинидаги Қодирия посёлқасини,— деди Мария Яхштене,— севикли диёримиз — Литванинг қондош ва жондош бир бўлақчасига ўхшатгим келади. Дарҳақиқат, биз учун чиннакам қадрдон бўлган ўша жойда қон-қардош ўзбек халқи меҳри билан камол топган болалар бутун ажайиб кишилар бўлиб етишди. Улар республикамизнинг турли жойларида ижтимоий меҳнатда фаол қатнашмоқдалар.

Биз қадрдон диёр Ўзбекистондан, унинг меҳри дарё, саховатли кишиларидан бир умр миннатдоримиз!

Татьяна ЯСИНСКАЯ



Оғир уруш кунларида ҳам ўзбек ва литва болалари ўз қувончларини баҳам кўришарди.



Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат Медицина институтида бугунги кунда салкам ўн минг студент таълим олмақда. Бу билим даргоҳида Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан келиб таълим олаётган студентлар ҳам анчагина.

Суратда: институт ректори, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги Уктам Орипов чет эллик студентлар — Шамшод Бегим [Бангладеш], Петер Одемвингис [Нигерия], Аюбхон [Бангладеш], Усмон Абдул Басир [Сурия] билан магистрал қон томирларида қилинадиган операция олдидан унинг рентгенологик тасвири ҳақида суҳбат ўтказмоқда.

Д. Тайберг фотоси

Тлоз гўзали



Қутби НОСИРОВА

ҲИКОЯ

Кўшнимизнинг тўйига олис тоғлик райондан бир жувон келди. Юриши бир чиройли, турши бир чиройли. Қоп-қора зулфлари пайваста, қошлари узра сочилиб хаёлигини ўйғирайди. Чарос кўзлари хумор боқади. Эғнида саккиз тепки атлас, қулоқларидида дур шокилдали исирғаси бир ам ўзига ярашган. Нимпушти чех-расида нафосат, маъсулик барқ уриб турибди. Оппоқ билакларида арман биллакузулари яриқрайди.

Кексаю ёш унга суқланиб қараб қолибмиз. «Биз аёлларки шунчалик мафтун бўлалмиш, эркаларга тўзим берсин», деб қулишдик бир оздан кейин.

— Комила ая, шу жувоннинг ҳам ҳеч армони бормикин?— деб сўради тўй бекасидан Жамилахон.

— О, болам-а, ҳамма армон Дилдорхонда-да,— деди ая таванхонага ўтатуриб. Сўнг, кейин айтиб бераман, дегандек имо қилиб қўйди.

Тўй баъзининг юлдузи Дилдорхон эди. Бошқа раққоса қизлар қолиб, ҳамма уни даврага таклиф этарди... Эҳ, унинг ширингина жилмайишларини кўрсангиз... Энг бағритош кишини ҳам мумдек эритиб юборади, деса имошаверинг.

Дилдорхон ботинмадими, уялди-ми, ҳар қалай, турган жойида қўлини кўтариб бир-икки шох ташлаб қўйдию аммо даврада ўйнамади.

— Уртага чиқсинлар, ўртага!— деб чапак чаларди ҳамма. Комила ая ўйнаб келиб, уни даврага олиб чиқди. Барчамизнинг кўзимиз Дилдорхонга тикилган эди. Дилдорхон Комила аяга бир нима деб пичирлади. Ая созандаларга қараб: «Муножотга чалар экансизлар», деди. Ғала-ғовур бирдан сув қўйгандек жимиб қолди. «Муножот» одамлар юрагига оқиб кириб, тингловчиларда қандайдир малҳамлик уйғотар, қўйга монанд оппоқ билакларнинг майин силкиниши, чиройли, дўмбоқ оёқларнинг оҳиста йўргалашини эт-этингни жимирлаштириб юборар эди. Ҳа, чинакамга Дилдор эди бу жувон! У тўйга гўзаллик, нафислик, файз ҳада этган эди.

«Муножот» авжига чиқди. Аёл унинг сеҳрига берилганча ўйнар, ҳамма сеҳрлангандек эди. Шу пайт уртага ёши ўтиб қолганроқ бир киши чиқди. Дилдорхоннинг ёнига бориб бир нималар деди, назаримда, ўйнаганига ғаш келди, шекилли. Дилдорхон бир чимирлидию яна йўргалай кетди. Эҳ, унинг чимирлиши ҳам бир ам ўзига ярашардики...

— Мана шу киши эри эмиш,— дея пичир-пичир қилакети хотинлар.

Аёл зоти ўзи шунақа, дарров эр-хотинни бир-бирига муносибми, йўқми, баҳолашга тушади. Мен ҳам йигирма беш ёшли Дилдорхоннинг олдида сөррайиб турган, қошларининг ўртаси туташиб кетган, чағир кўзли, дароз бўйли эллик ёшлар чамасидидаги кишига разм солдим.

Гўзалликнинг ошиғи қанча кўп бўлса, душмани ҳам шунча бўлади, деганлари рост экан-да, деган уйга бордим...

Ҳамон бу тоғ гўзалининг тақдири, жаҳолатга қўл бўлиб қолгани мени кўп ўйлатади. Бошқаларга ҳам ибрат бўлсин учун Комила аядан эшитганларимни ёзишга жазм этдим.

...Дилдорхон ўз қишлоғидаги Сирожиддин исмли севган йигитига тушган эди. Онаси тепаликка чиқиб: «Дилдор-у-у!» деса, қизи зшитар, қизил қўйлаги кўриниши билан онанинг юраги таскин топар эди. Баъзан қуёш ҳали кўзини очмай, Умри хола букчайганча қизиникига кириб келар, иссиқина нон ёпган эдим, деб нимчаси орасига кистириб олган оннин дастурхон устига қўяр эди-да, дарҳол жўнаб қоларди. Баъзан у қизиникига хурмачада пичоқ билан кесиб олса бўладиган қатиқ увитиб кўтариб келарди. «Кўнглинг нима тусаяпти», деб сўраб қўярди оназор Дилдорча термулиб. «Ҳеч нарсас-е» деб пича эркаланиш, пича зарда қиларди Дилдор. Ҳа, у онанининг кенжа қизи, суякли фарзанди эди. Она учун фарзанднинг яхши-ёмони йўқ. Бирок, Умри холаги бир нарсасиз бевозта этарди, бу нарсаси уни қизига қаттиқ боғлаб қўйган эди. Холанинг катта қизи бир этак болани қолдириб дунёдан ўтган, кенжаси Дилдорхон эса мана йиллар ўтлаптики, бевозфаранд. Умри хола ана шундан чўчириди. Қизни севиб олган кўеви Сирожиддин ҳам биттаю битта ўйил эди. Гоҳ Умри хола тўйларга борганда: «Фарзанд керакдир йигитга» деган ашулани зшитса, кўнглига чироқ ёқса ёрмишай қоларди. Яна табиғга югурар, шаҳардаги докторларга қизини олиб борар эди. Гоҳо Дилдорнинг янгилари ўрик шохини йиғиб келишар, қайнатиб дам бугиға, дам кўрига буглашар, толган-эшитган бари чора-тадбирларини ишлатиб кўришар эди.

Ҳа, аёл ардоқда эди. Нафақат ўз томонлари, қайин-бўйинларига ҳам уни арши аълода кўрар эдилар. Баҳри опа: «Менинг келиним» деганда оғзи тўлиб кетгандек бўларди. Дилдорхоннинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир гапига мафтунлик билан, маъқуллаш билан, сал эркалаш билан жавоб беришар эди. Чунки у эрининг севимли хотини эди. Сирожиддин то ҳанузгача унга бола ҳақида чурқ этиб оғиз очмас, хотинининг борлиги, ундан уфуратган қалампир-мунчоқ исн, шундай бағридаги нафис нафасини туйиши — эри учун шунинг ўзи катта бахт эди.

Дилдорхон ҳам: «Наҳотки ҳали менинг бола табиатлигим, эркаликларим тугамаган бўлса-ю, ҳали Сирожиддин акам билан ўйнаб-қулиб олмаган, ширин гапларига тўймаган, кўпол қилиқларига ўрганмаган бўлсам, мenden фарзанд куттишсам, деб кўярди ичиди. Назариди, ҳали минг йил яшайдию қачондир бир кунни, албатта, болалик бўладигандек эди. Сирожиддин уни бағрига босиб, дунёдаги бор чиройли исмлар билан эркалаб чақирарди.

Кунлар ана шундай ширин ва тотли ўтар, «фарзандсиз ўтишяпти-я» дегувчиларга улар эътибор беришмас эди. Ҳар иккиси ҳам дунёда бир-бирининг борлигидан, бир-бирига юлдуздак чарақлаб турганидан бахтиёр эди...

Дилдорхоннинг акаси Толибжон кўевлари Сирожиддин, Тоҳиржон билан бот-бот улфатчилик қиларди. Улар бир майзини қирқ бўлиб ёйдиган оқибатли оғайнлардан эдилар. Синглиси вафот этгандан бери Тоҳиржон билан яна ҳам дардкаш бўлиб қолди Толибжон ака. Бироқ у сўнгги пайтларда ичкиликка бир оз ружу қўйиб қолди.

— Уйлан, ука, сенга қийин, билман, мана бу жўжиқларга бир оқ рўмол керак,— дерди у кўвиги. Тоҳиржон ерга эгилган қўйи миқ этмай, пилани ерда чир айлантириб ўтирар, унинг қалбиди нима борлигини тушуниш қийин эди.

Толибжон ака чўрткесар ва танги, айтганидан қайтмайдиган, серзарда, жоҳил табиатли одам эди. Бир кунни тўйга бормоқчи бўлишди-ю, Толибжон ака Сирожиддинни чақириб келди. Эрининг кўсига бошини қўйиб турган Дилдор «акам» деб отилиб қолди.

— Ҳа, бунча эр-хотин биқиниб олисанлар. Уйдан ёмби толганми-санлар?— деди Толибжон ака синглисига. Дилдорхон ҳазил билан:

— Алам қилса, бурнингизни тишланг, сиз ҳам саёк юрарвермай, кенойим билан уйингизда ўтиринг,— деб жавоб берди.

— Эркак кишини кўчага чиқарган... Қани отланинг!— деди Толибжон ака кўвиги.

— Юбормайман,— деди Дилдор,— уйда бир ўзимман, қўрқаман.

Сирожиддин икки ўт орасида эди. Кетаверай деса, Дилдорнинг «нима учундир юрагим ғаш», деган гапи унинг ҳам табиатини хира қилиб турган эди. Бормай деса, Толибжон ака озгига сиққан сўз билан бўралаб кетади. Шунинг учун уйга кириб, киинийиб чиқди.

— Кўп ўтирманг-да, акамни чалғитиб тез қайтиб келинг,— деди Дилдор унинг ортидан чиқаётиб, — иннайкейин...

— Нима иннайкейин... — Ичманг... Исангиз, сиз ҳам акамдан қолишмайсиз.

— Бир оғиз сўзинг, жоним. Дарров қайтаман.

— Кетдикми!— Толибжон ака толчиқини эттигига бир урди-да, эшикка йўл олди. Улар йўлдан Тоҳиржонни ҳам олишди.

Гижбадабанг тўй. Бир томонда карнай-сурнай. Бир томонда отарчилар. Энди мўйлаби сабза урган йигитча овози борича қичқиради:

Лаълихоннинг дарди бор,
дармони йўқ,
Лаълихоннинг боғи бор,
боғбони йўқ.

Уртада чиккабел бир аёл ўйнамоқда. Ора-сирра пул қистиришлар бўлиб турибди.

— Ҳозир анов жононга 100 сўм қистиришман-да, қадаҳдаги коньяқдан ич, деб туриб оламан,— деди Толибжон ака кайфланиб.

— Нима қиласиз биронинг тўйини бузиб!— деди Сирожиддин.

Тоҳиржон эса кайф аралаш ҳиринг-хиринг қулар ва: «Қани, айтганнигизни қилинг-чи, деб қанисини гиж-гиллар эди.

— Э, ака, қўйинг, нима кераги бор?— дерди Сирожиддин эса зардаси қайнаб.

Толибжон ака қизариб кетган кўзларини Сирожиддинга тикди. Кайф ичиди: «Ҳе, сен ҳам эркакимсан!», деб юборди. Бу гап кўвб — Сирожиддинга ток ургандек таъсир эди. Назариди божаси ҳам, қайноғаси ҳам: «Синглимиз фарзандсиз ўт-



Расмини Н. ИБРОҲИМОВ чизган

ЖУФТ ҚАНОТЛАР

Кейинги жылдарда селекциясы олигармиз пахта танинг бир қатор самаралы навларини яратдилар. Айнқиса, СССР Давлат мукофоти лауреати, В. И. Ленин номидаги Бутуниттфоқ кишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Содиқ Мирҳамедов томонидан яратилган «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» навлари пахта селекциясини ривожлантириш йўлида кўлга киритилган катта муваффақият бўлди. Республикамамининг асосий пахтакор хўжаликларда энг самарали «Тошкент-1» нави қўллаб энқилди. Лекин олигармиз пахтакор деҳқонларимизнинг бугунги эҳтиёжларини ва шартларини ҳисобга олиб, пахтаинги янги-янги навларини яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этмоқдалар. Янги «Қизилравот», «Уйчи-2» навлари шулардандир. Бу навлар самарали «Тошкент» навларининг авлодларини ички танлаш йўли билан олинди.

* * *

Абдуфаттоҳ ака кимсасиз бинога кириб, айланма тор зинаполлардан аста иккинчи қаватга кўтарилди. У ступа чўкиб, ўнг қўли билан столга суяганича оқ оралаган сочларини аста силади. Хаёлчан кўзларини бир нуктага қаради. Эрталабки кўш нурлари стол устидаги ойнада аксланиб, унинг кўзларини қамаштирди. Бақариши керак бўлган ишлар режасини туза бошлади.

Кеча СССР Кишлоқ хўжалик министрлигида бош мутахассис бўлиб ишлайдиган дўсти Александр Трофимович Циба кўнгирак қилган эди. У бу йил янги навадан қанча майдонга энқилиш мўлжаллашаётгани, совхозда изланишлар қандай бораётгани ҳақида сўраб-сурштирди. Ҳозир унинг оғир-босиқ, меҳрибон овози дўстининг кулоғи остида жаранглаб тургандай туюлди. Кўнгли ёришди. Совхоз эришаётган ютуқларда, пахтаинги истиқболли янги нави яратилишида Цибанинг ҳам ҳиссаси катта. Мана, йигирма йилдирки, узбек ва украин йигити ижод заҳматини ҳам, кувончини ҳам бирига тоғиб келишгати.

Улар Андижон кишлоқ хўжалик техникумида ўқиб юрган пайтлардаёқ дўстлашиб қолишган эди. Бирин-кетин Тошкент кишлоқ хўжалик институтига ўқишга киришди. Сўнг, Уйчи районидида «Қизилравот» экспериментал хўжалигига иша таинланди. Пахтаинги янги навларини ўрганиш, саралаш, олдиндан кўпайтириш билан шўғулланишди. Улар пахта навининг ўтмишдошлари бўйича текириш ўтказиш билан толесининг технологи жихатдан мустақамлиги ва дағалигини аниқлаш методи асосида «Қизилравот» навини яратишди. Бу на 1976 йилда районлаштирилди.

Ун йил муқаддам хўжаликда «Тошкент-1» навадан энқилган эди. Ҳосил пишиб этилган, унинг энг салмоқли чаноқлари этишган магзи тўқ чигитлари танлаб олиб энқилди. Бу жараён сурунчасига уч йил такорланди. Кейин тола сифати бўйича тадқиқотлар бошланди. Шу тариқа қарий ўн йиллик машаққатли, тинимсиз меҳнат натижасида янги серҳосил, тепашир нава вузудга келди. У ҳар йил касаликларга чидамли, барглари майдакор, тароққо, Бу са нихолнинг кўш нуридан кўпроқ баҳраманд бўлишига, ҳосилининг тараққо этилишига имкон беради.

Шоналаш бошқа навларга қараганда секинроқ юз беради. Гуллагандан кейин эса жуда тез этилади. Кўсаклари одатдагидек 0,2—0,3 грамм энгил бўлсада бошқа навларга қараганда 1,5 марта кўп кўсаклайди — ҳосилдорлиги юқори бўлади. Толесининг технологияси 5-тигга мансуб. Тўқинамчилик сановатида ипининг мустақамлиги билан ажралаб туради. Шунинг учун бу навининг унумдорлиги 20 процент юқори.

Янги — «Уйчи-2» нави ҳам нава синаш станцияларида синовлардан муваффақиятли ўтди. Наманган областида ўтган йилда 46 минг гектар майдонга энқилб, ўртача 39 центнердан ҳосил еттиштирилди. Стандарт ҳисобланган «Тошкент-1» навага қараганда гектар бошига 5 центнер кўп ҳосил олинди. Наманган районидидаги барча пахта майдонларининг 80 процентиға, яъни 10 минг гектар ерга янги нава энқилиб, ўртача 38 центнердан ҳосил кўтарилди. Унинг 90 проценти биринчи сортларга топирилади. Фақат «Уйчи-2» навадан энқан Энгельс номили, «Коммунизм», «Партия XXII съезди» номли колхозларда ҳосилдорлик 40 центнердан юқори бўлди.

Задарё районидида Навоий номили колхоз уч йилдан бери янги нава энқитгани учун гектар бошига ҳосилдорлик 4 центнерға ўсди.

Андижон областидидаги Қўрғонтепа, Ленин районларида, Фарғона областидидаги Бувайда, Ленинград районларида ҳам «Уйчи-2» нави энқилиб, мўл ҳосил олинмоқда.

— Районимизда 720 гектар майдонга «Уйчи-2» навадан энқан эдик,— дейди Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари, Узбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Масудали Хайдаров.— Агротехника қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда парваришлаб, ҳар гектар майдондан 45,6 центнердан пахта еттиштириб, давлатга сотдик. «Ленинобод» колхозининг Ваҳобжон Мирзаев, «Октябрь» колхозининг Саминжон Салимов, «Партия XX съезди» колхозининг Абдуллажон Рузалиев бошлиқ бригадалари пахтакорлари 48—51 центнердан ҳосил еттиштиришди.

Кейинги уч йил мобайнида олиб борилган ишлар, тўлган тажрибалар «Уйчи-2» навининг нисбатан 10—12 кун эрта этилиши, ҳосилдорлиги юқори энқилиги, пахтасининг бирданга этилиши, хусусан, «Тошкент технологияси» талабларига тўла жавоб беришини кўрсатди. Кўсакларининг бирдан очилиши дефляцияини эрта ўтказиш имконини беради. Натижада терим кенчикмайди. Ҳосилининг асосий қисми биринчи сорта ўтади.

Уч йил муқаддам Александр Трофимович Циба СССР Кишлоқ хўжалик министрлиги пахтачилик бошқармасига бош мутахассис қилиб таинланди. Бироқ қадрдонлар узаро ҳамкорлигини ҳануз давом эттиришмоқда. Айни кунларда «Наманган-1» янги нави устида қизгин илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бу нава «Уйчи-2» га қараганда ҳам эртлашиб, толеси 4-тигга мансуб, инак пахтага яқин...

КПСС Марказий Комитети Сисий бюроси аъзолигиға навадидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида қилган докладыда уруғлик пахтаини қабул қилиш, қайта ишлаш ва уруғлик чигитини тайёрлаш илгари республиканинг девяри ҳамма пахта заводларида олиб борилганлиги муносабати билан бу ишда эгасизликка йўл қўйилганин, уруғлик пахтаини тайёрлаш, асраш ва қайта ишлаш тартиби бузилганлигиға эътиборни жалб этди. «Қизилравот» да уруғлик чигит тайёрлашининг аҳволини яхшилаш бўйича катта ишлар амлга оширилмоқда. Ҳақиқатан

ҳам авваллари уруғликка энқилган пахта областидида мавжуд 18 та пахта қабул қилиш пунктида тайёрланар, 10 та пахта тозалаш заводидан 9 тасида у тозаланар эди. Кўпинча бу корхоналарда пахтаининг уруғлик ва сановат навлари бир-бириға аралашиб кетарди.

Уруғлик тайёрлайдиган корхоналарининг тароққолиги оқибатида улар кўпинча мутахассислар билан етарли таъминланмайди. Чигитни толадан ажратиш олиш механизмлаштирилмаган, уни яхши сақлашга эътибор берилмаган. Шу тўғрйли уруғлик чигитининг сифати паст бўлиб, экиш пайтида у кўп исроф қилинади.

Бунга барҳам бериш учун 1978 йилда чет элдан уруғлик чигит ажратиш берадиган корхона сотиб олинди, ВАСХНИЛнинг уруғчиликка ихтисослашган «Қизилравот» тажриба хўжалиги ўрнатилди. Янги завод 1,5 йилда қурилиб иша туширилди. СССР Кишлоқ хўжалик министрлиги тавсияси ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маъқуллаши тўғрйли Наманган областидида пахта уруғчиликни яхшилаш мақсадида «Қизилравот» тажриба хўжалигида уруғлик чигит ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва реализация қилиш бўйича Уйчи хўжаликлараро корхонаси ташкил этилди. Унга ўн та хўжалик бириктилди. Корхона йўл билан тайёрланиб, махсус заводда ишланган уруғлик чигитининг 80,9 проценти биринчи класс ва 19,1 проценти иккинчи класс уруғлиқдир. Мазкур заводда тайёрланган уруғлик чигит областидида бошқа заводларда ишланган уруғликдан икки бора сифатлидир. 16,5 минг тонна пахта қайта ишланиб, реализация қилинди. 715 минг сўм фойда олинди, рентабеллик 9 процентиға ўсди.

СССР Кишлоқ хўжалик министрлигининг коллегиясида Уйчи хўжаликлараро корхонасининг уруғлик чигит ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва реализация қилиш соҳасидида тажрибалари қизгин маъқуллаш, уйчиликларининг пахта уруғчиликнинг хўжаликлараро кооперацияси ва агросановат интеграцияси соҳасидида тажрибаларини мамлакатдаги пахта энқилдиган барча республикаларда ўрганиш ва фойдаланиш тавсия этилди.

Яқин йиллар ичида корхона 10 минг тонна юқори сифатли уруғлик чигит ишлаб чиқаради ва областининг уруғликка бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаб, Наманганда уруғчилик муаммосини ҳал этиш имкониятиға эга бўлади...

...Телефон жиринглади. Шерматов ҳавлларини жамлаб трубкани қулоғига тутди: — Алло...

Трубкада область партия комитетининг биринчи секретари Маҳкам Камолов эди. У обкомнинг навабодга кенгайтирилган бюросида «Уйчи-2» агротехникаси, уруғлик чигитини энқидиш нималарға кўпроқ эътибор бериш лозимлиги тўғрисида сўзлаб беришини Абдуфаттоҳ Шерматовдан илтимос қилди.

Телефон яна жиринглади... Йўлакдан оёқ товушлари эшитила бошлади. Селекционер олим ва хўжалик раҳбарининг яна бир иш кунини бошланди.

Абдуқодир НИЁЗОВ

япти-ку, сен айбдор, деб тургандек эди. Шунинг учун Сирожиддиннинг ҳам нафсонияти кўзголиб: — Синглигини кўйдим. Шу бугун агар уйимга бориб, уни хотин қилсам, номардман,— деб юборди. — Шу гапда тур, бола, ҳозир бориб синглимини оламан-да, мана бу - кувёмига бераман. Сена хотин бўлгандан кўра, бир этак болага она бўлса, ўлган синглимининг арвоқи мендан хурсанд бўлади. Агар шу гапимдан тосам, онам хотиним бўлсин!

— Мен ҳам ой ўтмай уйланиб олиб, болалик бўлмасам, Сирожиддин отини бошқа қўяман. Бу суҳбат тил нималарға қодир эмас! Толибжон ақанинг ҳам, Сирожиддиннинг ҳам айтгани бўлди. Сув лойқаланганча қолди...

Дилдорнинг кўнгли нимадир тусайди. Хом тарвузин ёриб кўргиси, бир маргагина, атиги бир маргагина ёриб кўргиси келади. Мевасида сувайи, кўнгли беҳузур бўлади. Худди

тушида юргандек, эс-ҳуши оғиб юради. Тоҳиржон гапирса гапирди, бўлмас хавлсираб ўтиради. Жиянларининг чувир-чувир ҳам ёқмайди. Назариде опасининг хонадонига меҳмон бўлиб келган эрта-индин кетадигандек. Йўқ, у кетмайди, кетолмайди!

Ақасининг қасамхўр бўлиб қолмаслиги учун, онаси бу ёруғ оламдан кўзи очик кетмаслиги учун, севимли ёри Сирожиддиннинг гурури бужилмаслиги учун у ўзининг бахтсизлигиға рози. Агар у кетса, кишлоқ селдан кейинги гала-говурдек бир кўтарилиб гап-сўз бўлиши турган гап. «Нега бундай қилдинг? Нега жаҳолат ботқоғига ботдинг? Ахир сен бундай эмасдинг-ку», деб Сирожиддин билан гаплашарди у ўзинча.— Уша кунни тўйга юбормаганимда, яна ўн кунлар ўтгандан сўнг фарзандлик бўлганини менинг оғзимдан эшитмасиндиги? Докторларга қаретганимми ё оймларининг гапи тўғриси, мана энди ҳомиладорлик нима эканини тушунипман. Бироқ бу бола селдан деб кимга айтсам ишонмайди. Ҳеч ким, ҳатто онам ҳам ишонмайди», деб ўйларди Дилдоржон.

«Сирожиддиннинг хотини қиз тугибди!» «Тоҳиржоннинг хотини ҳам ўғил тугибди», деган хабар тарқалди. Иккови фарзандсиз юргучча, ажршиб, бошқа-бошқа турмуш қилгани яхши бўлди, дейишарди қишлоқдагилар. «Бу ўғил сизинки, Сирожиддин ака! Сизинки!» деб ҳайқиргиси келарди Дилдоржон. Аммо, дами ичида, миқ этмасди, миқ этолмасди!


Туғруқхонадан келишаркан, Дилдоржон Сирожиддиннинг эшиги олдида уй-рўзгор ашўлари йнғилиб ётганини кўрди. Унинг юраги бир орзаник кетди. Юрагининг аллақериде ўчавган чўғ лов этиб кетгандек бўлди. «Сирожиддин шаҳарга кўчиб кетётибди», деди доя кампир. Дилдоржоннинг кўзидан дув этиб ёш қуйилди, уни берикитиш учун чақалоғи томон эгилди.

Ҳовлидан қақалоқ кўтариб чиқарган Сирожиддин кўринди. Кўз-кўзага тушди. «Нега бундай қилдингиз?» деб турарди Дилдоржоннинг кўзлари. «Ахир, фарзанд кўраб эканми-ку», дегандек илтико билан боқарди Сирожиддин. Эшикда қотиб тургани учун ортидан хотини чиқмоқчи бўлиб, юринг, деб итарар, аммо Сирожиддиннинг қадам қўйиши жуда оғир эди.

Мана, Дилдоржон фарзандлик ҳам бўлди. Онсининг ҳам қўнгли тинчиди. Аммо, уни энди ҳеч ким эркалатмайди. Ҳамма беларо, эътиборсиз. Авлининг кўзлари ҳамон йўлда. Жаҳолат ботқоғига итариб юборган ана шу муҳитини ташлаб кетишга тайёр эди. Фақат бунинг учун узоқдан Сирожиддин кўринсагина, бир озгинагина сўз айтса: «Юр, ҳаммаси туз эди», дегасина бас. У ҳамма, ҳаммасини ташлаб кетишга тайёр! Дилдоржон армони айб эди. У фақат «Муножотга» ўйнардди...

Улуғбек мадрасаси ва расадхонасини, Шердор ва Тиллақори мадрасаларини, Бибиҳоним, Шоҳизинда ансамблини, Темурийлар мақбарасини кўрганда ўзбек халқининг заковатига қойил қоласан киши. Қаранг, бундан деярли беш ярим аср аввал Улуғбек 1918 юлдузинг ўрни ва ҳолатини аниқлабди, ўзига хос академия тузибди. Шуларни ўйлаганимда, инсоният тафаккурининг қудратига, кишиликнинг мангулигига ана бир қарра ишонч ҳосил қиламан. Алишер Навоий иккони ҳам бутун дунё адабиётига таъсир кўрсатди, у халқлар дўстлиги тўғриси санъаткорона кўялади. Эндилликда унинг бой иккони мероси барча совет халқларининг ҳам маънавий мулки бўлиб қолди... Улуғ Октябрь иккони шарофати туфайли Пушкин, Гоголь, Лев Толстой, Достоевский, Чериншевский, Чехов, Горький Маяковскийлар иккони ҳаммаминики бўлиб қолди, улар ҳаммаминизга билвосита, яъни ўлмас асарлари орқали устозлик қилишмоқда. Уз навбатига миллий адабиётлар ҳам рус адабиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, шу тариқа кўпмиллатли совет адабиёти бойиб, камол топиб бормоқда. Мен бугун Алишер Навоий тилида «Гулистон» журналхонлари билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Муаллиф



ЛЕНИН

У ҳақда ўйлаган ҳарбир чоғимда Қаршимда тураркан, унинг сиймоси, Замон — дарё оқар нақ ниғоҳимда, Гоҳ кўкка ўрлайди, гоҳ туб дёввоси. Гоҳ тошни тошларга уриб қутулар, Чинқириб қиргоққа салчиб қолар гоҳ. Заковат иккони у тўплаб юрар, Ҳатто заррасидан бўлади огоҳ. Идрокнинг туганмас қудрати санжоб, Томирдай чирмади барини юрак. У, Ленин,— ҳаётга беради жавоб, Яратиб оламда энг буюк маслак. Бу маслак — келажак йўлларидек кенг Кувеш нурларини кенгликка ёйиб... Айтингиз, ўтмишда ким у, борми тенг, Ким унга тенг кела олгучи ноиб! Йўқ қанча қадимий бўлмасин қурра Қанча авлод келиб-кетмасин лекин, Алломалар ичра тенги йўқ сира, Башар доҳийси бу ягона Ленин.

Омадсиз кунлардан бўла бил устун,
Олга интил чўчмай дадил.
Ҳорғинлигинг яширгин кўздин,
Мақсад сари илдамла, отил.

Майли оғир бўлсин йўқотиш —
Укинма ҳеч, ўзинг қўлга ол!..
Осон омад қайрамасин тиш,
Билки ўзинг, Одамлар ҳалол.

Уз олдинда, оламда ҳақсан,
Оғир мақсад қирар қўлингга,
Не истаган бўлсанг сен шахсан,
Сени танлаб, чиқар йўлингга.

ҚАЙНОҚ ҲАЁТ СЕНИ ЧОРЛАЙДИ

Еш ўтгани сари тобора
Ҳаёт ширин бўлиб кўринар.
У қанчалар этса овора,
Жилоларга тўлиб кўринар.

Қайноқ ҳаёт сени чорлайди,
Чирмаб борар ўзича тинсиз.
Ҳеч ҳисобга ёшинг олмайди,
Оламайди ўтишини сенсиз.

Узлуksиздир ҳаёт оқими —
Чопяксаними, ё ўтдинг аста.
Болақайми, ё чол, ё ким у —
Қалби мақсад билан пайваста.

Ўйлаганинг — ўнгидан келсин,
Аммо бандсан бунга вақтинча.
Бир дам шодсан, сўнгидан келсин —
Ўзга мақсад, ўзга бахт шунча.

Энди бу ҳам — янги ўт ёқди,
Учқунларин сочиб олисга...
Юксаликда у чақмоқ чақди,
Олам узра мангу қолишга!

Умидларнинг ҳеч поёни йўқ,
Бўлмагандек сўнгги сўроғи.
Нафас олмай қолсар гар тўлиқ
Шунда ўчар орзу чироғи.

Букуи Ерга
момик, юпанчи
Еғилмоқда ипакдай юмшоқ.
Интиқ кутган
диллар қувончи
Кенгликларда саҳий ва оппоқ.

Ўнгир ясар, тунгача токи
Гоҳ элади, гоҳ ёғди қуюн.

Оғир бўлиб борар ҳаттоки
Дарахтлару девор ва уйим...

...Шундай — кўрқининг бўлмас саноғи
Қор,
ҳукм сур иссиқ кунгача.
Қақраб ётган қирлар чаңқоғи —
Қониб қолса зора шунгача!
САЙЕР таржималари

ЁНИҚ ЧЕХРА ҚУЁШИ

«Берилар умр бир бор,
Боқий нарса йўқ ҳеч бир!» —
Куйиниб чеккан озор
Куйчи бўлсин ё шоир.

Чорлаган у келсин деб,
Беҳиштдай порлоқ замон:
Кексаймаслик ғамин еб,
Ўлмасин деб то ИНСОН.

Зотан, кезиб чиқсам ҳам
Ер юзини, эҳтимол,
Топилмас на ёш, на чол —
Қўшилмаган ҳеч одам
Айтилганда бу истак...
Балки, қўшилмас тентак...

Умр қисқаю, зотан,
Равшан бўлса гар кўнглин.
Кўз юмгунча тамоман,
Сўнгги йўлга қадар, бил,

Чексиз эрур бахт-шафқат,
Ва ташаккур хитоби —
Қаршимда порлар фақат
Меҳрибон юз офтоби.
Ёниқ чеҳра оний нур
Рўпарамда сочса гар,
Бу он буюк Он эрур,
Мангуликка баробар.

Шундан қувнаб-қуламан,
Ўз умрим — қисқа дамини
Совға янглиг биламан,
Шарафлайман оламни,
Барча эзгулик учун
Табиатга тилак шу:
Яшнаё олсин у гулгун,
Ҳамроҳ бўлсин бахт,

Кенгу равон
ёғду.
ойдин, оқ
Йўлдан юрсин у ҳар чоқ!

ТОЛ

Кувеш чўлга олов пурқар,
Қилт этмас на бир шамол,
Олислардан имлаб турар
Менга қараб ёлғиз тол.

Мен ҳам борар бўлсам беҳол,
Бийдай чўлда бериб дош.
Кувонаман, дўстим мисол
Толга томон ирғаб бош.

Салқин эсар тол тағидан,
Топар унда дил роҳат...
Йўловчилар ёш баргидан
Олсин дея куч-қувват,

Қай меҳрибон қўллар уни
Ўтказдийкин бу чўлга?...
Байроқ қилиб севгисини,
Қараб турай деб йўлга,

Кўчат экиб, парваришлаб,
Устирганими ёки қиз?...
Эргаш МУҲАММАД таржималари

«Кўргуликдай тилни тишлаб,
Майли, турсин жим, ёлғиз...»

Еки обдан азоб чекиб,
Она ўглин кўмгандир,
Боши узра қаддин эғдиб,
Тол ҳам ўйга чўмгандир!

Е қувеш ўт сочган кунни,
Қўй боққанлар ғамин еб,
Кекса чўпон эккан уни:
«Соғласин чўпон!» деб.

Бу — ким қилган холис меҳнат,
Балки билмиш шарт эмас:
Тотув шохлар бағри зийнат —
Эзгу йўлар яшар, бас.

Шохлардаги нафис япроқ,
Ҳатто дағал пўстлоғи —
Жазирама чўлда бироқ
Ҳаёт, меҳр булоғи.

ШАЙХАНТОҲУР АНСАМБЛИ



Узаро муомалада биз «Шайхантоҳур» деган сўзни кўп «ишлатамиз. Хўш, бу ном аслида қаердан келиб чиққан! Бугунги суҳбатимиз шу ҳақда.

Гўзал шаҳримизнинг ҳозирги Навоий кўчаси билан Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти оралиғида собиқ Шайх Хованди Тоҳур (Шайхантоҳур) қабристонини номи билан машҳур бўлган ансамбль жойлашган. Илгари бу ансамбль жуда ҳашаматли ва жозибали бўлиб, унда бир қатор ноёб меъморчилик ёдгорликлари, мақбаралар, масжид, мадраса, минора ва бошқа турли-туман обидалар мавжуд бўлган.

Ансамблдаги салобатли, нафис, қуббали ва тўғри чизиқли, нурафшон тарихий ёдгорликларнинг улғувор пештоқлари, мезанали гудасталари, нақшинокор ва кенг ҳовлили бинолар олдида қад кўтарган миноралар осмону фалакка бўй чўзган, ансамбль бўйлаб ўтказилган сарв даракхлар бу обидаларга файз ва шукӯҳ бериб турган.

Ҳозир ана ўша ансамблдан фақат учта бино — Шайх Хованди Тоҳур, Юнусхон ва Қалдирғочбий мақбараларигина сақланиб қолган, холос. Бошқа бинолар эса вақтлар ўтиши билан ва турли сабабларга кўра бузилиб, емирлиб кетган.

Ансамблга қадим-қадимдан асосан жануб тарафдаги кўчадан (ҳозирги Навоий кўчасининг ўрнига тўғри келади) кириларди. Мазкур кўча ўша вақтларда шаҳарнинг энг катта, обод ва чиройли кўчаларидан бири ҳисобланарди, кечкурунлари йўлнинг икки тарафига ўрнатилган қатор фонуслар билан ёритиларди.

1893 йилдан бошлаб бу кўчага Шайх Хованди Тоҳур (Шайхантоҳур) номи берилди. Дастлаб шу кўча бўйлаб бир неча от қўшилган темпир йўлдан юрадиган арава, кейинчалик 1912 йилдан эса трамвай қатнай бошлади.

Ансамблга ўша пайтларда тарихчортоқ шаклидаги дарвоза орқали кириларди. Бу дарвоза тошкентлик уста Абдурахим томонидан 1892 йилда қурилган. У салобатли, нафис гумбазли, кўркам пештоқли қилиб

пишиқ гиштдан бунёд этилган эди. Дарвоза муҳассамлашган тарҳга эга бўлиб, унинг ичи чуқур равоқли тахмонлар ҳисобига кенгайтирилган эди.

Лекин кейинчалик кўчани қайта қуриш вақтида бу дарвоза ўрнидан олиб қўйилди. Уша йиллари меъморлар томонидан ўлчаш ишлари ўтказилиб, чизмалар архивга топширилган эди. Шайхантоҳур дарвозасининг янги лойиҳаси ана шу архив чизмалари асосида қайтадан яратилди. Гўзал шаҳримизнинг 2000 йиллик тўйигача бу дарвозани қайтадан қуриб битказиш мўлжалланган.

Кўпгина тарихий манбалардан маълумки, Мовароуннаҳрда асосан IX асрдан бошлаб махсус мемориал бинолар, мақбаралар қурила бошлаган. Тошкентдаги Шайх Хованди Тоҳур (Шайхантоҳур), Юнусхон, Қалдирғочбий, Шайх Зайириддин, Хўжа Алаббардор, Қафқол Шошӣ, Тошкент яқинидаги Занги ота, Амбар биби мақбаралари шўлар жуласидандир.

Уз даврида Тошкент шаҳрининг энг ҳурматли кишиларидан бири бўлган Шайх Хованди Тоҳур XIV асрнинг ўрталарида вафот этади. Унинг қабри устига ихчам ва нақшли мақбара қурилади. Асрлар давомида Шайх Хованди Тоҳур бир неча бор қайта қурилади ҳамда унинг XV асрдаги дастлабки кўриниши анча-мунча ўзгаради. Бизгача эса, унинг айрим қисмларигина сақланиб қолган, холос.

Мақбара асосан квадрат шаклидаги икки хонадан иборат бўлиб, никала хона ҳам гумбаз билан ёпилган. Улардан биринчиси каттароқ, иккинчиси кичикроқ бўлиб, биринчи хонада Шайх Хованди Тоҳур қабри жойлашган, иккинчи хонада эса бир неча одам — Шайх Хованди Тоҳурнинг яқинлари дафи этилган. Мақбара ичидagi Шайх Хованди Тоҳур қабри ёнида тош қотган муқаддас сарв даракхти бу ернинг олдин усти очиқ, оддий мазор бўлганигидан гувоҳлик беради.

Собиқ Шайхантоҳур мазорини территориясидаги Шайх Хованди Тоҳур мақбарасининг шимолий томонида Қалдирғочбий номи билан машҳур

бўлган мақбара жойлашган. Мазкур меъморчилик ёдгорлиги қачон, ким томонидан қурилганлиги, бу ерга ким қайси даврда дафи этилганлиги ҳақида ҳеч қандай аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Лекин бизнинг давримизгача етиб келган халқ ривоятларидан бирида айтилишича, бу мақбарага Қалдирғоч лақабли аспода дафи этилган. Бошқа бир афсонада эса, унда машҳур дашти қипчоқ малъмаси — Қалдирғочбийи кўмилган дейилади. Яна учинчи бир халқ ривоятида келтирилишича, қарлуқ уруғининг йўлбошчиси ҳазрати Мир қачонлардир шу ерми танлаб, ўзига макон қилиб, чодир қурдирган эмиш. Бир оз вақт ўтгач, қалдирғочлар учиб келиб, чодирга ни қўядилар... Ҳазрати Мир оламдан ўтгач, шу ерга дафи этилади. Орадан маълум бир вақт ўтгач, ҳазрати Мирнинг кичик, кўрimsиз қабри устига ҳашаматли мақбара қурилади. Қалдирғочлар эса кейинчалик янги қурилган чодирсимон мақбарага кўчиб ўтишди. Қабр устига қурилган мақбарани халқ қалдирғочлар шарафига Қалдирғочбий мақбараси деб юрота бошлаган эмиш.

Турли-туман афсоналар тўқилганлиги сабабли бўлса керак, халқимиз бу бино номини вақтлар ўтиши билан Қалдирғочбий, Қалдирғочбийи каби турли-туман номлар билан атаб келганлар.

Мақбаранинг ички ва ташқи тарихи жуда оддий услубда ишланган бўлиб, бинонинг ички ўлчами 6×6 метр, тўғри тўртбурчак шаклида ишланган. Деворининг қалинлиги 1,60 метр. Бино пишиқ, тўртбурчак шаклидаги гишт ва ганч қоршамасидан тикланган. Унинг уч томонида, яъни бурчакларига кичик-кичик журачарла жойлашган бўлиб, тўртинчи шимол-ғарбий бурчагида эса юқорига чиқиш учун зинапоҳ ишланган.

Мақбаранинг ташқи меъморчилик кўриниши ўзига хос бўлиб, бу хилдагиси Тошкентдаги мақбаралар орасида умуман учрамайди. Ҳатто, Урта Осиё меъморчилигида ҳам бундайси жуда кам дейиш мумкин. Мақбаранинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ўн икки қиррали цилиндрсимон барабан ва унинг устига ишланган худди шундай қиррали чодирсимон кўринишдаги гумбаздир.

Қалдирғочбий мақбараси билан Шайхантоҳур ёдгорлигини улар орасида жойлашган Оврат масжиди бирлаштириб турган. 1966 йилда бўлиб ўтган кучли зилзила натижасида бу масжид бузилиб кетган.

Шайхантоҳурнинг ғарбий қисмида Юнусхон мақбараси жойлашган. Ҳокимият учун бўлган жангда ўз огасидан мағлубиятга учраган Юнусхон ёрдам сўраш мақсадида Самарқандга — Улуғбек хузурига, сўнг Ҳиротга — Шоҳруҳ Мирзо олдига боради. Уларнинг кўмаги билан аввал Еттисувни, сўнг 1485 йилда Тошкентни ишғол қилади ҳамда шаҳарни ўз ҳокимияти марказига айлантиради. Мақбара унинг ўлимидан сўнг 1487 йилда ўғли Маҳмудхон томонидан Юнусхоннинг қабри устига қурилган, деб таҳмин қилинади.

Мақбаранинг тарх «чортоқ» шаклида қурилган бўлиб, унинг тўрт томонида баланд равоқли тоқлар ишланган. Бу тоқчалардан шимолий томондаги деворга ишлангани қолган учтасига нисбатан чуқурроқ, ярим

саккиз қиррали қилиб, юксак дин билан бажарилган. Юнусхоннинг қабри шу ерга жойлашган.

Юксак маҳорат билан бунёд этилган бу ҳашаматли ва салобатли, ажойиб ёдгорликлар ўлка меъморчилигининг ажойиб намуналаридан бирidir. Ансамблда юқоридан баён этилган обидалардан ташқари яна уч масжид биноси бўлиб, улар ўз вақтида тошкентлик савдогарлар Ғариб ва Саид Азимбойлар маблагига қурилган. Ёғоч ишларини эса Тошкентнинг Чувалачи маҳалласида истиқомат қилувчи кекса уста Саидазим Усмонов бажарган. Кейинчалик бу уста шаҳримиздаги собиқ «Ватан» кинотеатрига ишланган нақшинокор устунларини ҳамда бошқа биҳорат биноларининг ёғоч ишларини маҳорат билан маромига етказиб, халқ уста-си деган шарафли номни олишга муассас бўлган.


1894 йили ансамблга кириш дарвозасининг шимолироғида «Хотин масжиди» бунёд этилди ва у ўзининг ранг-баранг гуллари, чиройли нақшлари билан шухрат қозонди. Дарвоза билан Юнусхон мақбараси оралиғида, ансамблга улғуворлик ва кўрк бағишлаб 1913 йили қурилган нақшинокор ва кенг айвонлар олдида қурилган минора кўкча тантанавор бўй чўзиб турарди.

Шаҳримизнинг ташқи ҳамда ички меъморчилик манзарасида бундай йирик-йирик ансамбллар пайдо бўлиши, масжид, мадраса, карвонсарой, дарवेशона, тонақоҳ каби хилма-хил ҳамда ноёб шаҳар обидаларининг бунёд этилиши ўрта аср охирида эшаб ўтган номлари ҳозирча номзатли аждодаларимизнинг — иқтидорли меъморларнинг энг катта утуғидир.

Улуғ Октябрьни ниқлобидан кейин бошқа қадимий обидалар сингари Шайхантоҳур ансамблини тиклаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Дастлабки таъмирлаш 1924 йилда бажарилди. 1946—1966 йиллар давомида бўлиб ўтган кучли зилзалалар натижасида ансамбль қаттиқ шикастланиб, биноларнинг кўпчилиги қисман бузилиб кетди. Бу ерда маъмурий ва лойиҳалаш институти бинолари, олий ўқув юрти ва фабрика корпусларининг жойлашиши, Мадамин-Қози уйининг бу ерга кўчириб келтирилиши ва тикланиши, шунингдек, бошқа корхоналарнинг ҳам унинг атрофига аста-секин жойлаштирилиши натижасида Шайхантоҳур ансамблининг территорияси анчагина торайиб қолди. Кейинги йилларда ансамбль яна қайтадан тартибга келтирилди: атмосфера тозаланиб, ариқлар очилди. Ёдгорлик йўлкалари бўйлаб чироқлар ўрнатилди, асфальт ётқизилди.

Республикамиз пойтахти Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи арафасида халқимизнинг меъморлик савъати ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур Шайхантоҳур ансамбли ўзининг гўзал кўриниши, ҳашамдорлиги билан гўзал шаҳримиз ҳуснига ҳусни қўшиб турибди.

Абдужаббор ЯҲЕЕВ,
Ўзбекистон ССР маданий ёдгорликлари таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг архитектори



Республикамизни қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда селекциончи олимларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Академик С. С. Канаев, Л. В. Румшевич, А. И. Антономов, С. Мирзахмедов, А. Дадабоев, Н. Назиров, Ш. Иброҳимов сингари атоқли олимларимиз турли йилларда ўзининг серҳўсил навларини яратиб, ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Уруғчилик соҳасида истеъодли олим Л. Румшевич яратган «108—Ф», СССР Давлат мукофоти лауреати Содик Мирзахмедов яратган истиқболли «Ташкент—1, II, III» ВАСХНИИА мухбир аъзоси Набижон Назиров яратган «АН—408» навлари экин касалликларига бардошлилиги, сановатимиз учун аъло нава тола бериши жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ажойиб селекционер М. И. Истомин эса республикамизнинг иссиқ iklimли жануби зоналари шарафига ингичка толали пахтанинг энг ахши навларини яратиб устида узок йиллар самарали ишлаганди. Шу изланишларнинг самараси ўлароқ «Термиз—7» ингичка толали пахта нави яратилди. Бу кўйда ана шу захматқаш селекционер фаолияти ҳақида қисқача қиламиз.

Улуғ Октябрь революцияси Болтик денгиз матроси Сергей Петровичнинг ўғли, кичкина матрос Михаил Истоминга ўзгача тақдир бахшида эди. Бу тақдир уни қорли шимолдан серкўши ўлкага—Урта Осиёга бошлаб келди. У Самарқанддан ўзига паноҳ топди. Бунда ўз фаолиятини оддий ишчилардан бошлади. Кейин рабфақда ўқиди. Қишлоқ хўжалиги кадрлари етишмас эди. Унга ўша йил ташкил этилган қишлоқ хўжалиги институтига йўлланма берилди.

Мана, энди у—студент. Лекция тинглайди. Қайси олим аудиторияга киргасин пахта ҳақида гап очади. Бу давр тақозоси. Чунки партия ва ҳукуматимиз пахта мустақиллигига эришишни қатъий вазифа қилиб қўйган. 1912 йилда Американинг Барбадос оролида француз олими томонидан етиштирилган барбодензе пахтасининг шухрати кетган, бу ҳақда кўп гапирилар эди. Унинг толаси бемаълум ипак ўрнини эгаллашга қодир. Махсулотидан парашот асаш мумкин, деган овоза тарқалганди. Айниқса, институтда дарс бераётган собиқ айрим олимлар унинг таърифини жуда ошириб юбордилар. Уларнинг фикрича, барбодензе фақат Барбадос оролига хос эмас.

Михаил Истомин лекция билан қаноатланмади. Қўшимча адабиётлар ўқийди. Барбодензе ҳақинда етиштирилётган пахтанинг маълум миқдорини ташкил этарди. Ҳаммаси Барбадос оролидами? Йўқ, Хитойда ҳам, Мисрда—Нил бўйларида ҳам етиштириляпти. Неге Аму атрофида етиштириб бўлмас экан! Бу савол Михаил Истоминга тинчлик бермасди. Бўш вақт топдим, дарҳол кутубхонага югурарди.

Уша пайтда ҳукуматимиз ҳам ингичка толали пахта масаласини ҳал қилишга жиддий киришган эди. Қаерда оқ пахта экиلسа, ўша жойга тажриба сифатида ингичка толали пахтани ҳам уруғи ташлана бошлади. Республикамизнинг бутун областа-рида, Туркманистон, Тожикистон, Арманистон, Озарбайжонда ҳам экилди. Бу иш билан Анатолий Иванович Антономов, Кайтам Антонович Висоцкий, Петр Тихонович Косминский каби олимлар шуғулландилар. Тажриба такрор-такрор ўтказилди. Кўзланган натижага республикамизнинг Шеробод районини эришилди. Ингичка толали пахтани худди шу жойда қўлай-тиришга қарор қилинди. Чигит экиш даврида деҳқонларга кўмак бериш учун қишлоқ хўжалик институтидан комсомол йўлланмаси билан студентлар жўнатилган эди.

1933 йилнинг мартида 18 студент Шерободга етиб келди. Улар сафида Михаил Истомин ҳам бор эди.

Михаил Истомин Сарик участкаси-га агроном қилиб жўнатилди. Уша

вақтда Сарик участкасига Истара, Работог, Гиламбо, Тақия, Хуррамшо қишлоқ Советлари территориясида жойлашган Тўрахўжаев номили, «Янги йўл», «Озод меҳнат», «Кун чиқиш», «Қизил гул», Охунбоев номили, Калинин номили, Сталин номили, «Қизил Ўзбекистон», «Қизил байроқ», «Беш йиллик», Файзулла Хўжаев номили, «Деҳқонобод», «Янги турмуш» қолхозлари ва 82 яқка хўжалик қарарди. 2600 гектар майдонда пахта етиштирилди. Мана энди унинг олдиде ер ҳам, ингичка толали пахтанинг «Пима» нави ҳам бор эди. Бу навининг таърифи унга китоблардан алақачон маълум. У чет элдан олтин бадалига олиб келинган. Чигитнинг ҳар бир донаси қадрли. Шу сабабли Михаил Истомин қолхозларга чиқиб ўзи майдон ташлади, ерни тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар берди.

Аммо бу маслаҳатларнинг рўйига чиқиши қийин бўлди. Кўпгина ўзбекилармон раислар, район раҳбарлари қаршилик кўрсатмади. Экиш мuddати-ни пайсалга солишди, у ҳам бўш келмади. Курашди. У ҳар хил баҳоналар билан экишни пайсалга солаётган раисларга деди:

— Бундан кейин қор-ёмирг ёғмаслигига қаршиллик беролмайман. Лекин ерининг иссиқлиги чигит экиш учун тўлиқ етилган. Шу кунларда чигит экишни бошлаган деҳқон фақат ютади. Ғўза кун санайди. Ҳосилга барака киритадиган кунларни, ҳароратни бой берялмиш. Айниқса, ингичка толали пахта кўп иссиқ талаб этади. Чигит экилгандан кейин ёмирг ёғса, қаткалоқ бўлса, ундан кутилишининг чораси бор. Уша деҳқон маълум даражада ғўза туپини йўқотиши мумкин. Аммо ўша киши кеч экиб, тўлиқ ниқолга эга бўлган деҳқондан кўп ҳосил олади. Буниси кўриниб турган ҳақиқат. Мен агроном сифатида ўз сўзим учун тўлиқ жавобгарман.

Бирок хўжалик раҳбарлари райкомдан келган буйруқни рўқча қилишди. Оёқ тираб туриб олдилар. Михаил Истомин «Пахтасоюз» раиси Қодир Жовлиев билан биргаликда район марказигача боришга мажбур бўлди. Чигит экишни бошлаб юбориш ҳақида МТСдагилар ҳам хотиржам эдилар. Истомин худди шу масалада райком секретарининг қабулига кирди. У мунозарани ортикча биллиб, юқоридан келган ҳужжатни Истоминга узатди. Ҳужжатда чигит экишни 15 майда бошлаш тавсия этилган. Бу мuddат агрономни қаноатлантирмади. Бир неча раҳбарга учрашди. Уш даниларнинг ўртага қўйди. Хуллас, Сарик участкасида экиш мuddати масъулиятини ўз гарданига олди. Шу билан мақсад сари бир қадам ташланди. Сарик участкасида чигит экиш аввалги йилдагидан қарий 15 кун олдин тамоамланди.

Практика мuddати тугади. Студентлар учун таътил даври бошланди. Практикентларга кетишга рұхсат берилди. Бирок Истомин йўлга чиқмади. Тўппа-тўғри МТС директори ҳузурига кирди:

— Уртоқ директор, қишлоқ берсангиз, мен шу ерда қолсам. Бунга институт ҳам қаршиллик кўрсатмайди. Шеробод районинида ингичка толали

пахтани экиш мuddати ҳақида диплом иши ёзмақчиман.

— Бу мақсадининг фақат олқишлайман,— деди директор Тўрақул Яхшиев.— Ҳўп десанг, шу бўғалоқ катта агрономлик вазифасига тайинлайман.

— Йўқ, мен Сарик участкасида қоламан. Ишни ўша жойда бошладим. Ишнинг натижасини кўрмай, у ердан бир қадам ҳам жилотлайман.

Истомин жойида қолди. Сарик участкасида чигит арқон ташлагандек текис уним чикди. Бошқа жойларда экиш ҳамон давом этарди. Сарикликлар хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Бунда Истоминнинг катта хизмати бор. Шунинг учун сарикликлар уни шод-хуррамлик билан қўриб олишди, унингнинг тўрндан жой беришди. Истомин деҳқонларни эргаштириб дала ораляди.

— Ана энди яганани бошлаймиш. Бу мана бундай бўлади.

Истомин ерга эгилди. Ғўзаларнинг орасини қарчиллаб ўлчаб, юлиб ташлайди. Деҳқонлар ҳайрон. Икки қулоқ бўлиб, селкиллаб кўқариб турган ғўзалар. Уларнинг юрғи ачишади.

— Уртоқ агроном,— деди улардан бири,— кўзи қўйдан олинади. Қўй кўп бўлса, кўзи ҳам кўп бўлади. Ахир, бу ғўзалар ҳам ҳосил берадику.

— Икки қулач бир нонининг ўрнини босолмайди. Бутун нон қилайлик, қорин тўйсин. Қани бошланг.

Истомин юмшоқ гап, ҳазил-мутойба билан деҳқонларни ағана қилишга ундайди. Деҳқонлар ишни қўнғилдагидай бошлайдилар. Лекин Истомин кетиши билан бузғунчилар топилб қолади. Иш таққа тўхтади. Бундай қаршиликларга ғўза парваршида ҳам, суғорилган ҳам, чеканкада ҳам дуч келинди. Ана шундай қийинчиликлар оша хирмон кўтарилди. Сарикликлар биринчи бавали маррани эгаллашди. Ҳосил аввалги йилга нисбатан қарий икки баравар ошди. Михаил Истоминнинг бундаги хизматлари эътироф этилди. Шеробод район ижроия комитетининг ишчи-деҳқон ҳамда қизил кўшин вакиллари Шўроси томонидан Миср сарти пахтасининг 1933 йил 7 ноябрда 101 фоз қилиб бажарганлиги учун Сарик участкаси агрономи М. С. Истомин Фахрий Ерлик билан мукофотланди. Ер ишлари Халқ комиссарлари пахтачилик бошқармаси бошлигининг ўринбосари Анастасов беш олимнинг ютуғини маъқуллаб, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институту директори-га мактуб йўлади.

Практикент Истомин институтга ана шундай олқишлар билан қайтиб келди. У институтни имтиёзли диплом билан битирди. Истомин ана Шерободга ошдики. Бу гап у бир йўла оиласи билан кўчиб борди.

Истомин қўйилган вазифаларни яхши ҳис этарди. Ингичка толали пахтанинги чигитини четдан келтиришдан воз кечишининг вақти етганди. Бунинг учун илкоманг бор. Олимлар уруғли чигитини Шеробод бери олишини эътироф этишди. Бу ердан Москвадан, Ташкентдан келган олимларнинг, раҳбарларнинг оғи узилай қолди. Ҳар қалай Шеробод ишончини оқлади.

Уруғли чигит бера бошлади. Бу ердан олинган уруғ Жарқўрғон ва Паттақсарда экиб кўқартирилди. Шеробод районининг ўзи 1935 йилдан тўлиқ ингичка толали пахта эка бошлади. Бу соҳада ўз ишининг усталари етишиб чиқди. Уруғ етиштирадиган Киров номили қолхознинг эвено бошлиги, ўша кезде долг таратган пахтакор Улдон Болтаева рекорд кўрсаткич—гектар бошига 28 центнердан ҳосил қўтарди. Тўрақул Турсунов бошлиқ Киров номили қолхоз доврўг таратди. Бундай ғалабалардан ингичка толали пахта жонкуяри Истомин беҳад шод эди. Бу соҳадаги бирон янглик унинг эътиборидан четда қолмади. Уни шарҳлади, илмий хулоса чиқарди. «Қизил Ўзбекистон», «Красная Бухара» газеталарида ва журналларда унинг мақолалари тез-тез босилиб турди. Шерободдан кетма-кет Бутуниттифок Қишлоқ Хўжалиги кўргазмасига номзодлар кўрсатилди. Михаил Истомин ҳам Москвага таклиф этилди. Кремлинг Свердлов залида Совет халқлари оқсоқоли Михаил Иванович Калининнинг ўзи унинг кўксига «Меҳнатда ўрнат қўрсатганлиги учун» медалини тақиб қўйди.

Шерободга оддий практикент сифатида келган Михаил Истомин йиллар ўтishi билан деҳқончиликнинг йирик билмидони бўлиб етишди. 4 йил область бош агрономи вазифасида ишлади. 12 йил область қишлоқ хўжалиги бошқармасини бошқарди. Етук мутахассис партия ишига жалб этилди. 4 йил Сурхондарё область партия комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири бўлиб ишлади. Шунингдек, Михаил Истомин область тажриба станциясининг ташкилотчиларидан, унинг биринчи директори ҳам эди.

Михаил Истомин ҳамisha қайноқ меҳнат қучоғида бўлди. Лекин у илмий иш билан шуғулланганга вақт топа билди. 1956 йилда «Сурхондарё областида пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. Михаил Истомин Иттифок ва республикада эълон қилинган 70 дан ортиқ илмий мақола ва бир неча китоб муаллифидир. Унинг илмий фаолиятида ингичка толали пахта етакчи ўрнини эгаллайди. Олим уни ҳар томонлама таҳлил этганди. Ҳозир ҳам унинг иши давом эттириляпти. Термиз тажриба станцияси олимлари ингичка толали пахтанинг анги навларини етиштиришда дадил қадамлар ташламоқда. «Т-7» нави алақачон ўзига муносиб ўрин топди. Айни пайтда «Т-14» нави кенг майдонларда сийновдан ўтказилляпти. Бу муваффақиятларда ҳам таниқли олим Михаил Истоминнинг муносиб улуши бор.

Михаил Истоминнинг хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўсини Ленин ордени, урта Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдаш (бу орден Улуғ Ватан уруши йилларида галланд юқори ҳосил олганлиги учун берилган), иккита Хурмат белгиси орденилари, Бутуниттифок, Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг 8 медали беэаб турарди. У СССР Қишлоқ хўжалиги министригининг И. В. Мичурин номидида медалини ҳам олишга сазовор бўлган эди. 6 марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан тақдирланганди.

Михаил Истомин Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, Пахтакорлар Бутуниттифок мусобақасининг аълочиси, Социалистик қишлоқ хўжалиги аълочиси унвонлари соҳибига ҳам эди.

Сурхондарёликлар Михаил Истомин хотирасини эъзозлайдилар. У асос солган, йирик илмий марказга айланган тажриба станцияси унинг номи билан аталади. Термиз шаҳридаги йирик кўча ҳам унинг номида. Устозининг ишини шоғирдлари изчил давом эттиришмоқда.

ИСОМИДДИ ОТАҚУЛОВ

Термиз

ЭРКСЕВАР ШОИРА

XX аср бошидаги украин поэзияси ҳақида гап борганда, танқидчилардан бири ҳазил қилиб: «Бу даврда уни намоён этадиган бир киши бор, холос, у ҳам бўлса: «Лёся Украинка!» деган эди. XIX аср ўзбек шеърятини ҳақида гап борганда, биз ҳам фахр билан шунини қайд этамизки, унинг фаол ижодкорлари қаторида эркаклардан қолишмасдан мардонавор қалам тибратган бир эмас, уч аёл бор эди: Нодира, Махзуна, Увайсий. Буларнинг ҳар бири ўз овозига, ўз шеърини услубига, ўз тақдирига эга бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирганлар.

Бу ўринда гап Жаҳон отин Увайсий ҳақида бормоқда. Увайсий XVIII асрнинг 80-йиллари бошида Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида тўқувчи қосиб оиласида дунёга келди. Унинг отаси Қайнар девона номи билан машҳур бўлиб, тожик ва ўзбек тилларида шеърлар ҳам ёзиб турган. Онаси Чинибоби эса ўз даврининг ўқимишли аёлларидан бўлган. Бўлажак шоира асосан отаси ёрдамида савод чиқарди ва шахсий мутлола ёрдами билан адабиёт соҳасида билим чўққиларини эгаллади. Отана эзидан бориб Жаҳонбоби (кейинчалик Жаҳон отин.—А.Ҳ.) ёшлигидан шеърятга меҳр қўйди ва бу ҳавас унда тобора кучая бориб, уни шoirлик оламига олиб киради.

Умуман, Жаҳон отин Увайсийнинг ҳаёти ва турмуш шaroити қийин бўлган. Унинг Ҳожикхон исмили йиғитга узатилгани, Қувшхон исмили қиз, Муҳаммадхон исмили ўғил қўргани маълум. Унинг шеърини истеъдодидан хабар топган Нодира уни оиласи билан Қўқонга кўчиртириб келади ва улар опа-сингил тутинадилар. Унга саройдаги амалдорларнинг болаларини ўқитиш топширилади. Орадан кўп ўтмай, бирин-кетин шоиранинг ота-онаси ва эри дунёдан ўтадилар. Бу унинг ҳаёти ва ижодига ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Нодира уни қанча суюмасин, у хон саройида ўзини фариб ҳис қилар, аёл сифатида камситилар, ўз дарду ҳасратларини шеърга тўкиш билангина кўнгли тасалли топар эди. Увайсийнинг бу даврдаги ҳаёти, шоира сифатида қандай маънавий қийинчиликларни бошидан кечиргани унинг «Тақсир» радифоли ғазалидан аққол кўзга ташланади.

Сиринишким донасени кўрди юзум туфроғида, андин — Маломат қушлари бошимга қилмиш ошён, тақсир.

Айни вақтда шу ғазал мактабда шох даврасидаги кишилар уни менсимай, ҳар қадамда «Вайсий бир нотавон» деб камситибтганларига ҳам ишора бор. («Деди ким билганича: «Вайсий бир нотавон»).

Шунга қарамай, Увайсий қаламинини бирон кун бўлса-да, ерга қўймас, ижод қилар, ўз санъаткорлигини ошириш устида тинмай ишлар, устозлари яратган девонларни синчиқлаб мутлола қилар эди. Шеърятда, унинг биринчи устози Алишер Навоий бўлиб, Увайсий учун Навоий шеърятини маълум бир даврданга эмас, бир умр маҳорат мактаби вази-фасини ўтаган. Шоиранинг қарниган чоғларида ҳам Навоий ғазалларига гўзал муҳаммас ва ўхшатмалар боғлашда давом этганлиги шундан дароқ беради.

Шу билан бирга улуг озарбойжон шоири Муҳаммад Фузулий шеърятинидаги жўшқинлик, Мирзо Абдуқодир Бедил шеърларидаги донишмандлик, Боборухон Машраб лирикасига хос исёнкорлик, шу давр прогрессива ўзбек шоирларидан Махмур, Маъдан, Ғозий, Гулхани, айниқса Нодира асарларидаги ҳаётга танқидий қараш ва халқнинг аҳоли-руҳиясини холис баҳолаш хусусият-

лари ҳам Увайсийга яқин ва қадрли эди. Бу давр адабий жарoидаги энг ижобий ҳодисалардан бири унда хотин-қиз шоирларнинг фаол иштирок этганлиги, уларнинг ўзaro аҳиллиги ва ҳамфикрлиги бўлди. Увайсий ўзининг ўнларча шеърларини Нодирага бағишлаган, унинг олижаноб инсоний хусусиятларини, шoirлик истеъдодини юқори баҳолаб, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган. Увайсий назарида, ўз шеърлигига Нодира баҳосидан ортиқ баҳо бўлиши мумкин эмас эди.

Бу ўринда Увайсийнинг Махзунага ижодий муносабатини ҳам эслаш мароқлидир. Маълумки, Махзуна ҳам ўз асрининг истеъдодли шоирларидан бўлиб, у ўзининг Фазлий билан олиб борган машҳур мушоирасида сарой шоири, кибр-ҳавоси билан Фазлийни ўткир жавоблари билан нот қилган, бу мушоира ўз даврининг муҳим бир драматик воқеаси сифатида Фазлийнинг маълумияти ва аёл-шоиранинг ёрқин муваффақияти билан ақулланган эди. Бу воқеага Увайсий ҳам ўз муносабатини билдириб, ўша мушоира вази ва қофиясида:

Май нашъасини на билусун жисмин
туроб кўрмай,
Масти аласт йўқтур ул лаъли ноб
кўрмай,—

матлан билан бошланган ғазалини ёзади. Унда шоира Махзуна гоғларини давом эттириб, меҳнатсиз ҳаётга ўрганган, енгил табиат кишиларни эл ўртасида аямай фoш қиладди:

Нечанд қатла кўрдум агёр сўзиндин
неш,
Гул василга етарму булбул азоб
кўрмай.

нинг натижасида у такрорланмас («ғайри мукаррар») шеърлар ёзганини шундай ифодалайди.

Лутфунг била кўнгулми, чунон
бўлди мусаффо,
Шеърим била минг турли садо
ғайри мукаррар,—

деб ёзган оташнафас шоира ўзбек классикасига жўр бўлиб, самимий севги ва садоқатни улуглаб, анъанавий гоё ва образларга қайтадан жон киргизди. Бу соҳада у ўзбек шеърятинидаги гуманистик қарашларни янада чуқурлаштириб, ўзидан кейинги кўпгина авлодларнинг маънавий-эстетик талабларига ҳам хизмат қиладиган ўнлаб ўлмас шеър дурдоналарини яратди.

Бир пари пайкар, суманбар ёра
ошиқ бўлишам,
Лаъли дилнаш, сўзи хуш дилдора
ошиқ бўлишам...
Рақиблар сори ўқ отиб, мени —
ўлгани улдурма,
Улус жонига ўт ёқиб, мени —
куйганин куйдурма...
Интизор ушонқлар ўлди, нигор
уйгондим?
Волиб миғжонлари, чашми хумор
уйгондиму...

Бироқ зулм ва адолатсизликка қурбон бўлган замон, умуман, Увайсий ижодига, шу жулмадан, унинг иккинчи лирикасига ҳам ўз соҳисини солган. Унинг бу тип шеърларида ғам-андух, ҳасрат туйғулари устулик қиладди. Шу сабабга қўра, қолаверса, ўзи ҳам барвақт турмуш ўртоғидан ажраб, жудалик аламларини бошидан кечиргани учун шоира ҳижрон кайфия-

Келиб ҳолим сўруби кетса,—
меҳмонимни соғиндим.
Насибин узмади тангри, илонин
топмайгай желса,
Онам деб бўлгуси бағри қизил
қонимни соғиндим.
Қоронғу бўлди олам кўзума ушбу
жулоқиндин,
Кўзу кўнгулм эиёси, моҳи
тобонимни соғиндим.

Бу ғазалда фарзанда бўлган оналик меҳри ўзининг энг ёлқинли ифодасини топган бўлиб, бу хил шеърлари билан Увайсий ўзбек лирикасини янада бойитди.

Увайсий «Карбаланома», «Воқеоти Муҳаммад Алихон» деган достонлар, бир қанча ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Аммо у ўзбек адабиёти тарихида асосан лирик шоира сифатида ном қозонган. Унинг бой лирик меросида замонга муносабат бош мавзалардан бири бўлиб, адолатсиз замондан норозилик, эрксеварлик гоғлари бошидан охирига қадар қизил ип бўлиб ўтади. Заҳматкаш ва аламдидур шоиранинг:

Бўлбўдур ушбу дунё бу Жаҳонга
турфа зиндоней—

деган ҳайқирғида фақат бир шахсининг эмас, барча меҳнаткаш табақаларнинг кайфияти акс этган, десан хато қилмаган бўламиз.

Увайсий девонидан ўша давр ўзбек шеърятининг деярлик ҳамма жанрлари ўрин олган. Лекин у биринчи навбатда ғазалнавис шоира. Ўзбек шеърятинида ғазал тараққийоти-ни Увайсий ижодий тажрибаларисиз тасаввур этиш қийин. Шу билан бирга, Увайсий муҳаммас, мусаддас, рубоий, чистон, қитъанинг ҳам ажойиб намуналарини яратди. Агар Увайсийнинг девони йўқолиб, бизга унинг фақат анор ҳақидаги машҳур битта чистони етиб келганда ҳам, у барибир адабиётимиз тарихидан ўз ўрнини эгаллаган бўлур эди.

Бу шеърини топишмоқда Увайсий феодал туқунлиқдаги ўзбек аёлларининг фоживали аҳолини анорнинг қалин пўсти ичига эич жойлашган, юлқа пардага ўралган анор донларига ўхшатиш воситасида уларнинг янгли тақдирини таъсирли ва реалистик тарзда тасвирлай билди. Бу мисол кўрсатадики, юксак шеърини истеъдод эгаси бўлган Увайсий турли жанрларга оид ўз асарларига аёл қалби кўрнин жойлай олган. Шоиранинг ўз севикли кишини учун рўмонча (ёлғиз) тикиши мавзудаги:

Елғининг андоқ тикармен, ёр,
миғжоним билан,
На эмиш миғжонки, тиксам
арзигай жоним билан,—

каби байтлар билан бошланувчи ва шу хилдаги шеърларни фақат Увайсий ёзиши мумкин эди ва ёза олди.

Увайсий 1842 йили ўзининг энг қадрдон ҳомиysi Нодира фоживанинг гувоҳи бўлди. Бу феодал реакциянинг Увайсий кабиларга қарши ҳам уюштирилган босқинчилиги ва жаллодлик эди. Шундан кейин у Қўқонда тура олмай, Марғилонга кўчиб кетди ва ўша ерда 65 йилларда ҳаётдан кўз юмди. Жаҳон отин Увайсий адабий мероси халқимизнинг эъозли мулки бўлиб, у кишиларимизнинг янги жаҳият қуриш ишига ёрдам бермоқда. Феодал зулм ва истибод шароитида бутун умрини ўзбек адабиёти ва адабий тили ривожига бағишлаган шоира жасоратини адолатпарвар ва марифатпарвар халқимиз ҳақ қачон унутмайди.

Абдуқодир ҲАЙИМТОВ,
филология фанлари доктори

Увайсий таваллудининг 200 йиллигига

Увайсий ўзи камтарин, меҳнаткаш аёл бўлиб, ҳалол кун кечирар, ортиқча зеб-зиннат, дабдабали ҳаёт унга бегона эди. Уни яхши шеърлари учун кўпроқ мақтаб юборишларини ҳам ёқтирмас эди. Унинг ижтимоий мазмундор, фалсафий теран асарларига замондошлари таҳсини ўқир эканлар, буни ҳам ўзининг хизмати деб эмас, балки устозларининг мадади, улардан ўрганишнинг оқибати деб қарашга тарафдор эди. У бир шеърда Бедилга шу мазмунда миннатдорчилик билдириб ёзади:

Вайсий назмидин чаро таҳсин
чиқарма, ёй улус,
Ушбу байтим орауён пайравин
Бедил чаро.

Увайсий ўз замонасининг энг сермаҳсул шоираси бўлиб, ундан бизга икки кўлёмза девон етиб келган. Унинг бири адабиётшунос олимларидан А. Қаюмов ва Э. Иброҳимов, иккинчиси Ҳ. Раззоқов, Улфат, Ғ. Абдуллаев ва Н. Маматовлар томонидан нашрга тайёрланиб, 1959 ва 1963 йилларда chop этилган. Бу девонлар таркибидаги шеърларни ўрганиш шунини кўрсатадики, Увайсий ўз даврининг пешқадам шоирларидан бўлиб, ҳужирон диний қарашларга зид ўлароқ инсон ва унинг гўзаллигини, одамий ҳис-туйғуларини, биринчи навбатда ички кечинмалар, орзу-ҳавас ва интилишларни куйлаш ва шу билан ароқадор мавзуларда бири иккинчисини такрорламайдиган ёқимли, серзавқ, хушоҳанг шеърлар ёзиши унинг идеали, ҳам кундалик иши бўлган. Севгилисининг лутфу керами билан кўнгли мусаффо тортиб, бу-

ти тасавирга кўп берилади. Бу хил шеърларида, шоиранинг давр носозлигидан норозиликларини ҳам чуқур ва таъсирли ўз ифодасини топган:

Лахта-лахта қон әрур кўнгулму
жудонинг даштида,
Мисли ҳомун узра ёзиш лола
гулфюроғлар,
Ким хаёли ердин манъ этса бўлмас
тўё
Кўзга торикдур жаҳон, бошимга
тушмиш тоғлар...
Чарх каякрафторлигидур йўқса
бахти воқигун
Гўёиё булбул нафас, боғ ичра
сайрон оғлар,
Ваҳкин, қозмиш неча соетдурин
ҳижрон доғини;
Қолмади сабру таҳаммул илқинда
тирноғлар...

Увайсий лирикасининг ҳаётий ва таъсирчан хусусиятларидан яна бири шоиранинг шахсий ҳаёти ва кечинмалари билан чамбарчас боғланганидир. Увайсийнинг бир қанча ғазаллари мувашшаҳ характерида бўлиб, ўзига яқин замондошларини образини шартли-анъанавий услубда гавдалантиришга бағишланган. Баъзи шеърларида эса шоира ўзига озор етказган, бахтига гоё бўлган кишиларни фoш қилиб, лаънатлайди.

Увайсийнинг хон саройидаги туҳматларга қарши ёзган бир қанча шеърлари маълум. Елғиз ўғлини хон сарбозликка олиб, Қашқарга жўнатганда эса Увайсий лирикасидаги жудонли мотивларни ўзининг энг юксак чўққисига қўтарилади:

Кеча-кундуза йўлди
мунтазирдурман, тикарман кўз,

АБАДИЙЛИК

* * *

Ҳовлимизда бир тупгина беҳи бор эди,
Илдизларин ювиб оқар тасмадай ариқ.
Қор тушгунча қучоғида хуш баҳор эди,
Ҳар меваси ёмби олтин каби сап-сарик!

Ғуж-ғуж фонус гулларига боқиб антиқдим,
Бу дунёга қурч мағизли мевалар бериб,
Осмон, офтоб ва беҳига термулиб жим-жим,
Уқлар булут каби ногоҳ кетдингиз эриб...

Осмоннинг Ерга туташ этакларида
Бўртиб чиқди тупроқ узра бўз рангли куртак...
Энди баҳор оқшомлари набираларга
Беҳи гулга айланиб Сиз айтасиз эртак!

ХОССАЛАР

«Бу — Феррум. Оқ металл — физик хоссаси.
Эриш даражаси. Зич оғирлиги,
Сифат ўзгариши. Миқдор ҳиссаси.
Даврий системаси. Валент бирлиги...»
Муаллимга шаррос айтиб берардим,
Дарсликдаги каби нуқтама-нуқта.
Билмасдим, темир ҳам одамзод дарди,
Юҳога айланар гоҳи милтиқда...
Темир иродалар. Темир қонунлар.
Темир ҳавозалар. Темир одамлар.
Темир кўприклару темир устунлар,
Темир рўйхатлар ва темир қадамлар...
Барида ухшашлик топдим темирдан,
Қиргин уруш ўтган йўлларда ҳамон
Темир парчалари босиб ётар занг,
Ернинг юрагини қонатиб ёмон.
Физика фанининг ҳикматларидан
Чекинсам, муаллим, минг марта узр!
Аслида тинчгина ер қатларда
Эмас, юракларда пайдодир темир!
Уқ ясаб эл тинчин бузади одам,
Занжирлар тўқийди, қафас қуражақ,
Тиканли симларга тўлади олам,
Темирга айланса мабодо Юрак!

АКС-САДО

Гоҳ яхши-ёмонни фарқламай қолсам,
Гоҳ мижғов ҳавллар дастидан толсам,
Кўрмай қолсам оёқ остидан нарин,
Уртаниб сайрайди норизо, нохуш,
Битта туйғун қуш.

Алвон уфқларим туман чулғаса,
Хандон қўшиқларим гўмон чулғаса,
Кўзимни ёғ босиб қолган кезлари
Уртаниб сайрайди норизо, нохуш
Битта туйғун қуш.

Кўзларда мунг кўрсам, ўртанмасам мен,
Шодбахтни қутлашни ўрганмасам мен,
Уз бахтим билан маст юрган кезларим,
Уртаниб сайрасин норизо, нохуш
Уша туйғун қуш!

ИЗҲОР

Бу дунёда бир сендан бошқа
Номига қилмасман ибодат,
Ҳеч кимнинг ҳаёлин бузмасман,
Ҳеч кимнинг малолин сезмасман!
Ҳеч кимсанинг кўнгил боғида
Тонг насими бўлиб эсмасман!

Бу дунёда бир сендан бошқа
Ҳеч кимга қилмамай ҳикоят:
Сўзларимнинг малоҳат сехри,
Кўзларимнинг ҳарорат сехри! —
Ёғду бўлмас саҳар чоғида
Тилагимнинг шафоат сехри!

Бу дунёда бир сендан бошқа
Ҳеч кимда йўқ ҳаққу қафолат:
Йўлларимда сир тилсим бўл,
Муҳитимда ҳур иқлим бўл,
Болаликдан оразу қилиб
Ҳеч йўқотмас юлдузим бўл.

Бу дунёда биргина ўзинг!

СЕН...

Мени адо қилса бир кунни ҳасрат,
Уша адолигим,
У ҳасратим — сен.
Кўнглимни тоғ каби ўстирганда бахт,
Уша юксаклигим,
Уша бахтим — сен!

Жонимда тутаса ўтти пушаймон,
Пушаймоним — сенсиз
Кечган чоқларим!
Юлдузим чарақлаб кулган ҳар бир тонг,
У — сен қанот бўлгач
Учган чоқларим!

Ғарқу ғарқоб бўлсам тошқинда ногоҳ,
У дарё — талотўп
Ишқ нәҳринг сенинг!
Ёнган юрагимни ураркан чақмоқ,
Ёки қаҳринг сенинг,
Ё меҳринг сенинг!

Шоира Дугонама

Ўзбекистон тасаввуримда шоирлар
гулшанига ўхшайди.

Ольга ЕРМОЛАЕВА

Топиб айтдинг, дугона,
Шоирларнинг юрти бу!
Удуми шоирона
Моҳирларнинг юрти бу!
Шарқ бу — қадим башарга
Довруқ солган сўз билан!
Тўй, маърака, ҳашарга
Бел боғлаган дўст билан!
Келинчаги бахт тилаб,
Алла айтган чоғларда,
Оҳангининг тафтидан
Қор эригай тоғларда!
Улан айтса қизлари
Қирқ бахшини лол этган,
Соз олса ҳофизлари
Илон захрин бол этган!
Фаришта бўлиб тунда
Ой ғазаллар айтадир,
Тоҳиру Зухро бунда
Саксон ёшли чол-кампир.
Чақалоқча йўрғак деб,
Оқ пахталар ўстирар,
Бешик деб, беланчак деб,
Оқ тераклар кестирар!
Куйлаб-куйлаб сувлари
Саҳроларга жон бўлар!
Меҳнатин ёғдулари
Юз элга карвон бўлар!
Қўлда гулқайчи тутиб
Боққа кирганда ҳар тонг,
Навоийдан байт ўқиб,
Гул саралайди боғбон!
Танглайин қўшиқ билан
Кўтаргандир дояси:
Кулолми, ишчи, деҳқон —
Гўзалликдир фойси!
Мажнунтоллар қуршаган
Салқин сўрнда бирпас,
Русча, ўзбекча дилдан
Шеър ўқисақ басна-бас,
Худди зукко мунаққид,
Донишманд бир китобхон
Энг гўзал тахририни

Кўшиб қўяди деҳқон!
Шоирлиқнинг илҳами
Қайнаган фасли мезон
Учиб уйқу, ором,
Шеър битар Ўзбекистон!
Она Замин қалбининг
Ҳарорати ўша шеър!
Чин дўстликка

халқимнинг, —
Садоқати ўша шеър.
Шоир нафасли бу эл,
Севгани — пахта, меҳнат!
Шеър ўқимоқ бўлиб кел
Олтин кузда, марҳамат!

ЙЎЛДА

Гоҳида пиёда, гоҳи метрода
Хизматимга қатнайман ҳар кун.
Гоҳи бир маромда, гоҳи зиёда
Қувонч — ишли кунимга яқун.

Йўлимда: муҳташам Ленин майдони.
Чорраҳалар, қизил, яшил чироқлар,
Фото кўргазмалар,
Нон, гул дўкони,
Фаввора дур сочган чимзор
қирғоқлар,

Кўкўпар бионинг пештоқидаги
Вақтнинг лангаридай соат миллари,
Мармар кошонанинг равоқидаги
Абад қовжирамас ганжкор гуллари, —
Ҳаммаси фусункор. Кўринар гўё
Шаҳар жамолининг қулдирғичидай.
Гавжум босмаҳона. Темирлар иншо
Битган газеталар лаҳза ичида
Ўзбекистон бўйлаб таралар шитбо, —
Она Ер қалбининг нотинч зарблари.
Гоҳ сергаклик, гоҳи режа, изтироб,
Гоҳ шеър ҳаяжони — босма ҳарфлари,
Почта муҳрлари босилган хатлар,
Илк ижод севинчи порлаган кўзлар,
Дераза рафида кўнган қўш каптар,
Рангли слайдларда чақнаган кўзлар...
Қандай сеҳрли, нигоҳ илғамас
Иплар-ла ўзига боғларкан ҳаёт,
Сезасан: ҳар лаҳза, ҳар кун, ҳар нафас
Шу катта оламга Сен — зарра нажот!

ШОДЛИГИМ

Сен қайларда эдинг, шодлигим?
Қор тушганда умид боғимга,
Зор тушганда гурур тоғимга,
Сен қайларда эдинг, шодлигим!

Дўст тутганим фириб берган чоқ,
Ғанимларим даврон сурган чоқ,
Сўнганкача етганда пичоқ,
Сен қайларда эдинг, шодлигим?

Кута-кута кўзим тўрт бўлди,
Пўлат эди сабрим, мўрт бўлди,
Гул сиёким зору зард бўлди,
Сен қайларда эдинг, шодлигим!

Баҳор қайтмас қушларга ўхшаб,
Таъбир айтмас тушларга ўхшаб,
Оқибатсиз хешларга ўхшаб,
Сен қайларда эдинг, шодлигим!

Келдинг интиқ-интизор қилиб,
Яна бахтга умидвор қилиб,
Йўқлик эдим, қайта бор қилиб!
Сен қайларда эдинг, шодлигим!

Чулғанди дил севига буткул,
Ёғдуларга, орзуга буткул!
Бу жаҳонда наҳот шунча мўл
Баҳор, байрам, дўстим, шодлигим!



Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофотининг лауреати, шоира
Ойдин ҲОЖИЕВА



СССР халқ артисти Зиқир
МУҲАММАДЖОНОВ.

Н. Шарипов фотолари

СССР ХАЛҚ РАССОМИ,
СССР БАДИИЙ АКАДЕ-
МИЯСИНИНГ АКАДЕМИ-
ГИ, ҲАМЗА НОМИДАГИ
ЎзССР ДАВЛАТ МУКО-
ФОТИ ЛАУРЕАТИ ЎРОЛ
ТАНСИҚБОЕВ АСАРЛА-
РИДАН НАМУНАЛАР

ГУЛЛАР. Натюрморт. 1949 йил.



ШОЛИКОР КОЛХОЗДА УРИМ-ЙИГИМ. 1947 йил





ЕРНИНГ ШҰРИНИ ЮВИШ. 1946 йил.

ЧОРВОҚ. 1973 йил.





ФАРФОНА ВОДИЙСИ. 1967 йил.



МЕВАЛАР. Натюрморт. 1953 йил.

ТАБИАТНИНГ МОҲИР КУЙЧИСИ

АКАДЕМИК УРОЛ ТАНСИҚБОВЕ УЙ-МУЗЕЙИДА



...Чўққилари булутларга туташиб кетган тоғлар... Тоғ этагида жойлашган ям-яшил қишлоқда осудалик ҳукми суради. Сербарг чинор кўлан-қасида меҳнат аҳли ҳордиқ чиқармоқда...

Бу ажиб манзара тасвирий санъатнинг олтин фондида кирган дурдоналаридан бири — «Тоғ қишлоғи» (1962 й.)ни қиришга муяссар бўлади. Бу ажиб санъат асарини ҳақли равишда рассомнинг ижодий ютуқларидан бири деб ҳисоблайдилар. Асар юксак лиризм билан суғорилган.

...Тоғ қишлоғи. Оқшом. Томошабин назарида оромбахш тоғ ҳавоси уфйриб тургандек туюлади. Самарали меҳнатдан кейин ҳордиқ олаётган кишиларнинг ёрқин қиёфалари томошабинда ҳам илиқ кайфият уйғотади. Ушбу асарга боқар экансиз, киши қалбини ёқимли ҳис-туйғулар...

Урол Тансиқбоевнинг уй-музейида томошабин яна битта полотно — «Тоғ қишлоғи. Оқшом» (1962 й.)ни қиришга муяссар бўлади. Бу ажиб санъат асарини ҳақли равишда рассомнинг ижодий ютуқларидан бири деб ҳисоблайдилар. Асар юксак лиризм билан суғорилган. ...Тоғ қишлоғи. Оқшом. Томошабин назарида оромбахш тоғ ҳавоси уфйриб тургандек туюлади. Самарали меҳнатдан кейин ҳордиқ олаётган кишиларнинг ёрқин қиёфалари томошабинда ҳам илиқ кайфият уйғотади. Ушбу асарга боқар экансиз, киши қалбини ёқимли ҳис-туйғулар...

Урол Тансиқбоевнинг уй-музейида томошабин яна битта полотно — «Тоғ қишлоғи. Оқшом» (1962 й.)ни қиришга муяссар бўлади. Бу ажиб санъат асарини ҳақли равишда рассомнинг ижодий ютуқларидан бири деб ҳисоблайдилар. Асар юксак лиризм билан суғорилган.

...Тоғ қишлоғи. Оқшом. Томошабин назарида оромбахш тоғ ҳавоси уфйриб тургандек туюлади. Самарали меҳнатдан кейин ҳордиқ олаётган кишиларнинг ёрқин қиёфалари томошабинда ҳам илиқ кайфият уйғотади. Ушбу асарга боқар экансиз, киши қалбини ёқимли ҳис-туйғулар...



га чулғайдиган сокинликни сезиб оласиз.

Мольбертда эса, рассомнинг туғалланмай қолган сўнги: «Чорвоқ, 1973 йил» асари. У. Тансиқбоев Урта Осиёда бунёд этилган кўпбал ишо-отларни мўйқаламга олган. «Қайроққум ГЭСи», «Нурек ГЭСи» кабилар шулар жумласидандир. Рассомнинг иш столи айниқса, киши эътиборини ўзинга тортади. Унда мусавир иш жараёнида фойдаланган бўёқлар, мўйқаламлар ва дурадгорлик асбоблари тартиб билан териб қўйилган. Булар орасидаги кўпгина асбоблар рассомнинг ўзи томонидан ясалган — кашф этилган. Витринада ҳужжатлар, рассом тақдирланган мукофотлар жумладан, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени жой олган. Атоқли Рассомга бу мукофотлар юбилейлари муноса-

бати билан ёки Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунларида тақдим этилган. Масалан, У. Тансиқбоев олтиш ёшга тўлиши муносабати билан Ленин орденига сазовор бўлган эди... Мукофотлар орасида рассомнинг «Қайроққум ГЭСи» асари учун Москва ва Брюсселда бўлиб ўтган кўргазмаларда берилган иккита кумуш медал ҳам бор.

Бу ерда СССР Мудофаа министрилиги, СССР Тинчлик учун кураш комитети ва Бутуниттифок Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси томонидан тошйрилган медаллар ҳам

ланган ранг-баранг расмлар, «Уллар» деб номланган натюрморт киши кўзини қувонтиради. Бу натюрморт рассомнинг Олмаотада бўлган пайтида — 1949 йил 9 майда чизилган. Полотнода сирень, гулсафсар ва бошқа анвои гуллар тасвирланган. Дераза ёнида деворда рассомнинг Нукусга қилган охириги савҳати арасида тушган сураати осғилққ турибди.

Иккинчи қаватида чиқаверишда деворда мусавир ижодининг ҳамма қирраларини акс этдирувчи асарлар ўрин олган. Булар «Меҳмондорчиликка» (1944 й.), «Беруний портрети» (1960 й.), «Шаршара» (1949 й.) ҳамда Ўзбекистон манзараси тасвирланган «Тоғлар» этюдидан иборат. Етоққонага киришингиз билан турли санъат усталарининг фотосуратларига кўзингиз тушади. Рассом устахонасидаги суратлардан бирида атоқли санъат арбоблари — СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Н. Зағурская, ҳамда архитектор А. Бобохонвларнинг мусавир билан мулоқат пайти акс этдирилган.

Рассом ҳаётини акс этдирадиган суратлар томошабинда жуда катта таассурот қолдиради. Дам олиш хонаси деворларида «Уртатўқай сув омбори» картинаси, турфа манзаралар, графикага оид учта расм томошабинда катта қизиқиш уйғотади.

Рассом томонидан меҳр билан барпо этилган боғ уй-музейнинг ажралмас бўлагини ташкил этади. Бу ердаги ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган сури, манзарали дарахтлар учун ясалган анжом, йўлка ва мейдончаларни рассом ўз қўли билан бунёд қилган.

Машҳур совет рассоми, табиат шайхони Урол Тансиқбоевнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг уйи рўпарасида ҳайкалтарош Р. Амбарҷумян ясаган ҳайкал, унинг қабри устида гранитдан ясалган бюст ўрнатилган.

Урол Тансиқбоевнинг мемориал уй-музейи қандай таассурот қолдираётганини кўп сонли томошабинлар ёзиб қолдирган фикр ва мулоҳазалардан ҳам билса бўлади: «У. Тансиқбоевнинг Тошкентда очилган уй-музейи захматкаш рассомнинг ижодий йўли ҳақида тўла тасаввур бера олади. Унинг мўйқаламга мансуб картина ва этюдлар жонжом ўлка ҳақида айтилган қўшиқдай жаранглайди. Бу уй-музейда рассом икки дунёсини янада чуқурроқ англаб, унинг мусофаго қалб эгаси эканлиги яна бир қарра иқдор бўласан киши...»

Наталья ГЛАЗКОВА, санъатшунос

БИР ЯРИМ
МЕТРИК
БОДРИНГЛАР

Бошқирдистондаги Салават Юлаев шаҳрида истиқомат

қилувчи кекса кампир А. Ястребованинг участкасида этилган бодринг ҳосилини йиғиштиришга кўни-кўшинлар ҳам иштирок этадилар. Улар орасида шунчаки қизиқиш туғайли ташриф буюрадиганлар ҳам бўлади. Мазкур участкада узунлиги бир ярим метр, оғирлиги эса уч килограммдан ортиқ келадиган бодринглар этиштирилади. Бу логенарларнинг [уни шундай деб атайдилар] ўруғи аслида Вьетнамдан келтирилган. Бодрингнинг бу турни Бошқирдистон тупроғида

ўсишга ҳам мослашди. Уни худди ошқовоқ сингарни қовурса ҳам, тузласа ҳам бўлаверди. Ундан тайёрланган икра ҳам жуда хуштаъм бўлади. Логенарнинг бошқа сабзавот ва мевалардан фарқи шундаки, у тунда гуллайди ва ҳаво булутли пайтда чангланади. Ҳосили эса, ҳар кунин уч-тўрт сантиметр ўсади. «Советская Башкирия» газетаси одатдан ташқари бу бодрингнинг бир палағи ўттиз килограммга ҳосил беради, деб хабар қилади.

ТУПРОҚСИЗ
ЎСАДИГАН
ГУЛЛАР

Софиядаги «Гуллар ва манзарали дарахтлар» комбинати мутахассслари антиқа тадқиқот олиб бодриллар ва гулчи тупроқсиз ўстириш технологиясини ишлаб чиқдилар. Гуллар мутахассслар томонидан яратилган махсус суюқликдан озиқланади. Суюқлик бир мейрада ва бот-бот томиб туради.



САНЪАТКОР ПАРВОЗИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ
ЗИКИР МУҲАММАДЖОНОВ 60 ЕШГА ТЎЛДИ

Асримизни ҳақли равишда Ленинома асри, доҳий таълимотининг таянганаси асри деб аташ мумкин. Чиндан ҳам йигирмачи асрдаги, умуман бутун кишилик тарихида ҳам, энг буюк воқеа доҳий Ленин йўлбошчилиги қилган Улуғ Октябр инқилобидир. Инсоният тарихида янги давр, янги мазмун шу инқилобдан бошланди. Шунинг учун ҳам адабиётимизда ва санъатимизда Ленин маззуи — бош маззу. Ленин сиймоси биринчи ва марказий қаҳрамон бўлиб қолди, бундан кейин ҳам шундай бўлади, чунки доҳий сиймоси коммунизм қурилишида, тинчлик учун курашимизда бизга доимо йўлчи юлдуз.

Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театрининг ҳам ўз Лениномаси бор, унинг саҳнасида бу шарафли маззуда яратилган бир неча спектакллар намойиш қилинмоқда. Узбек театр саҳнасида дастлаб Ўзбекистон ССР халқ артисти Саъдиқ Табибуллаев, сўнгра СССР халқ артисти Шукур Бурхонов доҳий образини яратдилар. Мана, янгирма йилдан ошдики, доҳий образини Зикир Муҳаммадjonов ижросида кўриб келяпмиз. У аввал Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» тарихий драмасида, кейин Михаил Шатровнинг «Олтинчи июль» ҳужжатли асарига, сўнгра «Инқилоб тонги» спектаклида Владимир Ильич Ленин образини яратиш, узбек театр Лениномасига эрқин саҳифалар қўшди. Шунинг таъкидлаб ўтиш кераки, «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тонги» асарларида доҳий Ленин бир саҳнада намойиш бўлса, «Олтинчи июль»да бутун асар давомида иштирок қилади. Бинобарин бу жуда масъуляти ижодий вазифа бўлиб, актёрдан зўр маҳорат талаб этади.

Зикир Муҳаммадjonов «Олтинчи июль» спектаклида Владимир Ильич Ленин образини яратишга тайёргарлик кўрганга, улуғ доҳий образини саҳнада ва экранда яратган. Б. Бабочкин, Б. Шуккин ва Ю. Каюров каби актёрлар ижодини ўрганди, тарихий ва бадиий асарлар билан танишиб чиқди. Бу унинг ижодий муваффақиятини таъминлаган омиллардан бўлди.

Актёрнинг маҳорати ана шунда кўринадики, у бу оқшом улуғ доҳиймиз сиймосида саҳнада кўринса, эртага замондошимиз ролида намойиш бўлади. Кечаги спектакл воқеаси бундан беш асар аввал кечса, келгуси асар воқеаси Лотин Америкасида содир бўлади. Тарихий шахслар образларини яратиш Зикир Муҳаммад-

jonов ижодига катта ўрин эгаллайди. У турли йилларда театр саҳнасида, зангори экранда, кинофильм ва телефильмларда Фридрих Энгельс, Михаил Фрунзе, Йўлдош Охунбоев, Собир Раҳимов образларини яратди. Зикир Муҳаммадjonов Мирзозулукбек, Фурқат, Ҳамза, Салвадор Альенде ролларини маҳорат билан ижро этди.

Маълумки, тарихий шахслар образларини яратишда икки томонлама қийинчилик бор: образнинг ички дунёсини очиб беришдан ташқари, унинг ташқи қиёфасини ишонарли қилиб кўрсата билиш, тарихий ҳақиқатга риоя қилиш, яъни тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириб кўрсатиш керак. Бу борада ҳам Зикир Муҳаммадjonов ўз маҳоратини намойиш қилди. Биргина мисол: «Мирзо Улуғбек» спектаклида педарқуш Абдуллатиф ролин ижро этган бўлса, «Улуғбек хазинаси» телеспектаклида буюк олим ва султон Улуғбек образини яратди. Бир-бирдан еру осмонча фарқ қилувчи бу икки тарихий шахс образлари Зикир Муҳаммадjonов ижросида ишонарли ва таъсирчан чиқди. Айниқса, телеспектаклнинг учинчи қисмидаги Улуғбек билан Абдуллатиф мунозараси саҳнаси томошабинни ҳаяжонга солади ва ёдда узок сақланиб қолади. Бу саҳнада Зикир Муҳаммадjonов босиқ ҳаракат қилади, кези келганда, жўшқинлик кўрсатади, орадаги сукутли дақиқалардан ўрилли фойдаланади. Зеро, актёр учун ҳолатга кириш, шу ҳолатдан келиб чиқиб сўз айтиш мумкин, яъни саҳнада қаҳрамон бўлиб яшаш, уни қалбдан ҳис қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз, томошабинлар қаҳрамон хатти-ҳаракатига ишонамиз, уни реал шахс деб, саҳнадаги воқеани ҳаётий воқеа сифатида қабул қиламиз. Бу ҳоли «Мен Чилга ишонман» спектаклидаги Салвадор Альенде образи талқинида ҳам кўрама.

...Зикир Муҳаммадjonов биринчи устози Маннон Уйғур билан илк марта учирган кунини ҳаётида бурилиш нуқтаси деб билади. Шу учрашувга ҳам мана, салкам қирқ беш йил бўлиб қолибди. Ушанда Зикир Муҳаммадjonов Ога бошлиқ комиссияга этюддан имтиҳон топшириб, синавдан ўтиб, Ҳамза номили театр ижодкорлари сафига қабул қилинди. Отахон театр унга санъат бешиги бўлди, уни тарбиялаб волга етказди. У доимо ўрганди, изланди, театр ва рассомлик санъати институтининг актёрлик факультетини биринчилардан бўлиб битириб чиқди.

Кино ва телевидение асримиз мўъжизаларидандир. Телевидение аудиторияси жуда кенг, кинофильмни деярли бутун мамлакат кўради. Кино — синтетик, унда барча санъат турлари туташди, сўз санъатининг меваси бўлиши киносценарий бунда пойдевор вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам 1982 йили Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи республика Кинематографчилар союзи билан биргаликда Тошкентдаги Кино уйида ўтказган катта давра суҳбатидан биринчи навбатда кинодраматургияни раванж топтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас. Чунки кинодраматургияни ривожлантирмай туриб, кинематографияни ҳам, жулмалар, актёрлик санъатини ҳам камол топтириб бўлмайди. Зикир Муҳаммадjonов бу ҳақиқатни яхши билади. Уни республикамиздан ташқарида кўпроқ киноактёр деб билишлари ҳам бежиз эмас. У «Фидойи», «Генерал Раҳимов» бадиий фильмларида бош қаҳрамонларнинг образларини яратди. «Конигтот горининг сирин», «Тўрт фасл», «Қўқон воқеаси», «Шум бола», «Якин ва узоқ йиллар», «Иккинчи баҳор», «Икки дил достони» каби ўнлаб фильмларда роллар ижро этди, шу тариха мамлакатимиз томошабинларига ҳам кенг танилди. 1968 йили Ленинградда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кинофестивалида «Генерал Раҳимов» фильмида бош қаҳрамон образини яратган Зикир Муҳаммадjonов энг яхши ижро учун таъсис этилган соврин билан мукофотланди.

Бугунги кунда устоз санъаткорлар сафидан муносиб ўрин олган Зикир Муҳаммадjonов каярда бўлмасин, «Ўзбекфильм» ёки «Тожикифильм»да суратга тушадики, радиоспектакль ёки телеспектаклда чиқадими, ижодий сафарда бўладими, — ҳамма вақт ўзини Ҳамза номили академик театрининг вакили, ижодкори деб билади, меҳрибон ва талабчан коллектив ишончини оқлаш ҳисси билан яшайди. Актёр доимо шу театр билан ҳамнафас, ҳамқадам. Айниқса, шу театр саҳнасида замондошлар образларини яратган, улар қиёфасида кўринган кунларини ҳаётидаги энг эсда қоладиган кунлар деб билади, қурашчан, интилуванч, бунёдкор, турмуш қийинчиликларидан қўрқмай, дадил олга борувчи замондошларимиз образларини яратиш орзуси билан яшайди.

Зикир Муҳаммадjonов — замонавий театр санъати масалаларини ҷуқур таҳлил этадиган, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазаларин билан ўртоқлашадиган ижодкорларимиздан. Унинг театр санъатига доир мақолаларига кўзингиз тушган, албатта. Агар диққат қилган бўлсангиз, бу мақолалар мазмунини замонавийликка даъват ташкил этади. Ҳа, коммунист санъаткор шу кунимизнинг ташвиши билан яшайди, етук маданият ароби сифатида астойдил эл-юртга хизмат қилишга интилади.

Санъаткоримиз жонкуяр жамоатчи ҳамдир. У Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланганда ҳам, театр партия ташкилоти секретари ва бюро аъзоси бўлганда ҳам, касба союзи махаллий комитетига раислик қилганда ҳам, республика Театр жамияти тафтиш комиссияси раиси вазифасини бажарганда ҳам ком-

мунисларга хос принципиаллик билан, жонбозлик, жонкуярлик ва меҳрибонлик билан фаолият кўрсатиб, одамларнинг меҳр-муҳаббатини, ҳурматини қозонган, умр дафтарини яхши ишлари билан бизатган.

Зикир Муҳаммадjonов Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг аъзоси, Ҳамза номидаги академик драма театри партия ташкилотининг секретари сифатида катта ташкилотчилик ишларини сиқидилган адо этиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида севимли актёримизнинг ижодий ишига, унинг партия раҳбари образларини тўлақонли яратишига ёрдам бермоқда. Атоқли рус адаби Анатольи Софронининг Ҳамза номили театр саҳнасида буюк галабининг ўттиз йиллигига бағишлаган сахналаштирилган қаҳрамонлик драмаси — «Пўртана» бу жиҳатдан айнақисса диққатга сазовордир. Спектаклдаги армия сиёсий бўлими бошлиғи полковник Л. И. Брежнев ролин Зикир Муҳаммадjonов публицистик салобат билан ижро этди.

Зикир Муҳаммадjonов — чиндан ҳам ҳавас қилса арзийдиган порлоқ тақдир эгаси, сермазун умр кечирётган санъаткор. Бу танили актёрдаги талант табиатдан, меҳнат унинг ўзидан, икболи эса давриймиз шарофатидандир.

Зикир Муҳаммадjonовнинг совет театри ва кино санъатини ривожлантиришида катта хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ҳамда Ўзбекистон, Эстония, Тожикистон республикалари Олий Советлари Президумларининг Фахрий ёрликлари билан мукофотланди, СССР халқ артисти фахрий унвонига, СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Севимли санъаткоримиз ҳозир айна камолот палласида, у тинмай ижод қилмоқда. Бунинг кейинги биринчи йил ичиде саҳнада, кинода ва телевидениеда яратган образлари ҳам исботлаб турибди: Ҳамза номидаги академик драма театри коллектив мана шундай «Кўрик» асари асосида сахналаштирган спектаклда муаллиф сиймосида кўринди; шу театрда сахналаштирилган «Хар тўқисда бир айб» (А. Островский асари) спектаклида истеъфодаги генерал Круцицкий ролин ижро этиб, ўзининг серкирра истеъдод эгаси эканини, комик ва сатирик образларини ҳам муҳирона яратди олиш қобилиятини яққол кўрсатди. «Ваташ хизмат қилиб» фильмида афгон элчиси Аюбхон, икки сериали «Уйғончи» (Назир Сафаров роляси асосида) фильмида Маалон ролларини ижро этди; Ойбекнинг «Навоий» романи асосида яратилган ўч сериали видеофильмда Хўсайр Бойсаро ролин ижро этди.

Бу образларини кўз олдимизга келтирар эканмики, СССР халқ артисти Зикир Муҳаммадjonовнинг нақдари, ижодий камол топангини чуқур ҳис этамиз ва унга сиҳат-саломатлик, янада катта муваффақиятлар тилаймиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

АНТИҚА ДАРАХТ

бу дарартининг баландлиги 35 метр, танасининг айланаси эса 31 метр. Шундан сарвининг узунлиги 22 метрдир.

Ботаниклар табиатнинг мазкур «ноёб ажойиботи» ўсиб турган дарахт пўстлоғи ёригига «ўрмончи» қушлар бошича дарахт уруғини ташлаб кетиши натижасида юзага келган бўлса ажаб эмас, деган тахминини илгари сурмоқдалар. Шунинси қизиқки, бу антиқа дарартининг тут қисми ҳозир ҳам мева беради.

СУРУВГА ҲУЖУМ ҚИЛГАН БУРГУТЛАР

Туркмистоннинг Свердлов номили колхоз чўлини Пирукли Саҳадов Капеттов қўриқхонаси сойларидан бирини ўтган куз чоғи кутилмаган ҳужумга дуч келди. Унинг сурувига қоррақуш-бургутларнинг улкан тўдаси ҳужум қилди. Беш юздан

ортиқроқ йиртқиш қушлар уюшган ҳолда сурувга ташландилар. Уларни на одам ҳайқирини, на чўпон тағби тўхта олди. Бир қанча қўйлар жараҳтланди. Қушларга бақириб, улар билан олишавериб, чўпон Саҳадовнинг тинка-мадори кўржиди. Агар шофёр Серханов шу яқин атрофдан ўта туриб кўриб қолмаганда, ёрдамга етиб бормаганда бу воқеанинг нима билан тушган номалум эди. Бостириб келган машинанинг мотор тсууши, ҳайриятки,

қайсар қушлар галасини чўчқиди.

Бургутларнинг қўйларга ва бошқа йирқи ҳайвонларга ҳужум қилиши — камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Мутахассис-орнитологларнинг фикрича, бургутларнинг бунчалки ҳужумкорлигига озиқ топишдаги кузги қийинчиликлар сабаб бўлган. Тоғ этинлариде илон ва келирувчилар каймай қолгани сабабли йиртқиш қушлар уюшган ҳолда сурувга ҳужум қилишга мажбур бўлганлар...

ЙИЛЛАР САЛМОҒИ

Шариф ака цехдан яхши кайфият билан чиқди. Одатда, смена туагач, у энгил тортиб корхона ҳовлисида чиқади. Мана, қирқ йил бўптики, у бир жойда — шу корхонада ишламоқда.

Шариф Ҳамроқулов — Самарқанд саноатининг яловбардорларидан бири — В. И. Ленин номидаги «Красный двигатель» заводининг эътиборли ветеранларидан. Унинг ҳаёти корхонанинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Бу эрд чиндан ҳам жуда бой тарихга эга. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар у Ревель (ҳозирги Таллин) шаҳрида жойлашган эди. 1918 йилда империалистик Германия қўшинлари Эстонияга бостириб келганда завод ва унинг революцион ишчи коллективи В. И. Ленин кўрсатмаси билан Новороссийск шаҳрига эвакуация қилинди. Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси пайtida корхонада Қора деңиз Қизил флотии учун катерлар ремонт қилинди. Кейинчалик бу корхонада кемеалар учун стационар ички ёнар двигателлари ишлаб чиқарилади. 1933 йилдан бошлаб тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида завод ҳарбий изга кўчирилди. Унда ватан мудофаси учун ҳарбий қурол-яроғлар ишлаб чиқарилади. Душман ҳаводан бомбалар ёғдираётган оғир пайтларда ҳам иш жараёни бир минут тўхтамади. Ленин вазиет қалтис эди. 1942 йилнинг август-сентябрида завод ва унинг катта коллективи Самарқанд шаҳрига кўчирилди. Бу ерда фронт учун зарур бўлган қурол-аслаҳа билан биргаликда тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш яна юксак суръат билан давом эттирилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1954 йил 21 январдаги фармониға биноан Улуғ Ватан уруши йилларидаги мислсиз матонати учун заводға улуғ Ленин номи берилди...

Шариф ака Ҳамроқулов 1942 йил воқеаларини жуда яхши эслайди. Ушанда у ўн беш ёшли ўспирин эди. Гарчи, ҳали балоғат ёшиға етмаган бўлсада, уруш оқибатида вужудға келган оғир шариот уни ҳам катталар қаторида ишлашға мажбур этди. Шариф дастлабки пайтларда энг оддий жараёнларни бажарди. Дастгоҳға бўйи етмасдан оёғи тагига яшчик қўйиб ишлагани, смена мастери унинг ғайратини кўриб, илиқ гаплар билан кунглини кўтаргани... ҳаммаси хотирасида муҳрланиб қолган. Ёшу қари «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деган шioriни қалбларига жо қилиб дастгоҳ ёнида кунига 12—14 соат бетиним ишлар, баъзан цехда тунаб қолишар эди.

Ветеранлар ўзлари учун энди тарихға айланган ўша воқеаларни корхона остонасига илк бор қадам қўяётган ёшларға ҳикоя қилиб берадилар, уларни оталар аъналарига содиқ бўлишға деъвет этадилар. Меҳнати элга синган бундай ветеранлар заводда анчагина. Қолип йиғувчи Т. Прошева, токарлардан К. Сеитметов, Х. Аҳмедов, вагранкачи Д. Жалолов, моделчи А. Гладких, қолипловчи К. Меметов, созловчи Е. Софьина, фрезерчи Р. Содиқов, 3-механика цехи бошлиғи С. Исмоилов, конструкторлик бюросининг бошлиғи И. Луговой ва бошқалар ана шундай ветеранлардандир. Бутун кучини ва маҳоратини завод шухратини оширишға бағишлаган бу жонкуярларнинг номлари «Меҳнат шухрати китоби»ға ёзилган.

Ўтган йиллар давомида корхона ҳаётнда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Янги цехлар участкалар ишға туширилди, эски дастгоҳлар ўрниға янгилари ўрнатилди. Автоматлар ва ярим автоматлар ишни поток усулида ташкил этиш, айрим жараёнларни бирлаштириш, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, маҳсулот сифатини юксалтириш

имконини бермоқда. Илгари бир киши битта ёки иккита дастгоҳни бошқарган бўлса, ҳозир айрим илгор ишчилар бир йўлсиз тўқизтагага станокда ишламоқда. Айниқса, сўнгги йилларда қуёв цехларидаги металл эритиш печларининг қуввати ниҳоятда ортди.

Ҳозирги вақтда корхонанинг 12 цехида икки мингдан ортиқ киши ишламоқда. Планлар мунтазам ошириб бажариламоқда. Маҳсулотнинг 40 процентига давлат Сифат белгиси берилган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган сифатли поршенлар Владимир ва Минск шаҳарларидagi трактор заводлариға, шунингдек, бир қатор чет мамлакатларға жўнатилмоқда. Бу эса «Красный двигатель» марказининг шухратини ошираётёр.

Корхонанинг техник тараққиётда бош конструктор М. Гунченко, конструкторлар А. Жуков, М. Васильевларнинг муносиб ҳиссалари бор. Ишлаб чиқариш унумини ошираётган автомат ва ярим автомат дастгоҳлар, линиялар конструктор инженер ходимларнинг кўп йиллик изланишлари самарасидир. М. Гунченко энг оғир жараён — эритилган металлни қопиллашни автоматлаштириш системасини жорий этган бўлса, М. Васильев 5-механика цехида алюминий поршенларға механик ишлов беришға мўлжалланган автоматик линияни ишға туширди.

Шариф ака корхонадаги барча ўзгаришларнинг шоҳиди. Ўтган йиллар давомида у ишлаётган 3-механика цехида бир қанча ёшлар ҳунар ўрганишди.

Шариф Ҳамроқулов сменадан чиқиб уйига қайтаркан, ўйға толади: «Нега энди баъзи ёшлар нукул оғирнинг устидан, энгилнинг остидан юришни иста-шадди? Ёшлар, юрагининг ўти бориди иш кўрсатиб қолмайсанми! Йўқ! Бирн кўлини киратишни иста-майди, бошқиси белини оғиртисми келмайди... Ўзини энгил ишға уради, мўмайроқ пул топишға уринади. Ҳа, тоғни талқон қилгудек йигит кун бўйи магазини пештахтаси ёнида ёки бирон жойда қоровулчиликда кўзини мўлтиратиб ўтиришға уялмасмикан?! Баъзан бундай ҳолға уларнинг ота-оналари, ўқитувчилари, унинг атрофидagi кишилар айбдор бўладилар. Асли-

да уларнинг онгига болаликдан бошлаб меҳнатсаварлик фазилатини сингиргани кевек. Тоғи, меҳнат — бахт шон-шараф эканлигини тушуниб етсин... Ҳа, ҳар биримиз, бутун жамоатчилик улар учун масъулият ҳис қилишимиз лозим».

Шариф Ҳамроқулов сингари меҳнат ветеранлари — ёшлар учун ибрат ва намуна. Шариф ака кўп йиллардан бўён ўзига бириктилган участкадаги дастгоҳларнинг бениқсон ишлагани таъминлаб келмоқда. Бу ҳурматли ишчи хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди: кўксини Ленин ордени беъзади.

...Шариф ака цехға янги куч билан кириб келди. Дастгоҳлар яна бир маромада ишға тушиб кетди. Ҳар бир ишчи минутига 2—3 та поршенни кўлдан чиқариб, уни навбатдаги жараёнға узатмоқда. Тажрибали ветеран дастгоҳлар оралаб шовмасдан юрди, уларнинг ишлагани зимдан кузатади. ...У барча ҳаракатлар беш йиллик сурўтиға ҳамоҳанг эканлигини қалбдан чуқур ҳис қилади. У бутун завод коллективининг салмоқли одими билан фахрланади. Айниқса, пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришға муваффақ бўлган 3-цехдан Собир Сиддиқов, 4-цехдан Раҳмонқул Раҳимов, 5-цехдан Владимир Дюевлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаларининг коллективлари аjoyиб ютуқларға эришдилар. Ҳозир қарийб юз илгор ишчи 1984—1985 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Илгор корхона коллективи КПСС Марказий Комитети томонидан маъқулланган «В. И. Ленин номидаги Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Целиноград қишлоқ хўжалик машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Гомель қишлоқ хўжалик машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Плавск «Смичка» машинасозлик заводи коллективларининг ташаббусига қўшилиб, янги йилда янада юксак марраларни кўзламоқда.

Исо АБДУРАҲМОВ,
Аҳдам ҲАЙИТОВ



«Красный двигатель» заводининг қуёв-механика цехи ишчиси Оля Мистахова шогирди Зайнаб Гафуроваға иш ўргатмоқда.

Н. Шарипов фотоси

БАХТ БАХШ ЭТУВЧИ ЭМАН

Юз йилдан зиёдрок вақтдан бери ошмиқ-машуқаларға почта кутиси вазиғасини ўтаб келаётган дуб дарактин Германия Федератив республикасининг Ёвтин шаҳрида ўсади. Миш-мишларнинг тасдиқлашича, унинг «хизмат»дан фойдаланганларға даракт бахт келтирар эмиш. Нақд қилшларича,

бу аънанани рус сайёҳларидан бири бошлаб берган экан. У Эмля исмли немис кизини севиб қолган ва ўз муҳаббатига эришиш учун ана шу дуб қавагиндан фойдаланган экан. Ошмиқ ва машуқа турмуш курган ва роппа-роса 33 йил бахтли ҳаёт кечирганлар. Бундан хабардор бўлган атрофдаги қишлоқ аҳолиси мазкур эски дубдан почта кутиси сифатида фойдалана бошлаганлар. Даракт шу тариқа «келми-қувё дуби» аталиб кетган.

Ҳозир бу ерға бутун дунёдан хатлар юборилади. Шуниси ҳам борки, муҳаббат мактубларини ажратиб ва кўрсатишган ишмиға етказиб бериш мажбуриятини маҳаллий почта ходимлари ҳолисона бажарадилар.

ИЛОН БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Қабарда-Балқар автоном республикасининг чўпони Х. Ал-

мазов ўтган йили октябрь ойининг илиқ кунларидан бирда улкан харсанг устида дам олмақчи бўлди. Қўй-қўзилар атрофда юрарди. Чўпон иссиқ офтобда ҳузур қилиб ётганича пинакка кетди.

Ногоҳон у чўчиб уйғонди-ю даҳшатдан тошдек қотди. Улкан илоннинг узун айри тили Алмазовнинг ёноқлари устида кезарди. Унинг танаси эса, чўпоннинг ўнг қўлини қисиб олган эди. Алмазов ҳушёр тортиб, илондан тезроқ қуту-

лишға қарор қилди. Бироқ шу пайт қарияларнинг маслаҳатлари эсига тушиб, қимирламай ётаверишни позим кўрди. Алмазов тахминан ярим соатча қимирламай ётаверди. Чўпоннинг бу тахликали синовға қанча вақт бардош бериши номаялум эди. Алмазов унга об-халом ёрдамға келди: ёлғир томчилай бошлади. Унинг дастлабки томчилари илонни «иссиқ ўридан» қўзғайди. Бечора чўпон шу тариқа «асирлик»дан қутулди.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

«Корхоналар ёрдамчи хўжаликларининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мумкин... Шундай хўжаликларни юртишга қодир бўлган ҳар бир саноат корхонаси, ҳар бир ташкилот одатда ёрдамчи хўжаликка эга бўлиши керак».

(СССР Озиқ-овқат программасидан)

Чирчиқ шаҳрининг корхоналари ва ташкилотларида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси намунали йўлга қўйилган. Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларидега етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларидан ишчи ва хизматчиларнинг ўзлари баҳраманд бўлмоқдалар. Бу ишни ташкил қилиш, албатта, осон кўчмади. Кишлоқ хўжалиги кўникмасига эга бўлган ишчилар агроцехларга ўтказилди, имкониятлардан келиб чиққан ҳолда озуқа базаси вужудга келтирилди. Натижада бугунги кунда Чирчиқ шаҳридаги ёрдамчи хўжаликларнинг сони 45 тага етди.

СССР Озиқ-овқат программасида ўн иккинчи беш йилликнинг охирига бориб, аҳоли жон бошига 330—340 килограмм сут маҳсулотлари, 70 килограммгача гўшт маҳсулотлари етиштириш вазифа қилиб белгиланган. Умумдават аҳамиятига эга бўлган бу жонғавор вазифанинг бажарилиши ҳар бир совет кишининг куч-ғайратига боғлиқ. Чирчиқликлар худди шу туйғу билан иш бошладилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланиб, корхоналардаги агроцехларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг назоратида бўлишига эришилди. Партия, кесаба союз ва комсомол йиғилишларида ёрдамчи хўжаликлар билан боғлиқ

масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Чирчиқ шаҳар партия комитетининг махсус пленумида бу борада конкрет вазифалар белгиланди.

Ҳозирги пайтда шаҳардаги Трансформатор заводи, Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлор комбинати, Химия машинасозлиги заводи, Бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати, 160-Қурилиш трести ўзларининг ибратли дала цехларига эга. Булардан ташқари, етти корхонанинг ишчи ва хизматчилари бирлашиб, 10 минг 750 чўчқа, 400 бош қорамол, 1000 бош қўй ва эчкига мўлжалланган 11 та чорвачилик комплексларини ташкил этдилар. Шунингдек, 60 минг паррандага мўлжалланган бройлер фабрикаси ишлаш бошлади.



Тегишли корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилари шанбаликлар ўтказиш, ҳашар йўли билан ерларни ўзлаштириш ва озуқа муаммосини ҳал қилишга киришдилар. Дастлаб шаҳар атрофидан ажратилган 275 гектар ерининг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Махсус ем-хашак бригадалари тузилди. Натижа ёмон бўлмади. Бир йил ичидаёқ 267 тонна гўшт етказиб берилди. Чўчқалар сони 2 минг 134 тага кўпайди. Қўшимча равишда 160 гектар майдон кишлоқ хўжалиқ оборотига киритилди. Бу майдонда 100 тонна дон, 50 тонна озиқлик, 500 тонна ем-хашак етиштирилди.

Чирчиқликлар ёрдамчи хўжаликларда беш йилликда аҳоли жон бошига 25—30 килограмм гўшт

етказишга аҳд қилганлар. Улар умумий оватланиш тармоқларида, йиринк озиқ-овқат корхоналарида озиқ-овқат қолдиқларини тартибди йиғштириб бора бошладилар. Бу нарса чорвачилик комплексларини керакли имқдорда қўшимча озуқа билан таъминлаш имконини берди. Ҳар бир ёрдамчи хўжалик ўзига қарашли мактаб, болалар боғчаси, дам олиш зонаси ва маълум бир корхона ошхонасида махсус идишлар ўрнатиб, озиқ-овқат чикиндиларини пешма-пеш тўплайдиган бўлди. Махсус автобригадалар озиқ-овқат чикиндиларини комплексларга етказиб бора бошлади.

Шаҳарда шу беш йиллик ичида 8 минг чўчқага мўлжалланган комплекс қуриш ва чўчқаларнинг умумий сонини 11 минг 300 бошга етказиш, хўжаликларда 800 қорамол, 1 минг 100 қўй ва эчки, 100 минг парранда боқишга эришиш мақсад қилиб қўйилган. Ана шунда аҳоли жон бошига 25—30 килограммдан гўшт етиштириш мумкин. Бу борада Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлор комбинатида амалга оширилган ишлар ибратлидир.

— Комбинатимиз коллективи учун бошқаларга намуна кўрсатиб ишлаш ажойиб анъанага айланган,— деди корхона директори ўртоқ П. Махсудов.— Ёрдамчи хўжалигимизда ўтган йилнинг ярим йиллидаёқ ялпи маҳсулот тайёрлаш плани 3 минг сўмдан ошиб кетди. Реализация плани эса 1 миллион сўмдан зиёд бўлди. Комбинатимиз қарамоғида бешта болалар боғчаси, бир неча ошхона ва буфет, профилакторий бор. Ана шу умумий оватланиш тармоқлари ҳамда аҳолидан ортан озиқ-овқат чикиндилари чорва моллари учун тайёр тўйимли озуқадир.

Шунингдек, шаҳар атрофидан комбинатимиз учун ажратилган 35 гектар ердан умумий фойдаланилмоқда. Биз ёрдамчи хўжалигимизни янада ривожлантириш учун янги резервлар, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилляптим. Цех бинолари орасига, йўлчалар ёқасига, хуллас, фойдаланилмай ётган бўш ерларга мактаб, беда экиб, ҳосил оляптим. Пионерлар лагери ва профилакторий атрофидан ҳам 15 гектар ер ўзлаштирилди. Озуқа базасини мустаҳкамлаш билан бирга чорва тўғриси ҳам кўпайтирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябр (1982 йил) Пленумлари қарорларидан руҳланган чирчиқликлар Озиқ-овқат программасини ҳал этиш учун муносиб улуш қўшишга қатъий аҳд қилганлар.

МирақмаЛ МИРАЛИМОВ

Ширин сўз—жон озиғи

ИНСОН ҚАЛБИ ГУЛДЕК НОЗИК

Хўрматли редакция!
Кишиларнинг тез-тез иши тушиб турадиган идора, дўконларда, вокзал кассаларида қўпол муомала қиладиган базми кимсалар арзимаган нарсага асабимизни бузади. Ширинсуханлик ҳақида бир нима ёзсангиз, ялтимос.

Самандар САФАРОВ,
Навоий область, Қизилтепа район, «Вустон» совхозининг Ленин орденли кекса боғбони.

Ушбу мактубга УзФА Микробиология илмий-тадқиқот институтининг директори, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, профессор Аҳрор МУЗАФФАРОВ жавоб берадилар:

Ширин сўз — инсоннинг ҳусни, инсон қалбининг акси. Эътибор бер-

ган бўлсангиз, ширинсухан кишиларнинг истараси иссиқ — чехраларидан нур ёғилиб туради. Бундай нигоҳ, бундай меҳр тошни ҳам эритиб юборишга қодир, деб ўйлайсиз. Юмшоқ муомала олдида ҳар қандай сернаҳқ одам ҳам ҳовуридан тушади.

Кишилар вақтида ширин сўзликликни севади: «ҳамиша соғ-омон бўлинг», «саломат бўлинг», «бахтли бўлинг» сингари иборалардан бирор-тасини эшитсангиз, дилнингиз яйраб кетади. Инсон ҳамиша ширин сўзга ташна. Меҳр инсоннинг олға босишида, камолотга эришувида ҳавадди, кўшнинг нуриди жуда-жуда зарур. «Ҳаёт — кўзгу — дейди донишмандлар, — унда ҳар ким ўз аксини кўради. Чамирилсанг, бурнингги жирийсанг, кишиларни назар-писанд қилмай, тумшугингни кўтарсанг, сен ўзинг ҳам шундай жавоб оласан». Ҳар қандай шаронда ҳам ўзини қў-

га олиб, босиқлик билан гаплашиш, киши кўнглини синдирмаслик, бу жуда муҳим. Устоз А. Навоий айтганидек:

Йиртиқч бўри гар ўлимга
лойиб,
Ситамгар ундан ёмон,
халойиқ!

Биз турмушимиз гуллаб-яшнаган социалистик жамиятда яшаймиз. Халқимиз ҳалол меҳнат қилиб, тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Лекин гоҳ бу оёйсизликнинг гуручдан чиққан қурмақдай бирор дилозор, дағал шахс бузади-да, кўпчиликнинг асаби кўзгалади. Бир мисол: Байрам арасида дастурхонга ул-бул харид қилиш мақсадида, Паркент бозори ёнидаги 2-мева ва सबзавотлар магазинга кирдик. Ҳар бир елкаси девдай келадиган иккита сотувчининг валақлаб магазинни бошига кўтариб, баланд овоз билан алланималарни гаплашиб турганини кўриб, энсамиз қотди. Энди магазиндан чиқиб кетмоқчи бўлиб орқамизга қайрилганимизда, ҳалгилардан бири пичинг қилди:

— Чўнтақлари қуп-қуруқми дейман!

Орнимиз келиб, унга қарадик:
— Нима бор ўзи оладиган?

— Мана, сабзи, шолғом, турп, лавлаг...— деди у сабзавот маҳсулотларининг эскирган, майда-чуйда қолдиқлари солинган яшиқларга ишора қилиб. Яна қуруқ қайтиб чиқмайлик, деган мақсадада беш-олтита сабзини териб олдик-да, тарозига қўйдик.

— 50 тийин,— деди у тарози яғинини шарақлатиб суриб ўйнаб.

Пулни олдига ташладик-да, магазиндан чиқдик. Аммо яна ортимиздан ароқ шишанинг синишидай шарақлаган қаҳқаҳа эшитилди. Кўнглимизда: Наҳотки шу маҳсулот тўрт килограмм бўлса? Балки бу ҳаром-хўрлар бизни алдаганлари учун устимиздан кулишаётгандир?, деган фикр ўтди. Ичкарига қайтиб кирдик-да, тўрхалтани тарозига қўйиб, қайтадан тортиб кўрдик. Не кўз билан кўрайликки, у бир килою 400 грамм эди! Икки эрканнинг ўртасида хоҳоллаб кулиб ўтирган хотин югуриб келди-да, тўрхалтани тортиб олиб, яшиқка отиб юборди. Ҳалғи девдай йигит чўнтағидан 76 тийин чиқариб, тақ этиб олдимизга қўйди:

— Жўна!— деди эшикка қўлини ниқтаб.— Менга тийиннинг керак эмас. Мана, 26 тийин ортқини билан беряман!

— Магазин мудирини қақирсангиз!

— Менман магазин мудирини!— деди ҳалғи хотин тумшугимиз остига келиб ўдағайлаб.— Қани, нима демокчисан, гапир!

Хўш, одамларга нисбатан бу қадар қўпол муносабатда бўлиш, халқ учун очиб қўйилган савдо корхонасида улфатларини тўплаб, валақлаб ўтиришга, келган-кетган кексаю ёшнинг дилини хуфтон қилишга, хари-дорлардан хохлаганга уриб қолишга уларнинг нима ҳаққи бор?

Қўполлик йўқолсин, қўполлик энг ёмон нарса!

Назира ЙУЛДОШЕВА
эзиб олди

ЎЗИНИ ТАНИТМАСЛИК САНЪАТИ

Одатда машҳур санъаткорларнинг ижодлари ўзининг кўп қирраллиги билан кўпчилик мухлисларни ҳайратга солади. Тарихий манбаларни синчиклаб кузатган киши таниқли шоир ва ёзувчиларнинг гоҳо-гоҳо ўзларини танитмасдан халқ ичига кириб омма орасида ҳаётни кузатганликларига ғувох бўлади. Бу нарса ўзини танитмаслик санъати ёки инкоғити деб аталади.

Нақл қилишларича, Мухаммад Аминхўжа Муқимий бир кун Фарзинча исмли ҳофиз билан Самарқандга борибди. Муқимийнинг илтимосига кўра, Фарзинча ўтиришларда шоирни: «Кўшим бўлади, ўзи деҳқон одам», деб таништирибди. Сўхбатлардан бирида Кўқондаги адабий муҳит ҳақида сўз кетибди. Даврадагилардан бири кутилмаганда Муқимийнинг ҳажвий маснавийлари хусусида гапирибди. Фарзинча эса, ўз ҳамроҳидан кўзини олиб қочиб, кулгисини аранг қосиб ўтираверибди. Сўзлаётган киши Муқимийни бойлар билан амалдорларни сўз билан ҳам, керак бўлса мушт билан ҳам мот килаоладиган паҳлавон сифатида тасвирлабди. Утирганлардан кимдир Фарзинчадан:

— Сиз Муқимийни танийсизми? — деб сўрабди.

— Ҳа, танийман, — дебди Фарзинча ўзини кулгидан аранг тийиб, — худди шу киши айтганларидек, полвон одам. Кўқонга борганларингизда таништириб қўяман...

1881 йили Лев Николаевич Толстой ўз ҳақиқиётини Сергей Петрович Арбузов билан бирга Оптинаддаги Пустина монастырига ташриф буюрди. Ҳамроҳлар оёқларига чипта қовуш кийиб, елкаларига юк халталарини ташлаб олган эдилар. Ҳақиқиётлар дарвешлар учун макон бўлган сассиқ хоналарда, қоп-қоронғи, зах ошоналарда овқатланардилар, руҳонийларнинг: «У ёққа, бу ёққа ўтир!» деган қаттиқ-қурум гапларига қулоқ қоқмай амал қилардилар, ўша ердаги хурофий интизомга бўйсунардилар. Арбузов бундай кўпюл муомалага чидай олмадию ногаҳон ҳамроҳининг кимлигини руҳонийларга айтиб қўйди. Шундан кейин уларга нисбатан бўлган муомала бутунлай ўзгарди: «Аъло ҳазратлари, меҳмонхонага марҳамат қилсинлар...», «Қанақа таомлар тайёрлашни буюрасиз, тақсир!» ва ҳоказо. Адибнинг ўғли Илья Львовичнинг хотирлашича, монастыр руҳонийларининг аввалиг кўполикларни билан кейинги ўта сермулозимлиги Лев Толстойда гоҳат ёмон таассурот қолдирган.

Антон Павлович Чеховнинг ҳам ўзини танитмай туриб бошқалар билан мулоқотда бўлишга қизиққанлиги маълум. Адибнинг синглиси куйидаги воқеани ҳикоя қилиб берган эди: 1889 йилнинг май ойида Лука қишлоғидаги (Сума шаҳри яқинида)

дўстлариникида турган Чеховнинг ёнига машҳур артист П. М. Свободин келади. Улар кўпчилик бўлиб яқин ўртадаги Ахтирка шаҳарчасига борадилар. Меҳмонхонага тушадилар. Свободин у ердагиларга ўзини граф деб таништиради, Чеховни эса, дастўрим, дейди. Улар бу жойда ўз ролларини шундай маҳорат билан ўтайдилар. Меҳмонхона эгаси «аъло ҳазратнинг ташриф буюрганидан хурсанд бўлганлигини изҳор этади. Меҳмонхонадаги хизматкор қиз эса, оғзидан бол томиб, бойвачча граф ҳақида «дастўрдан суриштиради. Антон Павлович соддадиллик билан «хўжайиннинг графлик ҳаёти ҳақида олди-қочди гапларни қалаштириб ташлайди.

Яна бир ғалати воқеа. Поезда кетаётган икки йўловчи, Чеховни танимасдан, унинг асарларидаги диққатга сазовор ўринларни мактаб бўшлайди. Антон Павлович, кулгисини яшириб, беларволик билан уларга: «Билмадим... Бунақа нарсаларга ақлим етмайди...» деб жавоб беради. Йўловчилар эса, Чеховнинг сўхбатга беларво қарашидан ҳайрон бўшлайдилар. Антон Павлович эса уларга жавобан: «Ҳм... ҳм...», деяверади. Шундай қилиб, поездаги йўловчилар Чеховни танийолмайдилар. Бунинг устига, улар ёзувчи А. П. Чеховнинг жуда зўр ажойиб ёзувчи эканлигига Чеховни ишонтирадилар.

1928 йили Ватанимизга қайтиб келган Алексей Максимович Горький, ўзининг машҳурлиги янги Москва билан танишишга ҳалақат беришини ўйлаган бўлса керак, бошқача грим билан кўчага чиқади. Ушунда у янгига тўрвадек соқол ёпиштириб, эскирган пальтони кийиб олиб Москвага айланган, магазинларга, ошхоналарга кириб, москвалликлар билан сўхбатлашди. Максим Горький музейида адибнинг ўша ҳолатда тушган фотосурати бор. Бу сурат Максим Горькийнинг ўғли М. А. Пешков томонидан олинган. Суратни кўрган киши остидаги ёзувни ўқимасдан Максим Горькийни таний олмайди.

Айрим тарихий манбалардан маълум бўлишича, улуғ Алишер Навоий, Фароғий ва Гулҳанӣ ҳам, Гетё ва Байрон, Бобораҳмон Машраб ҳам,

Беҳзод, Демьян Бедный ва Александр Фадеев ҳам, Константин Паустовский ва Борис Полевой ҳамда бошқа кўп ижодкорлар шароит тақозосига кўра, ўзини танитмаслик санъати — инкоғити роя қилганлар. Бу нарса фақат ёлғизлигини қўйсан, эзма-кеш мухлислардан қочиб ёки чарчаш сабабидан эмас, ўз ижодлари учун нотаниш қиёфада материал тўллаш мақсадида ҳам амалга оширилган. Ахир, Александр Сергеевич Пушкин, Беҳуда тарадуд ва тантанаворлик илҳом парисига ҳалақат беради, деб бекорга айтмаган-да!

Тоғилма

Сахро ўрнида

денгиз бўлганими?

Каттара чуқурлиги Мисрнинг шимол-ғарбда жойлашган ва у Сахро-кабирнинг бир қисми бўлган Ливия даштларига бориб туташади. Ана шу чуқурликда геологлар нефть қидириб юриб, қадимий денгиз ва кўллارда яшаган жониворлар: «кичирлар, баҳайбат акулалар, денгиз маҳлуқлари, арра-балиқлар, тинсочларнинг суюқларига дуч келиб қолишди, деб хабар беради «Сайенс дайжест» журнали. Мутахассисларнинг эштироф этишларига қараганда, топилаётган ёши 42 миллион йилни ташкил этади ҳамда улар қадимий китъалар ва денгизларнинг ўрини аниқлаштиришга ёрдам беради.



Адиблар ҳаётидан

ЁШЛАР ТАШАБУСУ

Гулистон шаҳри билан Янгйер шаҳри ўртасидаги шўр босган яйдоқ ерда паррандачилик фабрикаси қурилмоқда. Фабрика тўлиқ ишга туширилгач, бу ерда уч миллион бош парранда боқиладди. Мазкур объект Сирдарё областида энг йirik зарбдор қурилишлардан бири ҳисобланади.

Биз зарбдор қурилишнинг бош пудратчиси бўлган Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрлигига қарашли 22-Қурилиш трестининг 83-механизмлашган кўчма колоннаси бош инженери Юсуф Абдураимов билан сўхбатлашдик. У бундай деди:

— Фабриканинг биринчи навбати 900 минг бош парранда боқишга мўлжалланган эди. Ун битта корпусни, унинг ёрдамчи объектлари билан бирга 1982 йилнинг биринчи кварталда фойдаланишга топширдик. Йил охиригача эса иккинчи навбатни ишга туширдик. Учинчи навбати

ни шу йил фойдаланишга топширишга аҳд қилганмиз.

Зарбдор қурилишда комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилаётир. Бригада аъзоларининг орау-истаклари бир, у ҳам бўлса меҳнатда илгорликини қўлдан бермаслик. Улар деярли бир пайтнинг ўзида ўрта мактабни битиришган, бир вақтнинг ўзида ҳарбий хизмат бурчларини ўтаб қайтишган, қурилишга ҳам бир неча ой ичюнда бирин-кетин келишган. Топшириқини бажаришда эса ҳаммаси шижоатли, уддабунор, ишбилармон. Ҳозир бройлер паррандачилик фабрикаси қурилишида қатнашаватган бригадалар ўртасида бу коллективнинг олдига тушадиган бригада йўқ. Бундай ажойиб коллективни уюштиришда ўторак йигит Раҳмонберди Рустамов ташаббускорлик кўрсатди. Раҳмонберди Бобвур районидagi «Ғалаба» совхозида яшаб, ўиничи синфни ўша ерда ту-

гатади ва ҳарбий хизматга қақрилади. Қурувчилик касбини ҳам ўрганади, учинчи разрядли гишт терувчи гувоҳномасини олади.

У ҳарбий хизматдан қайтгач, «Ғалаба» совхозига яқин жойда — Комсомол райони территориясида қурилаётган паррандачилик фабрикаси қурилишига ишга кирди. Беш-олти ой 83-механизмлашган кўчма колонна қурувчилари билан ишлаб, аҳоил билан танишди. Негадир, қурилишда ёшлар кам эди.

Бир кун Раҳмонберди Рустамов кўчма колонна бош инженери Юсуф Абдураимов олдига тақлиф билан кирди.

— Чамамда, ёшларимизнинг боши қовушмаяпти, агар комсомоллардан алоҳида зарбдор бригада тузилса, яхши бўлар эди, — деди у дилдаги гапни баён қиларкан.

Ана шу сўхбатдан кейин орадан бир неча кун ўтгач, Раҳмонберди Рустамов Бобвур районидаги «Коммунизм» колхози ва «Ғалаба» совхозидан армияда бирга хизмат қилган тенгқур дўстларидан бир гуруҳини бошлаб келиб, бош инженерга рўбарў қилди. Улар ҳам қурувчиликда тегишли ихтисосларга эга эдилар.

— Балли, азамат! Энди зарбдор бригада тузасек бўлади, — деди қувониб Юсуф Абдураимов.

Шундай қилиб 83-механизмлашган кўчма колоннада Раҳмонберди Рустамов бошлиқ зарбдор комсомол-

ёшлар бригадаси ташкил этилди. Бригадада асосан етти киши — Жалол Қаюмов, Райимжон Қаримов, Усмон Расулбердиев, Мурод Олломуродовлар ва бошқалар бор эди.

Зарбдор комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари бу улкан қурилишда меҳнат намунасини қўрсатмоқдалар. Коллектив объектда иссиқлик трассаси қўрмоқда. Бригада қурилиш-монтаж ишлари бўйича ўтган йилги топшириқни кўчма колоннада биринчи бўлиб бажарди. Ҳозир ҳам бригада комсомол-ёшлар бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада байроқдорлик қилмоқда. Кўчма колонна комсомол ташкилотининг секретари Абдухалил Жуманов ҳам шу бригада ишлаётган участкада мастёрлик қилади.

Биз Раҳмонберди Рустамов билан комсомол-ёшлар бригадаси коллективининг режалари билан қизикдик.

— 1982 йилда паррандачилик фабрикасининг биринчи ва иккинчи навбатлари қурилиб ишга туширилди, — деди у. — Коллективимиз иссиқлик трассалари қуришдан ташқари объектда комплекс ишларни ҳам бажармоқда. Қуниқ топшириқларни 160—170 процентга етказиб бажаряпти. Янги йил охиригача бройлер паррандачилик фабрикасини тўла ишга туширишга қатъий аҳд қилганми.

Ҳамроқул РИЗО,
Иброҳим НОРМАТОВ

САНГ



РОМАНДАН ПАРЧА

АССАЛОМУ алайкум!
 Ҳеч ким миқ этмади.
 «Ие, бу қанақаси? Саломимни эшитишмадимми!» деб хижолат чекиб
 останадан ҳатлаб ўтган
 бўлса-да, уларнинг олди-
 дага боршига журъати

етмай туриб қолди. Қоронги тортиб
 кетган уй ичига синчиклаб қаради.
 Эшик тарафдаги ожиз чироқнинг
 нури зўрага ўз тагинигина ёритиб тур-
 рарди. Уй ичи буғми, тутунми, ҳар
 қалай ташқаридан кириб келган
 одам ҳеч нимани кўра олмас, шун-
 доққина олдида турган нарсаларни
 зўрага илгар эди. У қайта тикилиб
 қарагандагина уй ўртасида турган
 қора қозонни базур кўрди. Денгиз-
 нинг қора совуғи суяк-суякларидан
 ўтиб кетган кишилар ўчоқни қуршаб
 ўтиришар эди. Совоқтангидан тиш-
 лари тақиллаб турган бир киши ўчоқ
 ичига кириб кетгудай олдинга инти-
 ларди. Денгиз атрофида нам тортиб
 қолган ўтиннинг тутунни кўзларини
 ачиштирганига қарамай, қозон атро-
 фидагилар галма-галдан энгашиб,
 ўт пуфлашарди.

— Манави лъзнати ўтин бугун ўт
 оладиган эмас-ку. Нега сенлар пуф-
 ламайсанлар!— деди ўтирганлардан
 бири.

Бир неча киши энгашиб олиб, ўтин
 роса пуфлашди.

Бу ердагиларнинг биронтаси ҳам
 эйтибор қилмагандан сўнг, ҳалиги
 кирган одам елкасидаги турвани бир
 четга қўйиб, одамларнинг ёнига бор-
 иб ўтирди.

— Бу расво бугун ёнадиган эмас.
 Устига ўтин ташланглар!— деди
 ўчоқнинг нариги томонида ўтирган
 кимдир. «Бу ким бўлди экан!»

Шундан кейин бир ёшроқ йигит
 наррироқда турган ўтинга қўл чўзган
 эди, ёнида ўтирган киши унинг қў-
 лини қоқиб юборди.

— Жим ўтир. Олдин манави ўтин
 ёнсин.

Балиқ овлash бу томонларда ҳам
 қийинлашиб кетганга ўхшайди-да.

Ҳа, буларнинг қовоқлари солинга-
 нига анча бўлди. Суви шўрланиб
 кетган денгиз бамисоли ўти қуриб,
 шўрхок бўлиб қолган яйловдай гап.
 Суз шўр бўлиб кетган, балиқлар ҳам
 худди ют йили яйлов қидириб изғиб
 кетган молдай чучук сув излаб
 кетишади. Манави шўрлик балиқчи-
 лар эса, ўша чучук сув излаб питраб
 кетган балиқларини овлайман деб
 олти ой ёз бола-чақасини кўрмай
 сарсон-саргардон бўлиб юришибди.
 Улар ҳалигина кириб келган одам-
 дан овулининг, бола-чақаларининг
 аҳволини, соғ-омонлигини сўрагани
 ҳам йўқ. Уртадаги буғи чиқиб турган
 қозонга кўзлари турт бўлиб ўтири-
 шибди. Қозонга бирдан жон кирди:
 вақиллаб қайнай бошлади. Уй ичини
 бир зумда балиқ хиди тутиб кетди.
 Овулдан чиққандан бери бирор
 нарса емаган шофёр йигит шошқа-
 лоқлик қилиб:

— Агар бу балиқ тош бўлиб кет-
 ган бўлса ҳам пишиди,— деб қозонга
 бўйинини чўзган эди, ёнида ўтирган
 қорачадан келган чувәккани чол қў-

лидаги чўмичи билан бошига туши-
 риб қолди.

— Тек ўтир! Бу қанақаси, худди
 очопатга ўхшаб...

Ҳалиги кирган одам қозон таги-
 даги оловни қовлаб ўтириб, чолга
 ўғринча назар ташлади. Чол шу ат-
 рофга маълум ва машҳур бўлиб
 кетган Кўшен деган қария эди. Бир-
 оқ уни шу ерликлар феълига қараб
 «Қайсар Кўшен», кўпинча эса: «Қин-
 гир Кўшен», деб атаб кетишган.
 Унинг этнида қорақўл тўн, худди
 бировни кўрқитмоқчи бўлгандай нуна-
 лари ўсиқ, қорақўл телпақни қийшиқ
 бостириб олган. Оловнинг шуъласи-
 дан кўзлари ялтирайди. Ҳалиги одам
 унинг важоҳатидан ҳайқиди шекилли,
 дарров ундан назарини олди. Шун-
 дан сўнг Қингир Кўшен томонга қар-
 амасликка ҳаракат қилса-да, бари-
 бир унинг ҳар бир ҳаракатини таъ-
 қиб қилиб ўтирганини ўзи ҳис қилиб
 турди. Эҳтимол шунинг учундир, кў-
 сов тутган қўлига билинар-билинимас
 титроқ инди. Учоқдаги оловни қов-
 лагани сари оташқуракнинг бошида-
 ги ҳалқа қўлининг титроғидан жи-
 рингларди.

Уй ичидаги сукунат бояғидан ҳам
 оғирлашди. Буни бузмоқчи бўлиб у
 гап қотди:

— Бу томонлар совуқ экан. Худди
 кузининг қора совуғидай,— деган эди,
 одамлар унинг гапига парво ҳам
 қилишмади. Улар гўё ўртадаги қозон
 бир ёққа қочиб кетадигандай атро-
 фини қуршаб, жим ўтиришаверди.

— Тавба, ҳар ернинг табияти ҳар
 хил бўлаверар экан-да. Боя денгиз-
 нинг у томони мой эригудай илиқ
 эди...

— Буни қара-я! У томон, бу то-
 мон...— чолники кўзиб кетди.— Кел-
 май туриб, у томонни қўмсашини
 қаранглар-а...

У чолнинг қитиқ патига тегиб қўй-
 ганини сездди. Чол совуқ нигоҳини
 ундан четга олди-да, аччиқ истеҳзо
 билан гапни давом эттирди:

— У ёқ, бу ёқ, дейди-я! Тавба!
 У ёқнинг бирор нафи тегяптими? У
 ёқнинг тузқилигини биз ҳам била-
 миз. У ёқда мана бу фақирларнинг
 ҳам, менинг ҳам уйимиз, бола-чақа-
 миз кутиб турибди. Болалари эрка-
 ланиб буйинларига осилишганини
 мана шу ўтирганларнинг қайси бири
 ёмон кўради? Бу бечоралар хотин,
 бола-чақаларини кўришмаганига ол-
 ти ой бўлди. Тагин у ёқни мақтай-
 ди-я! Биламиз у ёқнинг бу ердан
 яхшилигини!

Уй ичи ҳамон жимжит. Ўтирганлар
 қариянинг ёнини олганини ҳам, қар-
 ши эканини ҳам билиб бўлмасди:
 ҳаммиси ерга қараб, миқ этмай ўти-
 ришибди. Фақат ўртадаги қора қозон
 вақир-вақур қайнар, қозон та-

гидаги ўтин чирс-чирс қилиб гурул-
 лаб ёнарди. Бу жимлик ўтирганлар-
 нинг устидан минг чандон босиб,
 эзиб тургандай. Ҳалиги одам яна
 жим ўтиришнинг иложини қилолма-
 дими, ўчоқ ёнига яқин сурилиб
 оловни қовлаб бошлади. Шу аснода
 ҳар бир ҳаракатини таъқиб қилиб
 турган Қингир Кўшеннинг кўзи унинг
 кўсов ушлаган қўлларидан эканини
 сезмади.

— Ия, мана бу бизга олов қов-
 лаб бериш учун келганми?— деб у
 ўчоқ теварағида ўтирганларга бир-
 бир назар солди.— Тилларинг бор-ку,
 айтсаларинг-чи, олов қовлаш ўзимиз-
 нинг ҳам қўлимиздан келади. Бизга
 жони ачмётган бўлса, бошқа нарса-
 лардан ёрдам қил, денглар! Устибо-

шимизгина эмас, кўксимиз ҳам
 юпун, жулдур эканини айтинглар!
 Нима бўлди сенларга, нега шалвайиб
 ўтирибсанлар!

Қингир Кўшеннинг асаби кўзиб
 кетган, аламини кимдан олшини бил-
 мас эди. Ҳалиги йигитнинг дами ичи-
 га тушиб кетди. Фақат бу ерга
 келгандан бери қимир этса ҳар бир
 ҳаракати, ҳар бир сўзидан нуқс
 топиб ўтирган ёнидаги чолга бирин-
 чи дафъа тик боқди. Тўш суяги тах-
 тадан, ориқ одам экан: баданидаги
 бутун захрини бетига йиғиб, кўка-
 риб ўтирибди. Кўзлари худди чинни-
 дай совуқ йилтирайди. Ҳали ҳам
 жаҳл устида, тили ўмгангидан ўтиб
 борпати.

— Талай-талай бошлиқларни кўр-
 ганмиз. Улар ҳам кўкрагига уриб
 вайсеб келарди. Шундай бўлса ҳам
 улар, тан олиш керак, келишлари
 билан ҳол-аҳволимизни суриштирар
 эди.

— Ҳол-аҳволингизни кўриб туриб-
 ман-ку, оқсоқол.

— Кўрган бўлсанг, дуруст. Шунга
 ҳам шукур. Осмондаги худо ҳам



Расмини Н. ИБРОҲИМОВ чизган.

бизни кўрмай кўйганига анча бўлди. Ердagi бошлиқлар ҳам кўрмай кўйдими, деб хавотирда эди, хайрият кўрибсан. Кўраб экансан-ку. Раҳмат шунгами!

Бошлиқ бўшашиб, нафаси ичига тушиб кетди. Ҳар бир сўзи бигиздай санчиладиган мана бу акс чолнинг гапларига ҳам бир амаллаб чидади. Бордию ҳозир унинг қўлидаги оташ-қуракни тортиб олиб, бошига тушириб қолса ҳам миқ этмай, чаккаси-дан оқаётган қонни қафти билан босиб ўтирверган бўларди. Узи аслида камгап эди, ҳозир эса тили бутунлай гапга келмай қолди.

— Чирогим, Едгор, келганим яхши бўлди.

Вақир-вуқур қайнаётган қозоннинг нариги томонида кимдир кўзалиб кўйди. Тутун билан буғнинг қуюқлигидан унинг юзюни кўролмаса ҳам, салмоқлиниб гапиршидан, шовилмаслигидан у одамни таниди. Сочи сариқлигию, кўзининг кўкчилигидан унга одамлар «Иван сариқ» деб ном тақашган. Уша Иван бунга оғадай яқин одам. Гапни жойида топиб, жойида гапиргани учун одамлар уни жуда ҳурмат қилишар, қулоқ солишар эди. Иван сариқ бироз ўйланиб турди-да, сўнг равои сўзлаб кетди.— Бу ёқда балиқ тутиш жудаём қийинлашиб кетди. Тўғриси айтиш керак, йағитларимиз ҳалол ишлашяпти. Кечаю кундуз тинмай, ишлари унмагандан кейин, начора, жаҳллари чиқади, бақришади. Шундай пайларда, заррача айбинг бўлмаса ҳам сенга тили тегиб кетиши табиий. «Бу ҳам бизни унутди!» деб сендан хафа бўлиб юришганди.

— Ҳой, ҳой, мана бу нима деб валдираяпти ўзи? «Заррача айбинг бўлмаса ҳам...» деганим нимадир? Нима, шунча одамни бийдай далага ташлаб, хотинчаси олдига ётиб олса... сенинг очу тўқлигиндан, ўлик-тирикчилигиндан хабар олмасан... вай ярамас-эй, шунда ҳам сутдан оқ, суздан тазе бўлганими? Заррача айбисиз бўлганими? Вай расво-ей, вай ноинсоф-ей...

— Узингиз ҳам дуч келган одамнинг ёқасига ёпишадиган бўлибсиз. Юзинг борми, кўзинг борми, демайсиз. Шунга юзга чопарлик билан одам муродига етадиган бўлса, аллақачон сиз муродингизга етган бўлардингиз.

— Вой ит-эй, биламиз сени. Бошлиқларни кўрганимда дуаингни ликиллабди, пилдираб қоласан. Ҳа, мен шунчамаман, юзинг борми, кўзинг борми, демайман. Гап келганда аяб ўтирмайман. Қадимда бошда жамонда тилини тиймаган одамларнинг бошини олса ҳам, тилини кесиб олмаган. Энди болшевигимнинг даврида нега тилини тиймай! Ҳамма гапларини колхозчиларнинг умумий мажлисида очик айтаман. Сен расво тилини кўп қитчасверма. Бошқарма туғул ундан каттасига ҳам айтаман. Уша каттасининг каттасига ҳам айтаман. Ҳўш, кўлингдан нима келарди? Тагин бир йилдан сўнг пайғамбар ёшига кирадиган чолни бир нима қила олармидинг? Агар кўлингдан келса тилини кесиб ола қол. Ма, кес! Ма... Ма...

Қинғир Кўшен ўтирган жойидан сапчиб турди. У дир-дир титрарди. Ҳозир бу тентак чол мана бу ўғли тенги йағитларнинг олдига тери чеварининг оғини кўрсатиб... шарманда қилишдан ҳам тоймайди. Нариги томонида ўтирган Иван Сариқ уни маҳкам ушлаб, олдига йиқтди. Кучи бор эмасми, қимир этказмади.

— Нақ, ўлдирман. Учир овозингни!

Уйнинг совуқлиги энди билина бошлади. Учоқдаги оловнинг ҳовури ўчоқ олдини бироз иситгани билан ён-атрофлари суюқ эди.

Едгор ҳалиги гаплардан кейин Қинғир Кўшенга қарамасликка тиришиб, нари бориб ўтирди. У бир маҳал орқа томонида уюлиб ётган ўтинга кўл чўздди. Каттагина бир шохини тортиб олиб, оловга ташлади. Уча бошлаган ўт бир лаҳзада гуриллаб ёниб, теварақда ўтирғанларнинг изғирин ва шамолдан қорайиб кет-

ган юзларини ёритди. Қоққондан буг чиқётган қозоннинг нариги томонида ўтирган яқин биродарининг афт-ангорини энди кўрди. Анчайинда укидай сап-сарик бўлиб кўринадиган бу одам ҳозир оловнинг ялиғиданми ё вазиятнинг кескинлигиданми, ҳар қалай қизариб-бўртиб кетибди. Айниқса соқоли, мўйлови, қоши қизарган, худди эриб турган жезга ўхшайди.

— Едгоржон, у ёқда аҳвол қалай?

— У ёқда ҳам балиқ ҳа деб ду-мининг ликиллаётганини йўқ.

— Бирданга йиғирма беш хонадон кўчиб кетди, деб эшитдик. Бор гапим шу!

— Бор гап. Ҳозир ҳам одамлар битта-битта кўчиб-кетиб турибди. Сийрақлашиб бораёلمиз.

— Тирикчилик шунга қийинлашиб бораверса, кўчмай иложи қанча. Оғиз қимирламай турса, қуруқ ота макон озиқ бўлармиди? Сабрининг ҳам чегараси бўлади,— деди Сариқ Иван чопонининг боялари билан оёқларини ёпаркан. Боядан бери совуқ туюлган уй ичи гап қовушганига, сал илгандай бўлди. Едгор қоракую кўсовни яна кўлига олди. Чирс-чирс қилиб тутаб ёнаётган ўт қайта қовланганига, баралла гуриллади. Қинғир Кўшен шунда ҳам миқ этмади. Бўлаётган гаплардан асаби кўзиб, оловга яқинроқ силжиган эди, жундор кўкраги очилиб қолди.

— Бўлди-е, қовлайверма. Балиқ кўп қайнаса титилиб кетади!

Ҳалиги одамнинг қўлидан кўсов тушиб кетди. Узоқ йўл азобини сезгандай, бошини ҳам қилиб ўтириб қолди.

— Ҳўш... Энди бу ерда қанча кун бўласан?— деб сўраб қолди Қинғир Кўшен. У Едгорнинг жавобини кутиб турарди.

— Меним?

— Ҳа, сен. Бу ерда қанча кун бўласан, дегилман!

Учоқ теварағида ўтирганлар ҳам: «Қани, бу саволга нима деб жавоб берар экан!» дегандай унга хўмрайишиб тикилиб туришарди. Шу пайт кўнглида: «Мана булар ўз кўнглидаги гапни чол орқали сўраётганини йўқми?» деган шубҳа туғилди. Агар шундай бўлса, бу гап ҳаммасининг кўнглида бор экан-да. Томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Аста Сариқ Иванга қаради, у ҳам индамай ерга қараб ўтирар эди. «Ҳа, тулки. Сариқлиги ҳам худди тулкининг ўзи! Тулки бўлмаса улар томонга оғиб кетармиди? Худди бекинмачоқ ўйнаётган боладай, қувлик-шумлигини бошқа биров орқали билдириб, қора қозоннинг панасига кириб, буёиб ўтирганини қара буларнинг».

Жаҳли чиқиб кетди. Айтадиган гапи ҳам бўғизига тикилиб қолди. Осмон кўлларида бўлса, ташлаб юбора қолишсин. Ҳозир: «Эртага кетаман», деб гапнинг ростини айтади-қўяди. Айтай нима, қўрқармиди? Бақизодга, эртага қайтиб келаман, деб ваъда берган. Уша ваъдаси — ваъда! Айтадиган авани қинғир чолга айтади. Майли, шивадай йалтираб турган совуқ кўзларини қаёдас қаёдайверсин. Бари бир айтади, «бир кун тунгайману қайтаман», дейди. У шу гапни айтмоқчи бўлдию, бироқ журыят қилолмади. Нега журыят қилолмаганини ўзи ҳам билмади. Қалитина осон туюлган бу гап, негадир оғзидан чиқмай қолди.

— Ҳа, тушунарли... Қани, йағитлар, балқини олинглар! Энди пишгандир. Бошлигимиз қайтадиган кўринадди. Йўлидан қолмасин. Қайтсин! Овқатланб кетадими ё шундай кетадими, ихтиёр. Илтимос, чирогим, қачон қайтсанг ҳам хотин, бола-чақаларимизга салом айтиб кўйгин. Тирик юришибди, дегин. Ҳозирча эсон-омон юришибди, де!

Едгоржон бу заҳарли гапларга чидаёлмай ўридан учиб турдию, нима гапчилигига тушунолмай анграйиб қолган одамларнинг юзларига қарамасликка ҳаракат қилиб, ташқарига отилди.

Қозоқчадан
Носир ФОЗИЛОВ таржимаси



Пўлат МҮМИН

ОЛИЙ РЕЖАЛАР

(ҚУШИҚ)

Одатдир бизларда эртани кўзламоқ, Юраклар зовқидир эртадан сўзламоқ. Янгилик, яхшилик яратиш ишқи бор, Шарофдир нурафшон истиқбол изламоқ.

Нақарот:

Партия тузади олий режалар,
Кўнгилга тушади олий режалар,
Энг одил режалар, олий режалар,
Режалар, режалар, олий режалар!

Етурмиз доимо мақсаду армонга,
Бустонлар кўшурмиз бепоён Бустонга.
Улуғвор пойдевор яратди мустақкам,
Чаманзор аталган заминку замонга.

Нақарот:

Кўнгилда Ленинча матонат, ирода,
Режалар орзумиз этмоқда ифода,
Сафарда, сафарда бардам илдамми,
Бахтимиз кундан-кун бўлмоқда зиёда.

Нақарот:

Партия тузади олий режалар,
Кўнгилга тушади олий режалар,
Энг одил режалар, олий режалар,
Режалар, режалар, олий режалар!

Шифокорнинг ширин сўзи

Шифокорда бўлармикан меҳрингё?
Беморларга бахш этаркан соғлиқ-дево.

Юрагимни тинглаб кўрди чин юракдан,
Уйлаб қолди бирор сирин билганмаю.

Ажиб ғазал тинглаганга солди ўзини,
Е қалбимдан эшитдим қўшиқ-наво!

Яхшиликдан гап бошлади маромида,
Юрак торим созида ҳеч йўқмиш хато.

Мўмин бўлиб англаб олдим насихатин,
Энг аввало ширин сўзи берди шифо.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими,
Ғафур Гулом номидаги муқофот лауреати, болалар шоири
Пўлат МҮМИН 60 ёшга тўлди.
Туғилган кун билан уни чин юракдан муборакбод этамиз!

ЁДИМДАДИР АЛЛАНГИЗ

Онажоним, аллангиз
Ҳамон-хамон ёдимда.
Тургандайсиз ҳамиша
Меҳр сочиб ёнимда.

Орзу тўла аллангиз
Қизингизга дарс экан.
Алла айтиш азалдан
Оналарга фарз экан.

Етгандайман, онажон,
Оналикнинг қадрига.
Қуйилмоқда аллангиз
Жигарбандим қалбига.

Оналарнинг алаиси
Оҳ, шунчалар давоми!
Таралмоқда қалбимдан
Аллангизнинг давоми.

ОҚ ПАХТАМ, ОҚ ОЛТИНСАН

Шон-шарофсан, бойликсан,
Оқ пахта — оқ олтинсан,
Гуллардан чиройликсан,
Оқ пахта — оқ олтинсан.

Экилдинг чигит бўлиб,
Барг ёздинг қулиб-қулиб,
Очилдинг тўлиб-тўлиб,
Оқ пахта — оқ олтинсан.

Шоқчаларда шамалоқ,
Лиммо-лим юлдуз-чаноқ,
Сен бахтимсан қўшалоқ —
Оқ пахта, оқ олтинсан.

Азизликда нон мисол,
Лазизликда жон мисол,
Азизликда қон мисол —
Оқ пахта, оқ олтинсан.

Ҳисса қўшиқ бир ёндан,
Ошдинг олти миллиондан,
Хирмон юксак хирмондан,
Оқ пахта, оқ олтинсан.

Сен кўшга қиёссан,
Мўъжиза — оқ зибёсан,
Энг олий мударросан,
Оқ пахта — оқ олтинсан.

КИТОБЛИК МУНАЖЖИМЛАР

Космонавтлар, Ер сайёраси фаздан жуда гўзал кўринади, дейишди. Бу табиий. Сайёраимизда беқис ақл-заковатли улуг зот — бунёдкор инсон яшайди. Ердаги барча гўзал ва нафосатли нарсалар инсон идроки билан бунёдга келган.

Инсон Ерда яшайди. Бироқ ҳамма вақт коинот ва унинг сирлари ҳам уни қизиқтириб келади. Одамлар қадим-қадимлардан Ер ва само жисмларининг жойлашишига, уларнинг ҳаракатига қизиқиб келади. Ана шундай қизиқишлар оқибатида инсонлар орасидан шундай даҳолар етишиб чиқдиларки, улар юлдузлар сирини билишга, коинотдаги самовий ҳазиналарни ҳисоб-киتاب қилишга интилдилар. Қадимги юнон файласуфи Батлимус (Птоломей), Гепарх ва буюк ўзбек астрономи Улугбек ана шундай улуг зотлардан эдилар.

Улугбекнинг астроном сифатидаги кашфиётлари бутун жаҳонни ҳайратга солди. У XV асрда Самарқанд шаҳри яқинида ҳали жаҳонда мисли кўрилмаган обсерватория қуриб, юлдузлар оламини шунчалик чуқур ва тўлиқ таҳлил этдики, унинг муваффақиятлари бутун дунё астрономларининг эътиборини ўзига тортиди. 1648 йилдаёқ Лондонда Улугбек томонидан ўрғинилган 98 та юлдузлар каталоги чоп этилди. Орадан ўн етти йил ўтгач эса, 1665 йилда Оксфорд университетининг китобдори, шарқшунос ва таржимон Томас Хейд форс ва лотин тилларида улуг ўзбек астрономининг 1018 та юлдуз таҳлилга бағишланган машҳур «Зижи Курагоний» асарини «Улугбек кузатишлари бўйича тургун юлдузларнинг кенглик ва узунлик жадалли» деган номда тайёрлаб нашр эттирди.

Улугбек сайёралар сирини ўрганиш билан ёлғиз ўзи шугулланмади, албатта. Унинг ёнида Гўвсиддин Жамшид Кошии, Мусо Қозизода Румий сингари истеъдодли сафдошлари бор эди. Сафдошлари вафот этгач эса, ноёб истеъдод эгаси, земонамизнинг Батлимуси деб ном олган Аловиддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Улугбекнинг содиқ ёрдამчиси бўлиб қолди. Маълумки, Али Қушчи асли Шаҳрисабз даҳасидан эди. Шаҳрисабз мўғуллар юришигача Кеш деб аталарди. Улуг олимнинг лақаби ҳам юртига нисбат берилиб Али Кешчи дейилган. Бора-бора бу ном Али Қушчига айланиб кетган. Ҳозир ҳам ҳамюртлари улуг юртдошига чексиз ҳурматларнинг рамаи сифатида Шаҳрисабз шаҳридан 20—25 километр юқори — тоғ орасидаги қишлоқни Али Қушчи деб аташади.

Ривоят қилишларича, Улугбек рўҳонийлар томонидан Самарқанддан таъқиб қилинган, у бир неча минг томдан иборат бебаҳо китоблар хазинасини Али Қушчига қолдирган. Али Қушчи эса Улугбек кутубхонасини туяларга юклаб, яширин равишда Тахтиқорача домини оша келтириб, ўз қишлоғи атрофига беркитган. Бунинг сабаби шундаки, ўша даврда Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари ҳам шарқ илмий тафаккурининг марказларидан саналарди. Бу шаҳарларда ҳам илм-фан, илмий тафаккур дунёси билан астойдил қизиққан олимлар бор эди. Ҳозир Китоб шаҳрига яқин жойда улкан Хўжайилмикон биносининг қолдиқлари мавжуд. Хўжайилмикон ўша даврда ўзига хос академия бўлиб, унга екли доңишлар уюшганди. Айни вақтда Хўжайилмикон Арманистондаги қадимги машҳур Матендариан кутубхонаси сингари вазифани ҳам бажарган, деган фаразлар бор. Эҳтимол, Али Қушчи келтирган кутубхона худди ўша жойга беркитилгандир...

Шу нарса шубҳасиз қонунийки, ҳозир Али Қушчи қишлоғи ва улкан Хўжайилмикон биносининг қолдиқларидан сал нарида — Китоб шаҳрининг чеккароғида Иттифоқимизда ягона Улугбек номидаги Халқаро Кенглик астрономия станцияси ишлаб турибди. Бундай халқаро астрономик станцияни ташкил этиш зарурияти Ернинг шақлан юмалоклиги ва маълум даражада кўтбий ялпоқлиги билан боғлиқдир. Маълумки, Ернинг энг калта кўтбий диаметри энг узун бўлган экваториал диаметрдан атиги 40 километр оздир.

Ота-боболаримиз дастлабки тараққиёт даврларида Ер шари қуёш атрофида бир йилда, яъни 365 кунда тўлиқ бир марта айланшини ҳисоблаб чиққанлар. Бундан таққари, Ер бир кеча-кундузда ўз ўқи атрофида ҳам бир марта тўлиқ айланади. Ернинг Қуёш атрофида айланиши билан йил фаслларининг ўзгарishi кузатилади.

Кўтбларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўтган аср охирида бу ҳаракатни мутлақ ўрганиш зарурияти туғилди. Бу фақат назарий қизиқиш уйғотибгина қолмасдан, картография билан, аниқ вақтни ва бир қатор геофизик вазифаларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган геодезик ишларни амалга оширишни тақозо этди. Худди мана шу зарурат туфайли Халқаро Кенглик хизмати юзга келди. Худди юқоридагидек хизматни ўташ учун дунёда бешта шундай станция: Япониянинг Мицүзаве, Италиянинг Карлофорте, АҚШнинг Гейтсбергер ва Юкайя ҳамда Совет Иттифоқининг Китоб шаҳрида ташкил этилди.

Ўзбекистон ССР маорифи Комиссариати 1925 йилнинг 16 декабрида Улугбекнинг Самарқанд обсерваториясида улуг астроном фаолиятининг 500 йиллигини тантанали нишонлади. Тантанали мажлисда профессор М. Ф. Субботиннинг тақдир билан мазкур юбилейни Ўзбекистон территориясида Улугбек номидаги

Халқаро Кенглик станциясини таъсис этиш билан нишонлашга қарор қилинди. Ана шу таразда республикамиз харитасида 39°08' параллелда жойлашган Китоб районида буюк астроном номи билан аталган тарихий астрономик станция ташкил этилди. Бунинг учун дастлаб махсус бино қурилди ва унга Германиянинг Бамберг фирмасидан келтирилган зенит-телескоп ўрнатилди.

Республикамизнинг жанубида ҳали босманлар ҳуружи тўхтамаган ўша шароитда станция қурилиши жуда оғир кечди. Ички душман турли йўллار билан социалистик қурилишга ҳалақат беради, станция қурувчиларининг ҳаётига ҳаф солар эди. Бир кунда тикланган бинони босманчилар бир тунда вайрон қилар, қурилишни яна қайтадан бошлашга тўрғи келар эди. Лекин жамиятимиз тараққиётидан маълумки, ҳеч бир ички ва ташқи душман социалистик қурилишимизга ҳалақат беролмаганидек, Ватанимизнинг чекка бир бурчагида астрономияни ривожлантириш ҳам гов бўлолмади.

Китоб Халқаро Кенглик станциясининг қурилишини чет муҳолифларининг ҳам унча хуш кўрмадилар. Базми капиталистик мамлакатларнинг матбуоти: «Советлар маданиятдан узоқда бўлган чекка жойда астрономик кенглик станцияни қураимиз деб беҳуда уриммоқда», деб жар солдилар. Бироқ бадхоҳларнинг бу уринишларига қарши ўлароқ Китоб Халқаро Кенглик станцияси қурилиб тамоланди. Буюк бобомиз Улугбек номи билан аталган бу станция космик фазо — юлдузлар ҳолатини ўрганишга қиришди. Станциянинг илмий ходимлари қўлга киритган ахборотлар кўтблар ҳаракатини кузатаётган бошқа халқаро марказлар учун ҳам қўл келди.

Китоб Халқаро Кенглик станцияси ташкил этилгандан бери бу ерда астрономия фани учун қимматли ишлар ва кашфиётлар қилинди. Маса-


лан, профессор Г. Н. Неуймин мазкур станцияда кузатиш олиб бориб, ўзи кашф этган кичик сайёралардан бирини республикамиз номи билан «Ўзбекистаня» деб атади. Бу сайёра 1351-номер билан Халқаро каталогга киритилди. У бугун республикамизнинг Қуёш системасидаги раъсий вакили бўлиб турибди. Шундай қилиб, буюк астроном аждодимиз Улугбек номи билан боғлиқ бўлган ажойиб аъна унинг юртдошлари томонидан муваффақиятли давом эттирилмоқда. Дўғримизнинг ёш астрономлари Батлимус, Гепарх ва Улугбек тузган каталоглар бўйича юлдузлар ҳолати ва ҳаракатини ўргана бошладилар. Китоб Кенглик станциясидаги мунажжимларнинг иши билан мамлакатимизнинг атоқли астрономлари (масалан, Тошкент обсерваториясининг директори, академик Владимир Петрович Шчеглов) яқиндан қизиқиб, уларга амалий ёрдამ кўрсатдилар. Мамлакатимизнинг машҳур астрономлари, академиклар В. Г. Фененков, Л. А. Арцимович, СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзолари М. С. Зверев, Ю. Д. Буланже, Париж обсерваториясининг академиги А. Данжон, машҳур голланд олими, академик М. Миннарт, Манчестер университетининг профессори Э. Коппал ва бошқалар турли вақтларда Китоб Халқаро Кенглик станциясида бўлдилар ва унинг иши билан қизиқдилар. Ҳажмасб олимларининг бу урчушлари станция ходимлари учун ҳам, меҳмонлар учун ҳам фойдали бўлди. Улар станцияда жаҳон астрономларининг илғор усуллари қўлланилаётганини ва буюк юртдошимиз Улугбекнинг оламшумул муваффақиятлари қадрланаётганини кўрдилар.

Китоб Кенглик станцияси коллективи мамлакатимизда ва чет элларда ўтказилаётган барча астрономик тадқиқотларда фаол қатнашмоқда. Масалан, станция ходимлари Халқаро геофизика йил программаларида кўзда тутилган тадқиқотларда актив қатнашдилар. Шу муносабат билан мазкур масалаларга бағишланиб Китоб Кенглик станциясида икки марта — 1964 йилда кенглик муаммолари бўйича, иккинчиси 1970 йил октябрида астрономияда қўлланиладиган координатлар системасининг тузилиш проблемалари бўйича Бутуниттифоқ йиғилишлари ўтказилди. Бу кенгашлар жаҳон астрономлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Астрономларнинг 1970 йилги Бутуниттифоқ кенгаши тамомланиши арафасида Китоб меридианини мустақамлаш мақсадида — 39°08' Халқаро Кенглик параллелини раъсий мустақамлаш маросими бўлди. Мисдан 39°08' рақамлари битилган мармар лавҳа тайёр бетон монолитга ўрнатилди. Бу нарса Улугбек номидаги Китоб Халқаро Кенглик станциясининг салмоғи ва унинг астрономия фани тараққиётига қўшган муноси ҳиссасининг яна бир расмий эътироф этилиши эди.

Ҳа, Улугбек номидаги Халқаро Кенглик станцияси муттасил ишлаб турибди. Унинг зийрак мунажжимлари юлдузлар дунёсини синчковлик билан кузатмоқдалар. Эҳтимол, улар бугун ёки эртага ўрта асрнинг буюк астрономи Улугбек хотирасига яна битта янги кашфиёт очадилар ва бу билан совет фанимизни ноёб илмий ангилқлар билан бойтадилар.

Мамлакатимизнинг шонли 60 йиллик тарихи бошқа ўйлаб илмий муассасалар каби Китоб Халқаро Кенглик станциясининг тараққиётида ҳам юқсалиш босқичи бўлди.



Китоб Кенглик станциясининг кузатувчи инженери Мақмуд Муродов иш устида.

Ш. Шаропов фотоси

«АВЕСТО» ВА ТАБОБАТ

Раҳим РАҲИМОВ,

врач, Хива шаҳар марказий касалхонасининг бўлим бошлиғи

Маълумки, «Гулистон» журналининг шу йил еттинчи сонда Г. Акромовнинг «Авесто тақлиқлари» мақоласи билан журналхонлар танишган эдилар. Ҳақиқатан ҳам Урта Осиёда истиқомат қилган қадимги аждодларимизнинг эрамиздан олдинги VI асрларда бунёд этган ноҳар ва ноёб асарларидан бири ҳисобланган «Авесто» тўғрисида кейинги йилларда анча маълумотга эга бўлмоқдамиз. Биз мазкур мақолада «Авесто»да ўз аксини толган медицинага оид фикр-мулоҳазалар устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бутун дунё тарихчиларининг бу соҳадаги кўпчилиги асарларида эрамиздан III—II минг йил илгери Урта Осиёда жойлашган Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент давлатларининг барча илм-маърифат соҳаларида эришган муваффақиятлари қадим Шарқда илк бор ривожланган Месапотомия, Эрон, Греция ва Хитой, Ҳиндистон давлатлари билан бир қаторда турган дейилади. Шундан маълумки, бутун жаҳон маданиятининг ривожланишида Урта Осиё халқларининг қўшган ҳиссаси бағоят каттадир. «Авесто» асарида ёзиб қолдирилган маълумотлар бунга гувоҳлик бера олади.

Биз асосий мақсадга ўтишдан олдин «Авестонинг ўз ташдан Урта Осиё халқлари ўртасида иккинчи бор рўйбга чиқиши ва қайта ўрганилишига оид тарихдан қисқача сўзлаб ўтмоқчимиз. Ҳозирда ҳеч шубҳа йўқ, «Авесто» китоби эрамиздан олдин 530 йилда Зардуштий томонидан ёзилган. Кўп манбаларда Зардушт ёки у оташпарастларнинг пайғамбари деб ҳам юритилади. Маълумки, 712 ва 716 йиллар орасида араблар бутун Урта Осиёни ўзларига бўйсундирадilar ва бу ердаги халқлар сийнадиған оташпарастлик динини бор қўқлар билан йўқ қилиб, унинг ўрнига ислом динини мажбуран қабул қилдирадilar. Берунининг маълумоти беришича, Араб Абу, Аббос иби Муслим-аль Бахли Хоразмин забт этган, халқ ўртасидаги бутун илмий асарларга, масжид ва мадрасаларга ўт қўйдирадilar. Ҳатто билимларни ёдига сақловчи барча олим у доноларни ўлдирдирадilar. Бинобарин, у: «Бу ишни кўп вақт кетида қолмай давом қилдириди, натижада халқ ўзидан олдин ўтганлардан беҳабар қолди, тез орада илмсизлик ҳукм сурди ва ўтганларнинг биронга эслоҳчи одам қолмади»,— дейди Абу Райҳон Беруний. Ана шу фожиали аҳвол натижасида ўртаосиёликларнинг барча ноҳар ёдгорликлари билан бирга «Авесто» ва унда талқин этилган барча урф-одат ва диний эътиқодлар йўқолиб, ўзгариб кетганиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Араблар Эронни Урта Осиёдан илгари ишғол этган эдилар. Бу ерда воқеа бошқачароқ кечган, яъни

араблар эронликларга ўз ҳукмини ва ислом динини ўтказётган бир вақтда ислом динига бўйсунмасдан 100.000 га яқин эронликлар ватанларини тарк қилиб, Ҳиндистонга кўчадилар. Маълумотларга қараганда, Бомбей атрофида ҳозиргача уша эронликларнинг авлодлари яшаб келади ва улар ҳанузгача ўз урф-одатларига содиқдирлар. Ана шулар «Авесто»ни сақлаб қолганлар. Афрусий, ватанимизда «Авесто» ва оташпарастлик тўғрисида токи Улуг Октябр революцияси галабасгача биронга тўлиқ маълумот бўлмаган. Фақат кўпмиллатли СССР халқларининг иккинчи она тили ҳисобланган рус тилининг шарофати билан ва шу тил орқалигина баъзи маълумотлар бизга етиб келди ҳамда ўтмишимизни аниқлашга имконият яратилди.

С. П. Толстовнинг 1932 йилдан маълум қила бошлаган қадимий Хоразм археологияси-этнографиясига доир маълумотлар, В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, И. Ю. Крачковский, В. В. Струев каби олимларнинг илмий изланишлари «Авесто»га тааллуқли кўпгина бадиий адабиёт тўплашга сабабчи бўлди. Ҳозирда ўлкамизда бу соҳада илмий кузатиш олиб бораётган олимларимиз жуда кўп. Улар «Авесто»да тилан этилган аждодларимизнинг барча қимматли меросини ҳар томонлама кўнл билан ўрганмоқдалар.

Яна шуни ҳам қайд этиш керакики, «Авесто» асарининг барча илмий асосини ўрганши европалик олимлар томонидан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Кунларнинг биринида ёш француз йигити Анкител де-Перрон кутубхонага келиб, бир чеккага йиғиб қўйилган жуда қалин катта китобларга кўзи тушади ва бу китоблар унинг диққатини ўзига жалб этади. Китобнинг қоғозлари ўзгача бўлиб, ёзувлари ҳеч тушуниб бўлмагач қандайдир нотекис чиқишларга ўшарди. У кутубхона раҳбарига мурожаат қилади, бошлиқ унга бу китоб қандайдир эрон-ҳиндларнинг диний китоби, унинг ҳеч қандай даҳли йўқлигини айтиди.

Лекин Де-Перрон бунга қаноат ҳосил қилмай, кўп машаққатлар чекиб, 1755 йил Ҳиндистондаги оташпарастлар маконига боради, 1761 йили Францияга қайтиб келиб, биринчи марта француз тилида 1771 йили «Зенд-Фанто» асарини босмадан чиқаради. Ана шу даврдан эътиборан дунё микёсида катта шов-шув кўтариллиб, барча тарихчилар, шарҳунослар, тилчилар, диний эътиқодни ўрганувчилар ўртасида бахслар пайдо бўла бошлади. «Авесто» Европа тилларига бирин-кетин таржима қилинади. Уни 1864 йилида инглиз тилида Генри Биш, немис тилида Шпигел Герман уч томлик қилиб, К. А. Кассович 1848-67 йилларда лотин ва рус тилида нашр қила-

дилар. Юррида айтганимиздек, Урта Осиё халқларига эса VIII асрдан бошлаб революцияга қадар бу китоб сир бўлиб қолади.

Энг қадимий бу китоб Е. Э. Бертельс фикри билан айтганда, фақат оташпарастларнинг диний эътиқоди бўлмасдан, балки катта тарих, уша даврда яшаган халқларнинг урф-одатлари, феъл-атвори, турмуш-тажрибалари, дехқончилик, чорвачилик, жамоат ишлари, табобат, бола тарбияси, кесалик каби жуда кўп муҳим маълумотлар манбаидир. Айниқса, китобдаги энг диққатга лойиқ жиҳатлардан бири унда табобат масаласига алоҳида эътибор берилганлигидир. Тўғри, китобда табобатга бағишланган махсус бўлим бўлмасда, Вендидат қисмига киритилган 22 бобнинг даяри ҳар бирида ўз даврининг табобатга оид масалалари кўтарилган. Унда боблар фарғард деб юритилади. Ҳар қайси фарғард йирки бир масалани ёритишни кўзлайди. Биз шу 22 боб мазмунини билан журналхонларни таништириб ўтамиз.

Биринчи фарғард: инсонлар истиқомат қилаётган Охура Мазда, яъни худо томонидан илк марта яратилган 16 та ўлканинг географик муҳити қисқача изоҳланади. Шулардан биринчи ўлка ҳисобланган Айрян-Важ [Хоразм] таърифланади.

Иккинчи фарғард: Яйма-Жамшид подшоҳи тўғрисида ҳикоя қилинади. Абдулқосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сида «Авесто»даги шу маълумотдан фойдаланади. Машхур шарҳунос С. П. Толстов маълумотига қўра, Жамшид Хоразмининг дастлабки подшоҳи бўлган одам экан: «Жамшид биринчи подшоҳлардан... У ҳайвонларни ишга ўргатиб инсонни яратган, инсонларни ҳарбий, дехқон, ҳунарман, илми кишилардан иборат тўрт гуруҳга бўлган илк подшоҳлар...»

У илми ҳикоят орқали гиёҳлар сирини ўрганган ва гиёҳлардан Муш-Анбар, Сабур олиб, касаллик ҳамда дарду балолардан кутқазиш чорасини топган, ажал йўлига гов қўйиш туфайли табиблик ҳунарини бунёд этган...

Учинчи фарғард: инсонлар қувончи, гам-ғуссаси, ҳаётлигида бошидан кечирадиган қийинчиликлар, уй-жой таррадууди борасида сўз юритилади. Азоб-уқубатни енгишда сабот, чидам, бардош топиш чоралари ахтариш жумбоғи ўртага ташланади. Табобатнинг энг муҳим соҳаси — гигиенага риоя қилиш учун қақрилади. Чунонки, иссиқ Урта Осиё шароитида ўлқини у ёки бу жойга қўйиш, ҳар томонга ташланган мурдаларни тозалаш усуллари ёзилган. Маълумки, иссиқда мурда тез бузилади, шу сабабли унинг теварак-атрофга хавфли эканиги ҳақида қаттиқ оғохлантирилади.

Тўртинчи фарғард: ҳар бир киши ўз сўзининг эгаси бўлиб, бировга берилган аҳду паймони бузмаслиги, асарда ваъдага вафо қилмаслиқ натижасида келиб чиққан низо ва кўрилган жазо, киши танасига этказилган жароҳат ҳамда унга тўланадиган жарима, шунингдек, тўғри ўқитиш, таълим-тарбия бериш, ёлгон ваъда ҳамда худо олдидаги гуноҳкорлик каби масалалар ёзилган.

Бешинчи фарғард: кишларнинг ҳар хил гуноҳларга йўл қўйиши ва бу айбдорликлардан қўтулиш чораси ёзилган.

Олтинчи фарғард: табибларини синиш, уларнинг хизматига тўланадиган ҳақни белгилаш. Ҳақ асосан қўй, эчки, сиғир, Ҳўкз, от, тўя каби тирик қимматга эга бўлган моллардан белгиланганлиги, одамлар пул-буом итиро этмаганлигидан далolat беради.

Еттинчи фарғард: ўлик кўмиш учун сағана ёки даҳмани қандай қўриш кераклигини, шунингдек, ўлқини даҳмага қўйиш — сағид, яъни ўлик олдидаги от олиб ўтиш маросими ва бошқа тадбир-чоралар тўғрисида фикр юритилади.

Саккизинчи фарғард: Баҳ-

ром оловини мадҳи тўғрисида.

Тўққизинчи фарғард: катта тозаланиш ва танга поклик маросими — «Баршим» деб аталувчи тўққизинчи кечага оид удуллар.

Учинчи фарғард: одам рўҳига таъсир этувчи дев-парилар, инсу жинсларни даъф этадиган сўзлар хусусида тушунча берилади.

Ун биринчи фарғард: ўлқини аза тутиш маросими қондалари.

Ун иккинчи фарғард: қандай усул билан гатлар орқали поклик маросимини ўтказиш таъриф этилади: ҳафталик, ҳар кунлик ва ҳар соатлик.

Ун учинчи фарғард: вафодорлар ёки итларга бағишланган. Итларнинг ҳар хил насли, уларнинг одамларга келтирадиган фойдаси, итларни парвариш қилиш, уларнинг касаллиги, одати, феъли ҳақида бирма-бир тўхталанади. Шунингдек, боб охирида итларга мадҳия ўқилади.

Ун тўртинчи фарғард: жоиворларни бесабаб ўлдирган одамларга берилмадиган жазолар.

Ун бешинчи фарғард: беш ўлим жазоси ёки бегуноҳ тузилган чалоқонни, шунингдек кучуқларни ўлдирганлар жазоси ёзилган.

Ун олтинчи фарғард: Аёл киши билан эр киши ўртасидаги муносабатлар, уларнинг оялғи [ҳаёз] келган пайтдаги муаммолар, хотин киши бундай вақтда нима қилиши кераклиги, қандай покланиши, овқатланиши, дам олиши ва юриш-туришига оид қондалар.

Ун еттинчи фарғард: соч ва тиروقни кесиш тартиби, уларни тўғри келган жойга ташламаслик тартиб-қондалари. Шунингдек, ҳафтанинг маълум кунин ва соатда бу киши бажариш кераклиги ёзилган.

Ун саккизинчи фарғард: ҳақиқий ва ёлгончи фирибгар олимлар тўғрисида.

Ун тўққизинчи фарғард: табиб-ҳақимнинг ҳолати ва унинг табобат соҳасидаги хизматига таъриф.

Йигирманчи фарғард: Охура Мазда мадҳи ва ўша даврдаги маълум касалликлар ном.

Йигирма биринчи фарғард: кишига малҳам, даво бўладиган сувлар ҳақида, барча дуо ва сўз орқали даволаларнинг таърифи, ҳомилодор аёлларнинг барча гуноҳларини даъф қилувчи омиллар тўғрисида.


Йигирма иккинчи фарғард: Охура Мазданинг инсонга юқадиган касалликларга ва улардан қандай сақланиш усуллари таърифи берилган.

Шундай қилиб, атоқли рус олими Е. Э. Бертельс ибораси билан айтганда, «Авестонинг Вендидат қисмида диний эътиқодларга нисбатан озодаллик, тозаллик, табобатга ва фан тарихига оид қимматли материаллар кўп.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, «Авесто» асаридаги оташпарастлик ёлғиз диний эътиқодни мадҳ этмасдан, асар ёзилган даврдаги одамларнинг табиат тўғрисидаги тушунчалари, фалсафий қарашлари, дехқончилик, чорвачилик, уй-оила, табобат — барчаси бир-бирига узвий жинслашиб кетган.

Асар замирида дунё бунёд бўлиши билан инсонларнинг икки қарама-қарши куч, яъни икки ака-ука — ёвузлик ҳудоси Аҳриман билан эзгулик тангриси Охура Мазда ўртасида домий кураш кетиши, ҳаммаша эзгулик ҳудоси енгиб чиқиши таъкидланади. Ана шу принципга асосланиб, табобат ёвуз Аҳриман ўзининг инсу-жинс, дев-парилари билан кишига шикаст етказса, бари бир эзгу Охура Мазда унга қўёш, сув, кўкатлардан даво топиб, голиб чиқади, хасталик ва дардин енгади, деган умид боғлайди. Умуман, инсоннинг ақлу заковати табобатдан хасталикка қарши даво топади, деган фалсафа «Авесто» асарининг тўб мағзидир.

Ончалар



Ончалар, меҳрингиз қуёшга қиёс,
Мусаффо бағрингиз осмонча кенгдир.
Сочингиз оқи бу, кўзимиз оқи,
Барқарор умрингиз ҳаётга тенгдир.
Ақлу заковатда яғонасизлар,
Мушфиқ, меҳрибону заҳматқаш, ҳалол
«Оламни бешикдай қучолган қудрат —
Ҳа, сизлар»,— деб айтсак, эрзир
бемалол.

Онасиз. Узингиз жигарпорасин
Сийна сути билан боқиб, улғайтган.
Тинчини минг бўлиб, уйқули кўз-ла,
Тунларни эритиб аллалар айтган...

Кўнглимиз уйининг тиргаги — сизлар,
Сизлар, турмушимиз файзи, кўрки ҳам.
Сизлар бор экансиз шодлик биз билан.
Зинҳор ёнимизга йўлламайди ғам.
Ҳар ерда ҳамиша мададоримиз,
Белга белбоғимиз тортиб боғлаган.
Жангларга кузатиб, гар қайтолмасак,
Дардин ичга солиб бағрин доғлаган.
Танҳо оналарсиз, дилқаш ва дилбар
Умрини фарзандга бахшида қилган.
Бизни то вояга етказгунгача,
Минг кўйда қоқилиб, минг бир

йиқилган.

Додир оналарсиз, ҳимматли, саҳий,
Оламга одамни яратган, улуг.
Сизларнинг беназир оналингиз —
Олдида таъзим-ла қиламиз қуллуг.
Фарзандин меҳнатга ўргатган ҳам сиз
Қўлларин қабартиб мурғак ёшидан.
Сизнинг тарихингиз қадимдан қадим,
Балки бошлангандир ўчоқбошидан!..
Бугун нималарга эмассиз қодир,
Ақл бовар қилмас мўъжизакорсиз.
Қуёш нури каби равшан, татирли
Ҳар ерда ҳар бир иш устида борсиз.

Эзулик

Ўзбекнинг удуми ўзлгин эмас,
Элу юрт тинчлигин сўрар қадимдан.
Кекса-ёш, таниш ҳол сўрашганида:
«Соғ-омон бормилар, деймиз,
қадрдон!»

Аваллам ёру дўст биродарларнинг
Саломат бўлмоғи — бу катта бойлик!
Муборак айёмда тинч, омонлик-ла
Ҳамиша хотиржам юз кўришайлик!
Давраимиз тўлсини тўкилмасин ҳеч,

Шодликдан бошқани билмасин бошлар.
Ували-жували, табаррук бўлиб,
Юрайлик эртага бугунги ёшлар!
Ишимиз олчидан бери бўлмасин,
Меҳнатдан бахт топиб зафар қучайлик.
Пахтазор кўкида рекорд ҳосилининг
Янги фазокори бўлиб учайлик!..
Ўзбекнинг удуми қадимдан шундай,
Қаранг, эзуликка шу қадар ташна!
Муборак қадаҳни тўндириброк қуй,
Яхши тилакларга ичэйлик, ошна!

МЕҲНАТ МАДҲИ

Эл яшар меҳнат билан — кам бўлмағай,
Тўкмайин тер қоп-қаноринг тўлмағай.

Кимки меҳнат нонига кўнгил кўяр —
Эккани унғай ҳамиша — сўлмағай.

Жон койитмай топангинг — топан эмас,
ЕБ-ичарда зарра лаззат бўлмағай.

Гар саломат борсан, меҳнат дегил,

Эр киши иззатталаб ўлтирмағай.

Чиқ шараф майдонига боғлаб белинг,
Шон таратмай, мард жаҳонда юрмағай.

Яхшиларнинг борлиги меҳнат билан,
Меҳнат этмай яхши даврон сурмағай.

Кел, Ватан фарзанди бўл, меҳнатсевар,
Бир умр бахтинг қулар, юз бурмағай.

БИНОКОР

Бинокор — бунёдкор, яратувчидир,
Қуёшга ердан нур таратувчидир.
Бинокор санъатин абадийлиги —
Унинг заковати, идрок кучидир.
Бинокор деганда кўз ўнгимизда,
Нурас бинокор қаддин ростилар.
Авлоддан авлодга ўтиб неча минг
Йиллардан обида бўлган мерослар —
Жонланиб сўзлайди узоқ ўтмишдан,
Ҳар гишти бир китоб, тарих бус-бутун.
Шу тарих етказган бобокалонлар
Омонатин бизга — кўхна кўр-қутин.
«Самарқанд сайқали рўйи заминани» —
Ҳофиз ҳам қаламга олмаган бекор.
Жаҳонга суҳрати кетган Хевамиз
Меъморлари бизнинг боболар — девкор.
Биз йўқдан бор этган таббиркор халқимиз,
Касбимиз қуришдир, тиклаш, бор этиш.
Кечани кундузга улаб меҳнат-ла,
Кишилиқ ҳаётин бахтга бр этиш.
Муборак Тошкентдек янги кийдириш,
Яшатиш кундан-кун гул ўлкамизни,
Бинокор ўғлининг шiori шудир,
Бу ишга тутганмиз тенг елкамизни.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ЗАМОНГА ОШИҚ

Шоирнинг ижодий қиёфасини
шеъри тўқис-туғал намоён қилиши
ҳам, айна вақтда, ғоявий-бадий му-
камал шеър ижодкорнинг умрига
умр қўшиши ҳам бор гап. Ҳар бир
ҳақиқий ижодкорнинг ўз йўли, ўз
ижодий тақдирин бўлади. «Унча-мун-
ча» ёзиб, баъзан бир-икки асари бил-
лан «донг» чиқариб, сўнг кўздан
ғойиб бўлганлар йўқ эмас. Бутун
вужуди билан ижодга берилиб,
шеърни ички бир эҳтиж юзасидан,

маънавий ва теран туйғуларга таш-
налик билан ёзаётган шоирлар ҳам
оз эмас. Улар учун ижод — ҳаёт
маъмуни. Шоир Тўра Сулаймонни
ҳам шундай ижодкорлар сирасига
қиритиш мумкин. Бу шоир ҳақида
сўз борганда, унинг халқнинг битмас-
туганмас маънавий хазинаси — халқ
оғзаки ижодидан қуваат, руҳий озик
олишини маҳсус таъкидлаш мумкин
эмас. Ҳозирги даврда халқ
услубида ёзаётган, ўз дўмбираси
билан элга ёқаётган, эл орасида
обру толаётган бахшилар ижодини
кенгроқ миқёсда ўрганиш, тадқиқ
этиш масалаларига эътиборни янада
кучайтиришнинг аҳамияти катта.

Тўра Сулаймоннинг «Қорақўзги-
нам» («Еш гвардия», 1981 йил) тўп-
ламида шоирнинг ўттиздан ортиқ
шеърни жамланган. Бу шеърларни
халқ услубининг ранг-баранг жи-
лолари ва майинлиги, ҳазил-мутойиба
жозибаси, фикрларнинг соддалиги
ва лўндалиги билан эътиборни тор-
тади. Таъбир жоиз бўлса, Тўра Су-
лаймон бахшиликдан бахт топан
шоирлардан. У ўз фикрларини анча
пиштириб, кўпчиликка мос келадиган
содда шаклда экс эттиради, ёқимли
оҳангда куйлайди. Унинг шеърлари
халқ термаларига, халқ қўшиқларига
яқин. У ўзинга хос оҳангда куйлайди,
халқ ибораларига тез-тез мурожаат

қилади, уларга янги, баъзан теран
маъно беради, чиройли муқоясалар,
ташбеҳлар топади. Халқ оғзаки ижо-
дида хос услубни муайян даражада
янгироқ бир шаклда давом эттириш-
га, маълум жиҳатларини такомиллаш-
тириб боришга интилади. Чунончи,
тўпламдаги «Илтижо», «Менинг қора-
қўзгинам», «Қўшиқ қайдан келади»,
«Мерос», «Кўргум келади», «Сизни
эслайман», «Сулув», «Алёр» каби
шеърлар шоир иқтидорини, ижоди-
нинг асосий йўналишини, пафосини
белгилашга имкон беради. «Илтижо»
шеърдаги мана бу мисралар шоир
ижодидоғи ғоявий-эстетик йўналиши-
нинг бош нуқтасидир:

Ўлмасликка ишора —
Ўланга ошиқдигим,
Саодатга ишора —
замонга ошиқдигим,
Теранликка ишора —
уммонга ошиқдигим,
Гўзалликка ишора —
оўстонга ошиқдигим,
Баҳор, кетма менинг

Айтиш керакки, Тўра Сулаймон
шеърларида ҳақиқий бир самимият
шеърдан-шеърга кўйиб, жўшқин туй-
ғулар оқимида айланади. «Алёр»

шеърда гоҳ вазмин, ўйноқи оҳанг
алмашиб туради:

— Қуллуқ, қизлар, қавмингизни
Ардоқларман бир умр.
Вўлса пари-пайкирингиз
Сир сақларман бир умр.
Верган қутлуг тузингизни
Ҳам оңларман бир умр.

«Қорақўзгинам» тўплами замон-
нинг руҳи билан халқ оғзаки ижоди
анъаналарининг ўсиб, янгилиниб, бо-
йиб бораётганлигини тасаввур этиш-
га, аниқроқ илғашга имкон беради,
десаки, янгилашмаймиз.

Тўплам фақат мукамал шеърлар-
дан таркиб топан эмас, албатта.
Унда яхши, ҳароратли шеърлар бил-
лан бирга авжи пастроқ, хирароқ,
сўзломпроқ шеърлар учрайди. «Ар-
ча», «Биз, жаҳон болалари», «Мени
мафтун қилмоқ истарсан...», «Гулкў-
чат», «Қайдадир», «Қарғиш» каби бир
канча шеърларида гоҳ поэтик мушо-
ҳада маромига етмай қолса, баъзан
юрак оташи камроқдай туюлади.
Ҳар қалай, бу шеърлар ижодий жа-
раён мураккаб бўлишини, шоир
ҳамиша ҳам муваффақият қозона-
вермаслигини кўрсатади.

Анкабоб ҚЎЛЖОНОВ,
Тошболта НАҲАНОВ

«БОБИРНОМА» ТАРЖИМАЛАРИ



«Бобирнома» ўзбек классик адабиётдагина эмас, балки жаҳон адабиёти ва умуминсоний маданият хазинасидаги дурдона асарлардан ҳисобланади. «Бобирнома» асарлар довомида Урта Осиё, Ҳиндистон халқлари иқтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, географияси, ҳайвонот олами тўғрисидаги қомусий асар сифатида дунё олимлари диққат марказида бўлиб келди. Бу асар ниҳоятда содда, ихчам ва жозибали бадий тили, тасвирларнинг аниқлиги ва ҳаётлиги билан ҳам эътиборни тортади.

Маълумки, халқлар ўртасидаги маданий муносабатларни тобора мустаҳкамлаб бориш жараёнида таржима муҳим ўрин тутди. Жумладан, Мухаммад Мусо ал-Хоразмий ва Абу Али ибн Сино асарларининг лотин тилига таржима этилиши, Алишер Навоий асарларининг жаҳон бўйлаб тарқалиши ҳамда Захриддин Мухаммад Бобирнинг «Бобирнома» асарининг турли Фарбий Европа тилларида нашр қилиниши Урта Осиё халқларининг буюк олимлари, шоирлари ва мутафаккирлари асарларининг жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олганидан дарак беради.

«Бобирнома» Фарбий Европа тилларида кўп нашр қилиниши жиҳатдан фақатгина Ибн Синонинг машҳур «Ал-қону» асаридан кейинда туради. Биргина Англиянинг ўздаёқ «Бобирнома» таржимаси сақиз марта нашр қилинди. Дастлабки таржима 1826 йилда Жон Лейден ва Вильям Эрскин томонидан амалга оширилган. Шу таржима асосида 1844 йилда Р. М. Калдекотт «Бобирнома»нинг қисқартirilган вариантини chop этган. 1879 йилда шарқшунос К. Тапбот ана шу қисқартirilган нашрнинг иккинчи вариантини тайёрлади. 1921 йилда эса, инглиз шарқшуноси Л. С. Кинг томонидан «Бобирнома»нинг нисбатан тўлиқроқ, илмий жиҳатдан пухта изоҳлар билан таъминланган таржимаси эълон қилинди. Худди шу йили таниқли шарқшунос олима Аннет Бевериж узоқ йиллар давомида ижодий меҳнатининг самараси — «Бобирнома»нинг бевосита асл нусхадан қилинган таржимаси тўлиқ нашрини эълон этиб бўлди. Таржимон бу ишга 1905 йилда киришган эди.

«Бобирнома»нинг машҳурлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, қарий икки аср давомида Европада яратилган Ҳиндистон тарихига оид асарларнинг барчасида Бобир асари таржималари истифода этилган. Таржимон ва олима Аннет Бевериж хоним «Бобиршнослик» терминини биринчи бўлиб қўлади ва шарқшунослик тарихида бобиршнослик феномени пайдо бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Биз қуйида «Бобирнома»нинг инглиз таржимонлари Ж. Лейден, В. Эрскин (1826 йил) ва А. Бевериж хоним (1921 йил) томонидан Бобир бадияти қай даражада акс эттирилгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бобир XV асрнинг охири XVI асрнинг I ярми Фарғона, Ҳуросон, Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистондаги тарихий воқеаларни тасвирлар экан, бу ерлардаги аҳолининг турли табақалари — оддий фуқаролар ҳақида ҳам, йирик ҳукмдорлар тўғрисида ҳам сўз юртади, улар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини юксак бадий ифодалади.

«Бобирнома»да Алишер Навоий давридаги Ҳуросон адабиёти, санъати ва илм-фан намояндalари ҳақида батафсил маълумотлар mavjud. Бинобарин, Навоий даврида Ҳуросон, жумладан, унинг пойтахти Ҳирот маданий ҳаётининг гуллаб-яшнашига кўплаб шоирлар, мусаввирлар, дошинамд ва санъаткорлар ҳисса қўшганлар. Бобир ўз асарда Алишер Навоийнинг шоир, санъат ва илм аҳли ҳомийси, давлат арбоби сифатидаги хизматларини юксак баҳолайди.

Бобир Алишер Навоий хислатлари ҳақида гапирар экан, аввало, унинг инсоний хусусиятларига эътиборни қаратади. Мисол учун қуйидаги парчага диққат қилайлик: «Бир кун Алишербек билан мирзонинг (Султон Хусайн мирзо — С.Ш.) орасида бир сўхбате ўттиким, мирзонинг тез фаҳлига ва Алишербекнинг риққати қалбига долдур. Алишербек сиррий сўзларни мирзога гўшаки галаба айтти. Даги дедиким: «Бу сўзларни унутинг». Мирзо филҳол айттиким: «Қайси сўзларни!» Алишербек бисёр мутаассир бўлуб, кўп йиғлади». Бинобарин, Алишер Навоийга хос оқ кўнгиллиги таъсирчанликни автор моҳирона ифодалайди. Бу парчани инглиз таржималарига қисқасак, А. Бевериж нухсаси асл нухсага мос эканлигини кўраимиз. Лекин Ж. Лейден ва В. Эрскин мазкур жумлани «бу сўзларини унутманг» тарзида таржима қилдиларки, «Алишербек бисёр мутаассир бўлуб кўп йиғлади» жумласига автор юклаган мазмунга эид фикр келиб ққади.

Бобир Навоийнинг давлат арбоби сифатида таърифлар экан, «бу даврда Ҳиротнинг зеб-зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эрди», дейди ва бу билан Алишернинг катта хизматларини алоҳида таъкидлайди.

Бобир кишилар характерини ўзбек халқ тили бойлигидан ниҳоятда фойдаланган ҳолда очиб беради, кишиларнинг ижобий хислатлари билан бир қаторда уларнинг салбий хатти-ҳаракатлари, ижодининг ўзига хос томонлари ва заифликларини ҳам рўй-рост айтди, муайян сўз ёки ибораларни моҳирона қўллайди. Унинг ҳар бир сўзи жуда кўп ўринларда бир эмас, бир неча мазмунни ифодалади. Алишер Навоийни туркий тилдаги ижодкорлар орасида «назира йўқ киши эрди» деб таърифлайди. «Бобирнома» автори Паҳлавон Мухаммад Бусайд каби машҳур кишиларни «беназир» деб баҳолайди. Лекин фақатгина Алишер Навоийни «назира йўқ» шахс деб билади ва унинг ўзбек халқи маънавий тарихидаги юксак мақеини тўғри кўрсатиб беради. Шу қадар салмоқли фикрни бу қадар содда, равшан ифодали билгани Бобирнинг чинакам сўз санъаткори эканлигини яна бир марта исботлайди.

Таржимонлар автор бадиятидаги бундай ўзига хослини тўғри ифодалай олганлар. Аммо, шунга ҳам кўрсатиш муҳимики, таржимонлар баъзан чалқашлик ва хатоларга ҳам йўл қўйганлар. Масалан, Бобир Навоий билан бўлган муносабати ҳақида фахрланиб шундай деб ёзади: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олганда, Алишербек тирик эрди. Бир навбат менга китобати ҳам келиб эрди. Мен ҳам бир китоб йибориб эрдим, орқасида туркий байт айтиб

битиб эрдим. Жавоб келгунча, тафриқа ва ғаво бўлди». Шу жумладан кейин Бобир шоир Биноий ҳақида сўз юртади. Таржимонлар, жумладан, А. Бевериж «тафриқа ва ғаво» сўзларини тўғри таржима қилганлари ҳолда, бу ерда «Навоийнинг Биноий билан бўлган келишмовчилиги назарда тутилган бўлса керак», деб нотўғри шарҳлайдилар. Аслида эса Бобир Самарқанд учун бўлган жангу жадаллар ва ниҳоят, ўзининг Самарқандни ташлаб кетишини назарда тутган, холос.

Бундан ташқари, Бобир Навоийнинг «Муншаотин» ҳақида сўз юртар экан, «иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибдур» дейди. Бу сўзлар ҳам таржимонлар қаламида нотўғри изоҳлангани, Навоий иншоларини жамлашда эмас, уларни ёзишда, битишда Абдурахмон Жомийга тақлид қилган, деган мазмун келиб ққади. Назаримизда, бу ўринда Навоийнинг оригинал шоир эканлигини инкор этиб, уни фақатгина тақлид қилувчи шоир деб таърифлайдиган ғаразғўй буюржа танқидчиларининг таъсири сезилиб туради.

«Бобирнома»да кўплаб шоирлар, фозиллар, мусаввирлар наққошлар, чолғувчилару бастакорлар, раққослар ҳақида сўз юритилиб, улар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Зеро, олимларимиз «Бобирнома»ни Навоийнинг «Мажолис ун-нафос»ига тенглаштириб, ҳаётининг давоми сифатида таърифлашлари бежиз эмас. Бобир бу гуруҳ кишиларни таърифлар экан, уларнинг ҳар бири ўз соҳасида камолот касб этганлигини усталик билан таъсирлайди. Чунончи, созада Кўл Мухаммад Удийнинг маҳоратини қуйидагича ифодалайди: «Яна Кўл Мухаммад Удий эрди, гижжакани ҳам хўб чалур эрди. Гижжакка бу уч қил тақти. Аҳли нағмадин ва аҳли созадин ҳеч ким мунча кўп ва хўб пешрав болгаюн эмастур. Пешравдин ўзга ишларда мунча эмастур». Сайид Бадр ҳақида эса шундай дейди: «Бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот киши эрди. Ажаб соҳиб усул киши эрди. Фарих хўб рақс қилур эрди. Гайри мукаррар рақс қилур эрди. Фолибу ул рақс анинг ихтиродур».

Автор қисқа ва сермазмун жумлалар воситасида Сайид Бадр санъаткорлик истеъдодининг энг ўзига хос жиҳатларини яққол ифодадал беради. Айни пайтда содда ва ёркин тизилган бу жумлаларни мислсиз санъаткор қўлидаги созадин таралатган қуйга қисқаслаш мумкин: уларда Сайид Бадр санъатидан руҳланган Бобирнинг ҳаяжони, ҳурмат-эҳтиромми аён кўриниб туради.

Бобир ўз замондошлари ҳақида сўзлар экан, санъаткор шахси ва унинг истеъдодини айрим ҳолда эмас, бир бутунлиқда баҳолайди. Чунончи, у Хусайн Удийнинг санъатини қудани мазалиқ чолиб, мазалиқ нималар айтур. Удинг торларини яқка қилиб бу чолибтур», деб таърифлайди, шунингдек, «...бу эдики, бисёр ноз била чолур эди. Шайбонийхон бир навбат соз буюрур, тақаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз созини келтурмай, ярамас соз келтурур. Шайбонийхон фаҳмлар. Буюруримки, сўхбатда-ўқ галаба гарданнга урурлар. Ушмундоқ нозуқ мардақларга мундин кўпрак сазо

керак», деб унинг «ноз»ини қоралайди.

Бошқа ўринда эса мусаввир Беҳзоднинг нозик санъатиға таҳсин айтди, айни пайтда: «Мусаввирлардин Беҳзод эрди, мусаввирлик ишини бисёр нозуқ қилур эрди. Вале соқолсиз элинг чехрасини ёмон очадур. Гафбабини кўп улуг тортадур. Соқолик кишини аҳши чехрали қушойлик қиладур», дейди.

Бобир «аҳли фазлларни таърифлар экан, сатира ва кямордан ҳам усталик билан фойдаланган. Масалан, Сайиди Бухорий ўзининг ўқимшли киши эканлигини атай намойиш этишини айтиб, «ўқуғон китобларининг мафсалини элга кўрсатиб, муллозини исбот қилур», дейди. Муллозодин Мулло Усмои исмли дошинамд кишининг зўр хотира эгаси эканлигини ҳам юмористик оҳангда шундай таъсирлайди: «Андин манкулур, дер эмиш: «Киши бир ниманики эшитти, яна нечук унутур». Қавий ҳофизаси бор экандур».

Шоир ва илм аҳллариининг таърифи тавсифи «Бобирнома»нинг инглиз таржималарида тўғри акс этган.

Бобир ҳар бир сўз, ҳар бир иборадан ўз ўрнида фойдаланади. Бу юксак бадий усулни автор таъсирланаётган барча портрет ва характерга нисбатан таътиқ этади. Чунончи, бу ўринда Султон Хусайн Мирзо портретини эслаш мумкин.

Таржимонлар Бобирнинг мана шу бадий услубини сақлашга ҳаракат қилганлар. Бу хусусда айниқса А. Бевериж таржимаси диққатга сазовордир. Бу таржимада, мисол учун, Султон Хусайн мирзонинг шешъар андон бўйлуқ киши эканлиги... улуг ёш яшаб, оқ соқолик бўлуб... хушранг яшил абришмини киийиш ва бошқа хусусиятлари асл нухсага мос равишда содда, ихчам сўз ва ибораларда ифодадланган. Ж. Лейден ва В. Эрскин таржимасида эса,—бу, бизнингча, дастлабки таржима ва деярли бир аср аввал амалга оширилганлиги туфайли, — автор услуби бирмунча бузилиб, ихчамлик, пухтали ва муҳими, бадийлик ўрнини кўп ўринларда изохлар эгаллаган.

Келтирилган мисоллардан аниқ бўладики, Бобир портрет ва характер яратишда катта ва ўзига хос оригинал санъат эгасидир. «Бобирнома»нинг умр боқийлиги — унинг даярлар оша ўз аҳамиятини сақлаб келаятганлигининг сабаби шоир бадиятининг зўр кучида ҳамдир. Шу сабабли инглиз таржимонлари, таъқиқотчилари «Бобирнома»га қайта-қайта мууроқват қилганлар. Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, «Бобирнома»нинг инглиз тилидаги таржималари ва нашрлари — «Бобирнома» олимга қилинган бу ўзига хос саҳнатлар — Захриддин Мухаммад Бобирнинг шоҳ асари бутун дунёга маълум ва машҳур бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Сайёра ШУКУРУЛЛАЕВА,
Профессор Ҳамид Сулаймонов
номидаги Қўләмалар институти илмий ходими

ЗАРШУНОСЛАР



БЕШ ЙИЛГИК
РЕЖАЛАРИ АМАЛДА

Олтириқ району меҳнатнашлари бу йил далага пахта топириш планини, шунингдек, кўшимча мажбуриятни ҳам олтириқ билан адо этди. Давлатга пилла, мева-сабзавот, гўшт, сут, туҳум, жун топириш йиллик планини ҳам муваффақиятли бажарилди.

— Фарғона области пахтакорлари ўтган йили чинакамга меҳнат жасорати кўрсатдилар, — дейди биз билан суҳбатда район партия комитетининг биринчи секретари Усмонжон Бегметов. — Кучли довул, дўл ва сел эканлини нобуд қилди. Деҳқонлар кўплай майдонларга икки-уч мартадан чигит қадаб чиқдилар. Ёз жазираси, гарисел шамоллар катта зарар етказди. Бироқ биз табиат қийинчиликлари олдиде довулар қолмади, мўл ҳосил учун дадил курашдик. Бу борада республикамиздаги барча пахтакорлар қатори бизга партия ва ҳукуматимиз маънавий жиҳатдан ҳам, қишлоқ хўжалиги техникаси ва қиммий ўғит

жиҳатидан ҳам беқисс ва катта ёрдам бериб турдилар. Шу боисдан районимиз деҳқонлари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг май 1982 йил Пленуми қарорларини, мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини амалга оширишда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан ғалабаларга эришдилар.

Ҳа, бултургидек оғир шароит яқин йиллар ичиде бўлган эди. Баҳорнинг қурғоқ келиши, ёздаги сув танқислиги, йилгим-терми давридаги қор ва совуқ деҳқонларни жиҳдий синовдан ўтказди.

Ғулумжон 1982 йилги қийин шароитни ўйлар экан, кўз олдига дастла отасининг кетидан кетмонча кўтариб эргашганлари, тушки овиқат пайтлари онаси тугунчада ўралган иссиқ нон ва хурмачада овқат олиб келган пайтлари жонланади. Шунда она ўғлининг бошини силаб:

— Деҳқон боланимдан айлана, бўйганингда қоқинди, — дея эркалаб суярди. Мана, ўша кун-

лар ҳам ортада қолди. Она ишончини оқлаган фарзанд уста деҳқон бўлиб етишди.

Ғулумжон урушдан кейинги тинч курилиш йиллари отасининг ёнидан жилмади, ундан деҳқончилик сир-асорини кўн билан ўрганди. Ғулумжон тўлиқсиз ўрта мактабни тугатиши биланоқ табелчи бўлиб иш бошлади. Ўша йили районда кечки ишчи-ёшлар мактаби очилди. Илгга чанқоқ Ғулумжон унда ўқини давом эттирди ва етуқили аттестатин олиш билан институтга ўқини иштибоққа кирди. Бироқ у оилда ёлғиз ўғил бўлганлиги учун ота-онаси уни ўз бағрларидан акраттишга кўзлари қиймади. Лекин Ғулумжон ўз ахдида қатъий эди. У 1956 йили Душанбе шаҳридаги Қишлоқ хўжалик институтига ўқини кирди ва орадан йиллар ўтиб агроном дипломи билан қишлоққа қайтди.

Коммунист Ғулумжон Хидиров агрономликдан партия ташкилотининг секретарлиги сўнг колхоз

ПАХТАГА ТУТАШ ТАҚДИР

Ленинград районидеги Охунбоев номили колхоз раиси Эҳсонбой Мадрохимов билан суҳбатимиз ҳаяжонли кечарди:

— Одам боласини бор қилган ҳам, хор қилган ҳам ер. Ерни қанча севак, эъзоласак, у ҳам бизни шунчалик ардоқлайди, бағрини онади, саховатини сочади. Ер — битмас хазина. Бироқ қаровсиз қолган ер кўриққа айланади... Бундан йилгирма йил муқаддам янги раис бўлган кезларим юз берган бир воқеа хаёлимдан сира кетмайди. Ушанда колхоз кўйхонасига борган эдим. Қари кўйга кўзим тушди. Оғзида тиши қолмаган, ориқ. Ем қашолмай қийналади. Бунинг устига эгизак туғибди. Увоққина кўзичоклар қари кўйнинг қуруқ елинига ёпишадилар. «Эҳ жонивор, — дедим. — Қўша-қўша кўзилар туғиб, мўл-кўл юнг бериб, энди ҳолинг шу бўлдики!» Уша кезлари чорва қони зарар эди. Ахир, фермалардаги қари кўй, қари сигирлардан ориқча маҳсулот олиб бўладими! Уйласам, қаровсиз қолган қамҳосил ер ҳам ўша қари кўйга ўхшаркан.

Алмашлаб экиш, маҳаллий ўғитга тўйинтириш, вақтида шудгорлаш орқали ерни яшартириб борамиз. Натижанда ерларимиз бўрдоқига боқилган кўйдек семиради. Колхоздаги 800 гектардан зиёд маданый ерларнинг гектаридан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» оляимиз. Колхозда бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Чўлқуварларимиз Езёвонда олти юз гектар кўриқ очдилар. Колхознинг донгдор бригадалари Мирзаали Ҳамроев, Олимжон Бегметов, Мамадали Аҳмадалиев ва Ҳамрохон Турдиматовалар чўлга отландилар. Улар ҳар гектар ердан 40—42 центнердан пахта олган бригадаларни бошқарган эдилар. Колхозда бутун куч-қувватини ва маҳоратини ерни эъзолашга бағишлаб, эл эхтиромига сазовор бўлиб яшаётган бундай кишилар жуда кўп...

Мен ўз умримни пахтасиз тасаввур этолмайман. Мактабни битириб, колхозда табелчи бўлиб ишладим. Болалигим ҳам, ёшлигим ҳам далада ўтди. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий хизматга отландим. Чегарада соқчиллик қилдим. Уша кезларда ҳам далаларни соғиндим, қишлоқни кўрседим. Урушдан омон қайтсам, умримни ер ишига бағишлашни орзу қилгандим. Узоқ йиллар колхозда партокм бўлиб ишладим. Уқидим, агрономлик дипломини олдим. Мана, йилгирма йилдан буён раисман.

Пахта бизнинг вужуд-вужудимизга сингиб кетган. Унга бўлган меҳримиз шу қадаб чексизки, иложи бўлса дўпимизга тупроқ тўндириб пахта эксак. Го-ҳо ширин ўйларга чўлманам. Ойнинг тупроғига пахта зилса, икки ойда етилар экан. Бизнинг ерларимиз таркибини ойнинг тупроғига ақинлаштиришнинг иложи йўқимикан! Ушанда бир йилда тўрт марта пахта

экса бўларкан. Ҳар гектар ердан 150—200 центнердан пахта яратардик...

Деҳқон ҳар бир тўп гўзага меҳрини тараб, қалбига қулоқ тутуди, гуриқраб яшаётган гўзанинг бўй-бастини кўриб қалби севинларга тўлади. Гўза шоналаса, яна қувонади. Гўза гулга кирган пайт ишловнинг энг нозик даври бўлади. Гўза ҳосилга кириши билан ҳашаротнинг хуружига ҳужум бошланади. Кўсақини қушандаси кўп. Бир оз беларво қолинса, не машаққат билан яратилган ҳосилни ҳашарот еб битиради. Ҳар бир шона, гул, кўсақ кураш билан асраб қолинади. Пайкалларда чаноқлар чарақлаб кетганида эса чинакамга меҳнат мўжизаси рўй беради. Баҳорда тупроққа қадалган увоққина чигитдан лўпли-лўпли олтин толлалар пайдо бўлади. Раис теримчиларга бир ҳовучдан пахта териб улашади. Ҳамма дилида ширин орзу билан яшайди: ҳосил мўл бўлса, план тазроқ тўлиб-тошса, бир тала ҳам пахта увол бўлмасал! Қалбларда ҳаяжон. Бу шундай бир ширин ҳаяжонки, у миллионларнинг мўжиза-



кор меҳнатидан яралган миллиард-миллиард минти чаноқларда товланиб, азамат деҳқон қудратини кўз-кўз қилаётган толлаларда акс этади.

— Тақдиримиз пахта билан туташ, — дея сўзида давом этади Эҳсонбой ака. — Пахта ишқи она суги билан бирга қон-қонимизга сингиб кетган. Далаларимизни кезгансиз. Хирмонимизга барака киритсин деб ариқ-зуворларнинг ёқаларидаги бўш жойларга ҳам пахта эканимиз. Йилгига беш минг тоннадан ошириб пахта етказиб бермоқдамиз. Минглаб тонналардан эса миллионлар пайдо бўлади. Ана шу — миллионлаб тонналар замирида эса пахтакорларнинг Ватанга меҳр-муҳаббатни, партияга садоқатни жамулаем. Унинг қатларига олам-олам завқу шавқ, сурув ва чексиз гурур туйғулари.

Кавказга савғатга борганимиз. Гўзал шехарлар бўйлаб кезиб юрибман-у, хаёлимдан қишлоқ кетмайди. Тўнларнинг этакларини белбоққа кистриб, пешонасини тангнан, музлаган сув кешиб, қийқиришиб ерга яхоб бераётганлар, далага ўғит ташитганлар кўз ўнгимда. Қишлоқ тўйлари, меҳмонхона-

ларидаги қувноқ гурунглор ёдимга тушади. Дала-тўздаги манзараларни эслайман. Эҳ, даламни шундай соғиндимки, юрагимни ўртаб юборди. Ҳамрохларим буни пайқаб қолиб, койиб беришди.

— Қишлоқни кўнсайвераским! Кўрқманг, қочиб кетмайди. Еруғ жаҳоннинг жаннати — Кавказдасиз. Тўйгунча кезиб қолсангиз-чи...

Билдимки, даладан оёқ узолмайман. Тунов куни бир туш курибман. Чамандек очилган пахтазоорга суқланиб қараб турибман. Ажабо, ҳали чигит эканимиз йўғу, қишдаям пахта очиладимки, деб ҳайрон бўлялман. Қаранг, келаси кузги манзара тушимга кирибди. Бизнинг ишимиз ана шунчақ. Чигитни аввал хаёлимизда экиб, ғойибона парваришлаб, пахта-сини йилгит-териб оламиз. Қиш фаслида ҳам ўйимизда деҳқончилик қиламиз.

Ҳа, пахта Эҳсонбой ақанинг кундалик юмушларини, орзу-ўйларини ашайди, хаёлида бўлажак чаноқлар чарақлайди.

Расининг ҳикоясини тинглаб, уни заминга туташтириб турган сеҳрли кучни сезгандай бўламан. Бу — одамларга, меҳнатга меҳр-муҳаббатни, ҳаётини қувшдек ёритаётган йўрғадак юқкан пахта ишқи. Бу — оддий деҳқон боласини ардоқлаб қафитда кўтарётган Ватанга муҳаббат риштаси.

Беш ҳисоби Иўлчибой Раҳмонов, иқтисодчи Нуриддин Мўйинқоров ёзган сарҳисбога назар ташласангиз, колхоз барча соҳаларда йилдан-йил юксалиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Давлатга ҳам, сабзавот, полиз, пилла, узум, сут, туҳум каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича планлар орғити билан адо этилаёттир. Хўжалик пахта, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича республика, область кўчма Қизил байроқларини олишга муваффақ бўлди. Бу муваффақиятлар деҳқонларнинг хонадонларига фойз, кўт-барока киритди, қишлоқлар қиёфасига ана ҳам гўзаллаштирди. Янгидан қад кўтарган мактаб, боғча, турар-жой бинолари ва бошқа қўрқам қошоналар колхоз ҳуснига ҳусн қўшди.

Раслик ҳам — катта раҳбарлик санъати. Устози, район ижроия комитетининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тоҳиржон Исмоиловдан сабоқ олган Эҳсонбой Мадрохимов ўзига хос раслик мактабини яратди. У ўнлаб қобилиятли шоғирлар етиштирди. Улар орасида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент Мадамжон Игиталиев, район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Абдуллажон Нишонов, колхоз раиси Мелиқўзи Омонов, партокм Тўланбой Сатимов, агрономлар Эркинжон Шуқуров, Ражаббой Рўстамов, донгдор бригада бошлиқлари Ҳамрохон Турдиматов, Олимжон Бегметов, Содикжон Бўтаев, Мамадали Аҳмадалиевлар бор.

Эҳсонбой ака билимдонлик, жўшқинлик, жонсарақлик, тиришқоқлик, ишчанлик каби фиълатлари билан эл элтборига тушган. Расининг қирқ йиллик меҳнати муносиб тақдирланган. Унинг кўнсида Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари, медаллар порлаб турибди. У — Узбекистон ССР Олий Советининг депутаты, район партия комитети бюросининг аъзоси.

Урмон ОМОНОВ

вазилги даражасига кўтарилди. Унинг раҳбарлигида «Комсомол» колхози қолақ хўжалиқдан илғорлар қаторига ўтиб олди. Колхозчиларнинг даромади бир ярим баравар ошди. Ҳосилдорлик 23 центнердан 35 центнергача кўтарилди. Унинг қилган меҳнати зое кетмади. Партия ва ҳукуматимиз уни «Хурмат белгиси» ҳамда Меҳнат Қизил байроқ орденлари билан тақдирлади.

...Қўнларнинг бирда ярим тунда колхоз идорасидаги телефон жиринглаб қолди. Ғулумжон трубкани олиб қулогига тутди. Райкомнинг биринчи секретари Усможон Бегметов унинг зудлик билан етиб келишини илтимос қилди.

— Бевақт безовта қилганим учун узр,— дед Усможон Бегметов рақсини илқ қарши олди.— Сиз билан маслаҳатли иш чиқиб қолди. Планин ошқириб бажарганингиз областга маълум, лекин битта хўжалигимиз планин бажаролмай ордада қолди. Директор ишончимизни оқлай олмади. Қанчалик ёрдам берсак ҳам иши юршмайпти. Райком бюроси директорни ишбилармон, тадбиркор, тақрирбали ўртоқ билан алмаштиришни кўзламоқда. Шу босқдан сизни чакитирдик.

Ғулумжон бироз ўйга толди, сўнгра бошини аста кўтариб, очик ҳеҳра билан шундай деди: — Гапингиз ҳақ. Мен шу совхоз участкасида яшайман. Хўжалиқнинг ночор аҳволдан хабардорман. Пахтакорлар бошқа колхозларга кетиб қолмапти. Раҳбарин алмаштириш ҳақидаги фикрингизга тўла қўшмаман.

— Ана шу совхозни ўзингиз оёққа тургазиб берасиз,— деди кутулмаганда райком секретари.

Ғулумжон яна ўйлаиб қолди, лекин орадан бироз муддат ўтгач қаятиш билан деди: — Ишончингиз учун раҳмат, партияннинг содиқ солдати сифатида унинг топширигини бажаришга тайёрман.

Эртасига колхоз клубида катта йиғилиш бўлди. Райкомнинг биринчи секретари Усможон Бегметов колхоз рақси Ғулумжон Хидировни «Пахтакор» совхозига директор этиб тайинлаш тўғрисидаги масала ҳақида гап очди. Олдинги қаторда ўтирган колхоз отақонлари, норози оҳангда айланарса дейишди. Шунда Ғулумжон сўзга чиқди:

— Уртоқлар,— деди у,— мени ҳеч ким ишдан олаётгани йўқ, совхознинг ичорлиги ҳаммагизга маълум. Қўшинни ночор аҳволда қолдириб, томошани бўлиб туриш иносфанда эмас. Биз биргина совхоз бутун районни орқага судрашга йўл қўймаймиз. Шунинг учун ўзим коммунистик инқилдан билан қолақ совхозга ўтиб ишлашга розилик бердим. «Пахтакор» совхозига ёрдамга борсаларингиз бош устига...

Залда қарсақ садолари янгради.

— Баракалла, Ғулумжон, асп деҳқон ўғлисан, барак топ,— деди кишлоқ оқсоқолларидан бири.

Шундай қилиб, 1978 йил декабрь ойида Ғулумжон «Пахтакор» совхозига директор қилиб тайинланди. Дастлаб у пахтакорларнинг турмуш шароити, даромади, маданий ҳаёти билан танишди. Сўнг хўжалик ишларини кўздан кечирди, пахта экиладиган майдонларни айланди, кекса пахтакорлар билан маслаҳатлашди. Кадрларин жой-

жойига қўйиб, ишни тубдан қайта ташкил этди. Ғулумжон Хидиров ишни бригадаларро социалистик мусобақани қизитиб юборишдан бошлади. Шунингдек, гўза зараркуналларига қарши биологик кураш усулига алоҳида эътибор берди. Областада биринчи бўлиб «Пахтакор» совхозни ўз биологизациясига эга бўлди, бу эса ҳосилдорлигини оширишда қўл келди. Шу тариқа хўжалик бир йилдаёқ қаддини ростилаб олди. Ишчи ва хизматчиларнинг даромади кескин кўпайди.

Иккинчи йилдаёқ хўжаликда совхоз ишчиларининг саломатлигини мустаҳкамлаш учун санаторий-профилакторий қуриб ишга туширилди.

Бу галмўрликларга жавобан совхоз ишчилари гайрат билан меҳнат қилдилар. Улар табиат ниҳонлиқларига ўларнинг иродасини қарши қўйдилар. Шу тўғрисида улар ҳар йили барча кўрсаткичлар бўйича кўзланган марраларга эришмоқдалар.

Олтириқлик заршунослар ўтган йили давлатга 44 минг 600 тонна пахта топширдилар. Ана шу ҳосилнинг 70 проценти биринчи сортларга, 5 минг 275 тоннаас уруғликка сотилди. 20 минг тоннага яқин пахта «тўлат этаклар» билан териб олинди.

Республикамиз пахтакорларнинг олти миллион тонналик улкан «оқ олтин» хирмонида Олтириқ районининг ва райондаги Ғулумжон Хидиров бошлиқ «Пахтакор» совхози меҳнатқашларининг ҳам муносиб улушлари бор.

Анвар САИДУМАРОВ

Кутлаймиз!

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН ОМАД

АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ СОБИР МИРВАЛИЕВ
50 ЕШГА ТЎЛДИ

Танқидчи, адабиётшунос — бадий ижод тараққийнинг қонуниятлари ва тенденцияларини олдиндан пайқай олувчи, муайян адиб ё шорининг муваффақиятлари ва камчиликларини адабиётнинг умум мафаватлари нуктаи назаридан баҳолай билувчи ижодкордир.

Собир Мирвалиев танқидчи, адабиётшунос бўлиб етишишни ўқувчилик даврлариданоқ орзу қилар эди. Шу орзу уни ҳамisha олга ундади. Ёш Собиржон кундузи ишлаб, кечкурун ўқиб, урта мактабни тугатди. Сўнгра эса,— ишлаб турган ҳолда,— В. Г. Белинский номидаги Тошкент Давлат кечки педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини аъло баҳолар билан тамомлади.

Кейинчалик С. Мирвалиев «Ўзбек тили ва адабиёти» журналда масъул котиб лавозимда ишлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Абу Райҳон Бериунинг номидаги Шарқшунослик институти кўша комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб сайланди. Бундай қайноқ адабий ва илмий муҳит, республикадаги йирик адабиётшунослик ва тилшунослик журнали редколлегияси ва авторлар коллектив билан ишлаш, улар билан мунтазам равишда мулоқатда бўлиш Собир Мирвалиевнинг илмий фаолиятига муҳим аҳамиятга эга бўлди. У тинмай ижодий изланишга давом этди. Фан кандидати бўлди, орадан салкам ўн йил ўтгач эса, докторлик даражасига эришди.

С. Мирвалиев «Ўзбек совет адабиётида қориний Шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг акс эттирилиши» мавзусидаги кандидатлик диссертациясида адабиётшунослигимизда биринчи бўлиб, ўзбек адабиётида қориний Шарқ мавзусининг туғилиши

ва уни ёритишдаги асосий тенденцияларини, ўзбек адабиёти энг яхши асарларининг ҳинд, афғон, покистон, эрон китобхонларига етиб бориш жараёнини, шунингдек, ўзбек адабиётининг Яқин ва Урта Шарқ халқлари бадий ижодиёти тараққийига кўрсатган таъсирини илмий тарзда ёритиб беришга интилди. Мазкур тадқиқот авторнинг 1962 йилда нашр этилган «Ҳаёт ва кураш поэзияси» китобига асос бўлди.

С. Мирвалиевнинг «Ўзбек адабиёти чет элда» деб номланган китобида ташқари, рус адабиётининг титанлари — Лев Толстой, Михаил Лермонтов, украин адабиётининг классик шоири Тарас Шевченко, ҳинд адабиётининг буюк намоёниси Рабиндранат Тагорга бағишланган тадқиқотлари, шунингдек, «Фурқат ижодида Ҳиндистон», «Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди» деб номланган асарлари ҳам оригинал, мустикал фикр юритилиши билан ажралиб туради. Хусусан, Фурқатга бағишланган тадқиқотида шорининг қориний мамлакатлардаги ҳаёти, фаолиятига доир кенг ва чуқур хулосалари Фурқатшунослар томонидан эътироф этилган. Айни пайтда, С. Мирвалиевнинг ўзбек классик адабиётининг муҳим проблемаларига бағишланган илмий мақолалари, биринчи навбатда Алишёр Навойнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини шеърини роман сифатида тадқиқ этгани диққатга сазовордир.

Ўзбек романининг туғилиши, тараққийи ва у билан боғлиқ энг муҳим масалаларни тадқиқ этиш Собир Мирвалиев илмий фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Маълумки, 1969 йилда олимнинг йирик тадқиқоти — «Ўзбек романи» босилиб чиқди. Орадан икки йил ўтгач, у ана шу монографияси асосида «Ўзбек ро-

маннинг таркиби топиши ва тараққийи» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Мазкур монография ва диссертация ўзбек романининг туғилиш давридан то 60-йилларнинг охиригача бўлган тарихий тараққийи йўлини қамраб олган бўлиб, ўзбек ҳамда Бутуниттифоқ илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Бунинг учун Воҳид Зоҳидов, И. В. Боролдина, М. Нурмуҳамедов, Х. Ёқубов, А. Ҳайитметов, А. Қанонов каби фан арбобларининг фикр-мулоҳазаларини эслаш киём.

Муаллиф бу асариде республикамиз танқидчилиги ва адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб ўзбек романи тараққийи муаммоларини кенг планда тадқиқ этди. Тадқиқотнинг дастлабки бобида ўзбек романининг вужудга келишида ҳаётнинг ўзи, яъни воқелик, миллий анъаналар бой халқ оғзаки ижоди ҳамда классик адабиёт, рус ва жаҳон реалистик романчилиги аҳамияти атрофида ёритилди. «Жанрининг туғилиши ва шаклланиши» деб номланган бобда 20-йиллар ўзбек адабиётида бу борада кечган баҳслар, ижодий изланишлар хусусида сўз боради, ўзбек романининг илк қалдирғочлари — Абдулла Қодирий ҳамда Садриддин Айний романлари ҳар томонлама таҳлил этилади.

«Жанрининг тақомил йўли» бобида муаллиф ёзувчи Хусайн Шамс романлари мисолида 30-йиллар ўзбек романчилигида замонавийлигининг чуқурлаша борганини, жанр имконияти кенгайиб, қаҳрамон характериде психологик таҳлил томон силжи кучайганини ишонарли тарзда умумлаштириб берилади. «Жанрининг қамолати» боби эса асосан Ойбекнинг машҳур «Навойи» романи таҳлилига бағишланган, унда тарихин онгли тушуниш ва объектив акс эттириш принциплари илмий асосланган, тарихий романларнинг специфик хусусиятлари, жанр қирралари кенг ёритилган, ўзига хос қонуниятлари асосланган, бу соҳадаги чалқаш қарашлар ва хатолар тузатилиб, қимматли назарий хулосалар илгари сурилган. Сўнги — «Роман, қаҳрамон, замон» бобида автор Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек романчилиги тараққийига хос тенденциялар ва хусусиятлар борасида батафсил тўхталган.

С. Мирвалиев ўзбек романчилиги борасидаги тадқиқотини кейинчалик ҳам давом эттириб, бу жанрининг 60-



йиллар охири ва 70-йиллардаги ютуқларини ўрганиб чиқди. Шунинг натижаси ўлароқ «Наصريзм давримиз хизматиде» (1976 йил), «Тарихийлик ва замонавийлик» (1979 йил), «Роман ва замон» (1982 йил) монографиялари нашр этилди. Бу тадқиқотларда ҳозирги ўзбек прозаси, хусусан, романчилигимизнинг гоивий-бадий хусусиятлари, замонавийлигининг янада чуқурлашуви ва теранлашуви, жанрининг кенгайиши ва бойиб бориши, услуб ранг-баранглиги каби бир қатор муҳим проблемаларга қўл урилган. Мазкур тадқиқотлардаги кузатувлар ва хулосаларини янгидан-янги фикр-мулоҳазалар билан бойитиб, автор Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллектив томонидан тайёрланган кўп томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» китобидаги «Ҳозирги давр ўзбек прозаси» деб номланган салмоқли қисмини яратди.

С. Мирвалиев шу кунларда ҳам ўзининг ўзбек насри устидаги изланишларини муваффақиятли равишда давом эттирмоқда, адабиётшуносликнинг турли мавзусида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Олимнинг Таллин, Ашхобод каби шаҳарларда ўтган адабий анжуманларда ўзбек адабиётининг муҳим масалалари юзасидан чиқишлари кўпчилиқ эътиборини тортиди.

Биз филология фанлари доктори, профессор, адабиётшунос олим Собир Мирвалиевни 50 ёши билан муворақод этар эканмиз, унга узоқ умр, янада улкан ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Малик МУРОДОВ,

филология фанлари доктори

ДИЙДОР

Достондан парча

Собит қадам ташлаб юрибди
Ғолибларнинг сафида Рустам.
Кўксиде қалб уриб турибди,
Фири тиниқ, аҳди мустаҳкам.

Ватан меҳри қалбиде яшар,
Мариянинг севгисе дилда.
Уни ҳурмат қилади башар,
Энг бахтлидир у бу кун элда!

Ахир, ёрдан ажиб хат олган,
Марияси ёзганди шундай:
— Номларимиз тарихда қолган,
Уғил кўрдик, бир кучок, кундай!

Бугун эса катта ғалаба,
Фашист бўлди ер билан яқсон.
Фақат севинч кезади қалбда,
Бахт кўшигин куйлайди жаҳон.

Мариядан суюнчи олмак,
Шарафига бўлди муяссар.
...Кийин бўлди лек уни топмок,
Мангу эди ҳижрон бу сафар...

Дилдорини излади ҳар кун,
Тополмади бироқ ҳеч дарак.
Шундай пайтда қийналмок нечун,
Қайда бу кун ул гўзал малак?!!

Жавоб бергин, севимли дарё?
Қани ўша сохибжамол қиз?
Сен эдинг-ку, севгига гувоҳ?
Нечун соқов бўласан, юлдуз?

Қани кўркам у азиз қишлоқ,
Тўлишган ой қизлари қани?
Култепага айланмиш муллоқ,
Мариянинг излари қани!

Рустам ҳайрон, дилида оташ,
Тордай эди у учун осмон.
Юрагида аллақандай ғаш,
Қйнар эди қалбини ҳижрон!

Сокин оқшом. Сокин Днепр,
Ғазабдан тўлганмас энди.

Кандай экан онда она — Ер —
Юрагига яқин Тошкенти.

Лекин ёрин унутолмайди,
Кўз олдига ўша хушсурат.
Ахир, ёлғиз у кетолмайди,
Тополмайди қатъий бир журъат.

Марияси кириб тушига
Қийнапти Рустамни ҳамон.
Эй, табиат келтир ҳушига,
Хаёлларга ботмасин ўғлон.

Сарин еллар, сийпала сочин,
Ой, нурларнинг кўзларига сурт.
Она кутар ёзиб қулочин,
Интизордир бунда бутун юрт.

Хаёт энди янада уйғок,
Юракларда тошар ҳаяжон.
Ҳар дақиқа хушхол ва қайноқ,
Томирларда кўпиради қон.

Уфқларда камалак ранги,
Уфқларда нури саодат.
Уфқларда қўшиқ жаранги,
Ҳаммасига сабабчи Меҳнат!

Баҳор яна келгандай қайтиб,
Яна гўзал кўринди ҳаёт.
«Завқим келур» қўшигин айтиб,
Уфқ сари бойлади қанот.

Деҳқон номин шарафлар энди,
Жасур жангчи, Рустам қахрамон.
Номин билар бутун Тошкенти,
Бутун Тошкент, бор Ўзбекистон!

Турмуши зўр, ўйлагандай соз,
Чин юракдан ҳурматлар халқи.
Шаҳодатни айлайди эъзоз,
Соф виждони, юраги ҳаққи.

Вафоли ёр, Шаҳодат чиндан
Нурдек тоза ундаги ният.
Фақат қисди ўғил ва қиздан,
Иккисини номард табиат!

Шундай. Фарзанд доғи куйдирар,
Уттиз йилки, бир тирноққа зор.
Рустам шундан ҳавлга чўмар:
— Болалик уй дейдилар бозор.

Лекин қалбда куёш тафти бор,
Интилади кеча ва кундуз.
Мақтанишга ҳатто ҳаққи бор,
Кўкрагида порлайди юлдуз!

Мана ҳозир етим жўжа воя-
га етиб қолди. Хўроз билан
жўжанинг дўстлиги ҳозир ҳам
давом этаётир.

Тоғда сув наҳанги

Исфара районидagi қишлоқ-
лардан бирида яшовчи М. Исаев
бир кун қандайдир йирт-
қичиниғ шохигами ёки тишга-
ми ўшаган ғалати суяк топиб
олди. У ўз топилидини уйига
келтириб, қўни-қўшиқларига
кўрсатди. Кекса отахонлар ҳам
униғ нималлигини айтиб бера-
олмадилар. Охири М. Исаев
Тожикистон ССР Фанлар ака-
демиясидан жавоб олишга му-
яссар бўлди. Аслида у тоғ
дарёсининг сув ўпирган қир-
гоғидан наҳанг-акуланинғ ти-
шини топиб олган экан...

Тожикистон ССР Фанлар
академияси Геология институ-
ти палеонтология бўлимининг
мудир, геология-минерология
фанлари доктори М. Р. Жали-
лов бу ҳодисани кўйидagича
шарҳлаб берди:

— Ҳозирги Тожикистон тер-
риториясидagи Коммунизм чўқ-
қиси атрофидagи ерларда бун-
дан ўн миллион йиллар аввал
дегиз сувлари ястаниб ётган-
нини тасаввур этиш қийин ал-
батта. Лекин аслида шундай
бўлган. Урта Осиё геология-

сининг дастлабки тадқиқотчи-
ларидан Г. Д. Романовский ва
И. В. Мушкетов ўтган аср
охирларидаёқ Фарғона водийа-
сидан наҳанг тишларини топиб
олган эдилар. Наҳанглар ўша
даврга ўзларини бу ердаги
сувлариниғ асосий хўжайини
деб ҳис этган бўлсалар ажаб
эмас. Чунки М. Исаев толган
суяк наҳангнинг энг кичик ти-
ши экан.

Какликда учган «чавандоз»

Латча — сувсарлар оиласи-
га мансуб энг кичик йиртқиқ.
Унинг ўртача оғирлиги юз
граммга тенг, ҳатто баъзан
ўттиз граммлик латчаларни
ҳам учратиш мумкин. Латча
кемирувчи ҳайвонлар ва ҳаша-
ротларни овлаши билан фой-
далидир. Узи чиройли, қаққон,
одатдан ташқари журъатли
жонивор. «Известия» газетаси-
нинг муштарайларидан, Мур-
манск область, Никель шахри-
да яшовчи Н. Зайцев латчага
алоқадор шундай воқеани ҳи-
қо қилади:

— Бир гала оқ каклик қай-
ни даратнинг энглиб ётган
шохига қўнди. Улар дарат
куртакларини чўқиллаб турган
пайтда ногаҳон латча яшин
теглида какликлардан бири-

...Сувчи ул Гўзасин авайлаб,
Қон билан, жон билан боқади.
Сува билан меҳри ҳам, рости гап,
Яшил зғатларга оқади.

Даласи Ватандир — кенг бағир
У бахтининг чирогин ёқади.
Тупроқдан дур олиб у, ахир,
Меҳнаткаш элини боқади!

Уфқ дарвозасин бугун, ланг очиб,
Қишлоқда ажойиб тонг кулаётир.
Атрофга кумуш ранг нурларин

сочиб,
Бахтли келажакдан бонг ураётир.
Ажиб тонг. Сўлим, дилрабо,
Кумуш сочларини ёймиш у бугун.
Гўзал тонг, кўзлардек тиниқ,
мусаффо,
Гунчалар қалбиде ечилмиш тугун.

Ҳарир парда билан ёпиб Чўлпонни,
Булут кезар бир бўсалалаб.
Елкасига ташлаб чўпони,
Рустам турар тонгини қаршилаб.


Қайноқ юрагиде, юртада тонг отар,
Қадоқ қўллариде мўқаддас бир хат.
Қалбиде зғу ҳис, зўр тугён ётар,
Ахир келмоқда-ку, тонг каби бир
Бахт!

У келди, гўёки нур-анё келди,
Қумуш қанотини ёзиб келди Бахт.
Қишлоқда хушхабар шамолдай елди,
Ҳатто қарсақ чалар гнёҳ ва дарат.

Катта тўй бошланди, ўртада Руслан,
Фалакка чиқади кўноққа қаҳ-қаҳа.
Ўзбек қони бор-ку қонида аслан,
Илк марта у айтди ўзбекча: «Дада!»

Руслан тикилади отага тўймай,
Дийдор кўришган-чун айтиб шуқрона.
Дўпий кийгизади одамлар қўймай,
Енида гиргиттон меҳрибон она.

Рустам ҳаётидан минг марта мамнун,
Мана, қаршисиде тоғдай ўғлони.
Жилмайиб ўтирад, гўёки бутун
Елкасига олиб дунёни.



Танишиш.

С. Стефанович фототюди



ҲИММАТЛИ ХЎРОЗ

Чернигов область Погребча
қишлоғидаги Маданият уйи-
нинг мудир М. Слюкас ҳов-
лисиде она товуқ бор-йўғи
биттагина жўжа очиб чиқди.
Она товуқ чинакамга болабе-
зор экан, биттау битта жўжага
ҳам меҳрибонлик қилол-
мади, ҳали патлари ўсиб ул-
гурмаган мурғак паррандани
ташлаб кетиб қолди. Жўжа
шўрлик она товуқ ўрнига...
хўрозга боғланиб қолди. Етим
жўжа тунарлар ўз отаси хўроз
устиде ўтказарди, совқотиб
қолса, унинг қанотлари остиде
қиснард. Хўроз эса, жўжага
чинакамга гамлхўрлик қилди,
ўз боласини ҳар хил бало-
қазолардан асради, керак бўл-
ганда ейишга дон топиб
берди.

мева ноябрнинг охири, де-
кабрнинг бошида пишиб ети-
лади. Бордию мева бироз
қуритилса, шакарнинг миқдори
қиққ процентга чиқади. Бу
мевалар асосан кондитер маҳ-
сулотлари тайёрлашда фойда-
ланилади. Бу гаройиб дарат-
нинг танасидан эса, метель
ҳамда ҳар хил музика асбоб-
лари тайёрланади. Итшумурт-
лар оиласига мансуб бўлган
бу мевали даратхтовения деб
аталади ва мамлакатимизнинг
жанубиде ўстирилади. Маса-
лан, Закавказьега дам олишга
борган кишилар Сухуми шаҳ-
рининг бозориде даратхто
пишган конфетларни бемалол
харид қилишлари мумкин.

Баҳайбат

ОШҚОВОҚ

Англизда Дэвид Пейн деган
киши ўз томоғқасиде 167 ки-
лограммлик баҳайбат ошқовоқ
етиштириб, ўзига хос дон та-
ратди. Олди-қонди гапларга ўч
айрим такасалтанлар Дэвид
Пейндан бундай улкан аза-
фардор эришиш сирини сў-
рашди.

— Қовоқ етиштириш бора-
сида рекорд қўйганлигининг
сиди шунданки, — деди Дэвид
Пейн, — мен ҳар кун ошқовоқ
палаги остиде 270 литрдан сув
қуйиб турдим...



Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

— Бу қанақа беъманилик!
— Ҳой жим, дадаси, кўрмаяпсизми қўлига китоб олибди энди кўйлаб қолади...

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ШЕР БИЛАН ТУЛКИ

возкашнинг оти. Афсуски, у — бир жойда айланарди.

— Олампахо, — деди бир куни Тулки Шерга. — Мен сизни бир жойга бошлаб бораман, роса товукча тўямиз...

— Тулки бошлаган йўлдан фақат тулки юради, Шер юрмайди, — деди Шер жирканиб.

СУҲБАТ

— Оламда нима гап! — деб сўради Кўрсичқон.

— Ҳеч гап йўқ, ҳаммаёқ қоп-қоронгулик, — деди Кўршапалак.

— Ҳа-я, — деб қўйди Кўркуш.

ЖУВОЗКАШНИНГ

ОТИ

— Эҳ-ҳе, йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим, — деб қўярди жу-

ТОВУС БИЛАН

ТУРНА

— Вой бечора-ей, сен ҳам ўзингни қушман, деб ўйлайсан-да, а! — деб лабини бурди Товус Турнага. — На бирор беагинг, на тузукроқ либосинг бор. Дунёга келиб нима ҳам кўрдинг?

— Мен кўрган жойларни сиз икки дунёда ҳам кўрмайсиз, танноз ойм, — деди истеҳзо билан Турна.

КУЛ

— Мен ҳам бир вақтлар ўт-олов бўлгандим-а... Эсиз, у даврлар ўтдию, кетди... — деб мунгли ўйланиб ётарди Кул.

ИСИРИҚ

— Э, исириқми, ўтмиш қолдиги у, — деди бир сохта донишманд.

— Э, исириқми, дардларга дармон у, — деди бошқа бир доно одам.

КЎПРИК

— Нима қилиб турибсан бу ерда қаққайиб? — деб сўрабди Эшак кўприкнинг устига келиб.

— Дарёни тамошо қиляпман, — депти Кўприк кулиб.

АКС-САДО

Акс-садо нима дейилса шуни такрорларди. Аммо бузиб, ярим-ёртисини айтарди.

— Нега шундай қилсан? — деб сўрашди ундан.

— Мен — таржима қиламан-да, — деб жавоб қилди Акс-садо.



Басир РАСО

ДАРКОР ЭМАС

(Бир ишёқмасининг хиргойиси)

Ору номусдан гапирманг, менга ор даркор эмас, Пул эмас у, гул эмас у, ё қаторда нор эмас.

Ишламай ялло қилишлар кимга ёқмайди ахир, Сут билан кирган мижоз бу... унга мен айбдор эмас!

Олма ҳил-ҳил пишса-ю оғзимга тушса не ажаб, Бир амаллаб чайнабон юмоғим ҳеч душвор эмас.

Кўзларим ишни эмас, кўрғай фақат бозорни, Пулни пулга чақмасам бозор ҳам бозор эмас.

Ишларим «қандоқ» эмас, «қандек» бўлар бозорда, Лақмалар кўп бўлса, айёр пул топишга зор эмас.

Ғар тузоққа тушмасам, тушдай ўтар ҳар бир куним, Мен деганлар тушди унга, кўрқишим бекор эмас.

УСТАБУЗАРМОН

Оқил одам етти бор ўлчаб, Бир бор кесар, бўлмайди кам-кўст. Бу ателье устаси, ажаб, Бир бор ўлчаб кесар устма-уст.

ФАЛОКАТ

Агроном у, аммо қилмиши Одамларга ёмон ботади. Уз касбига йўқдир ҳеч иши, Селитрали қовун сотади. Тожиқчадан Жонибек ҚУВНОҚ таржималари



Рассом: Мана, рамкадан чиқмай ичяпман, энди нима деб танқид қилишаркин!..

Пивохонада

- Биродар, нима учун пивони тўлдириб қуймайсиз?
- Кечирасиз, кўзим хирароқ
- Унда, нега тошириб юбормайсиз?
- Нима, мен кўрманми!

Поликлиникада

- Нега анчадан бери ишга бормаясиз?
- Касал бўлиб қолдим.
- Қанақа касал бўлдингиз?
- Ҳозир, бюллетенга қарай-чи...

«Ақлим қаерда эди»

- Эр:
- Эҳ!.. Сенга уйланмасимдан олди ақлим қаерда экан-а?
- Хотин:
- Ақлингиз қаерда бўлганини билмайман-у, аммо ўзингиз дадам бошлиқ бўлган идорада зўрға илиниб юрган эдингиз!

- Шунча шишани бўшатдингми, мулла Кайфиддин!
- Чекишни ташладим, бобой, шуни ювдик.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



Вино дўконигача

- Ҳой, ошна, шу ердан вино дўконигача қанчалик йўл, айтиб беролмайсизми?
- Бу ердан вино дўконигача беш минутлик, у ердан бу ёққача эса, ярим соатлик йўл!

Мухбир ва боксчи

- Мухбир:
- Сиз бокс мусобақасида қандай қилиб ғолиб чиқдингиз?
- Боксчи:
- Кўрсатайми!

Ароқ ичаётганда

- Ҳой дедаси, ароқ ўлгурни ичаётганда уйда хотиним бор, мени кутиб ўтирибди, деб уйламайсизми?
- О, хотинжон, мен ароқ ичаётганимда бор дардим у ҳасратимни унутиб қўяман-да!

М. ВАЛИХОНОВ таржималари

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Алишер Навоий. Ўзбекистон ССР халқ rassоми Абдулҳақ Абдуллаев чизган расм.

(Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи экспозициясидан олинди.)

Тўртинчи бет: 1. Янгийўл районининг 36 минг тонналик хирмонига Назарали Ниёзов номидаги колхознинг кўп-минг килограммчи теримчилари алоҳида улуш қўшдилар.

Суратда: илгор теримчи қизлар Ўғилой Зокирова ва Маҳ-муда Раимқулова.

Р. Галиев фотоси

2. Йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш тадбирлари Тошкентнинг Собир Раҳимов районидаги Абдулла Қодирий номи маҳалла комитетида тантана билан ўтказилди.

Суратда: маҳалла оқсоқоли Абдулла ота Мақсудов ҳарбий хизматга жўнаётган йигитларга уларнинг қариндошуруғлари даврасида оқ йўл тиламоқда.

3. Урганч районидаги Охунбобоев номи колхознинг Шомурод Еқубов бошлиқ бригадаси 16 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 225 центнердан қовун ҳамда 700 центнердан хашаки лавлаги етиштирди.

Суратда: колхоз партия ташкилоти секретари Собир Ҳожиев (чапда) илгор бригада бошлиғи Шомурод Еқубов билан бирга.

4. Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг боғбони М. Қурбонов 50 гектар майдонда ширин-шакар мевалар етиштирмоқда.


Суратда: боғбон М. Қурбонов ўз набираси билан.

Н. Шарипов фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиш шарт.

«СССР ШАҲАРЛАРИ» КРОССВОРДИ



Энига: 2. Қримдаги шаҳар. 5. Ғарбий Сибирдаги қончилар шаҳри. 10. Итти-фондош республика пойтахти. 11. Грузиядаги шаҳар. 13. Қалмиқ Автоном Респуб-ликаси пойтахти. 15. Волинь области маркази. 16. Ростов областидаги порт шаҳар. 19. Қозоғистондаги область маркази. 21. Украинадаги область маркази. 23. Қаҳрамон шаҳар. 26. Мамлакатимиз шимолидаги шаҳар. 28. Павлодар обла-стидаги шаҳар. 29. Иркутск областидаги шаҳар. 32. Антлобинск области таркиби-даги шаҳар. 33. Самарқанд областидаги шаҳар. 36. Қирғизистондаги область маркази. 37. Тожикистондаги энергетиклар шаҳри. 38. Беларусиядаги шаҳар. 39. Москва областидаги шаҳар. 40. Токсент областидаги қончилар шаҳри. 42. Қаҳрамон шаҳар. 43. Иттифондош республика пойтахти. 44. Туркманистон-даги область маркази.

Бўйига: 1. РСФСРдаги область маркази. 3. Ўзбекистоннинг жанубидаги ша-ҳар. 4. Ватанимиз шарқидаги шаҳар. 5. Автоном республика пойтахти. 6. Сибир-даги областлардан бирининг маркази. 7. Машҳур қозоқ шоири номи билан ата-лувчи шаҳар. 8. Чита областидаги шаҳар. 9. Ғарбий Сибирдаги область маркази. 12. Қаҳрамон пойтахт шаҳар. 14. Эстониядаги шаҳар. 17. Инқилоб бешиги, қа-ҳрамон шаҳар. 18. Каша дарёси бўйидаги шаҳар. 19. Ёқутистондаги шаҳар. 20. Қозоғистон жанубидаги шаҳар. 22. РСФСРдаги область маркази. 24. Ярос-лавль областидаги шаҳар. 25. Хакасия Автоном области маркази. 26. Узоқ Шарқ-даги область маркази. 27. Қора денгиз соҳилидаги курорт шаҳар. 30. Иттифон-дош республика пойтахти. 31. Автоном республика пойтахти. 34. Курган шаҳри яқинида оқиб ўтувчи дарё. 35. Литвадаги шаҳар. 40. Краснодар ўлкасидаги ку-рорт шаҳар. 41. Бухоро областидаги шаҳар.

Тузувчи Тўрабой ХОЛМАТОВ

«ИНОД СОҲИБЛАРИ» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

- Қошғарий. 2. Румий. 3. Мажлисий. 4. Мирий. 5. Хондамир. 6. Бобир. 7. Сино. 8. Тагор. 9. Ҳидоятлов. 10. Нодира. 11. Бурхонов. 12. Беход. 13. Некрасов. 14. Тусий. 15. Бону. 16. Воиғиф. 17. Кайковус. 18. Набиев. 19. Эйштейн. 20. Ога-ҳий. 21. Кавказий. 22. Кошй. 23. Ашн. 24. Чехов. 25. Али Қўшчи. 26. Ғозий. 27. Фарғоний. 28. Аяний. 29. Хоразмий.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош расом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Санд ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХУҲАЕВ

«Гулистон» ежесечасный общественно-политический, литературно-художествен-ный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке].

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбоса-ри — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333659; адабиёт ва санъат бўлими — 333602; фан ва маданият ҳамда расомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 20.11.1982 й. Босишга рухсат этилди 20.01.1983 й. Р — 07032. Қоғоз 70×108¹/₈. Вотиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 246340. Буюртма 4783. Нашр М — 115.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Бай-роқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент. ГСП. «Правда Востока» кўчаси, 26.